




ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



*Соқийи ғилеҳра, кетур жони ади,
Қўрки, не ғилар оғар анжони ади.
Ади аётин тўтқи, бўлуб шод игай,
Одилли давронни қилиб ёд игай.*

ТАРАҚҚИЁТГА – ФАҚАТ МАШАҚҚАТЛИ ВА ЖАСОРАТЛИ МЕҲНАТ ОРҚАЛИ ЭРИШИЛАДИ

Имом Мотуридий бобомизнинг: “Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлғай”, деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим. Давлат вакиллари ўзининг ҳалол меҳнати, оддийлиги, халқсеварлиги, самимийлиги ва фидойилиги билан одамларимиз меҳрини қозониши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Янги Ўзбекистоннинг давлат ва жамият бошқарувида ўзига хос демократик аънамага айланган Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга ва у орқали Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси ўтган 2022 йил 20 декабрда бешинчи марта йўлланди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу Мурожаатномалар нафақат маҳаллий экспертлар, балки дунёдаги нуфузли сиёсатчилар томонидан янги Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларни белгилайдиган муҳим воситалардан бири сифатида юксак баҳоланмоқда.

Мантиқий изчилликка асосланган ва бир-бирини тўлдириб бораётган барча Мурожаатномаларнинг туб негизида инсон, унинг манфаатларини амалда таъминлаш, фаровонлигини ошириб бориш сингари инсонпарвар ва адолатпарвар ғоялар ётади.

Бу йилги Мурожаатноманинг муҳим аҳамиятга эга бўлган жиҳатларидан бири шундаки, у – Президентимиз таъбири билан айтганда, “ғоят мураккаб ва синовли йил” якунига етаётган бир пайтда мамлакатимиз тараққиёти учун устувор бўлган янги ва муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Мурожаатномада алоҳида қайд этилганидек, “Якунига етаётган 2022 йил ғоят мураккаб ва синовли йил бўлди, десам, ҳар томонлама тўғри бўлади. Ушбу даврда тўплаган тажрибамиз бир ҳақиқатни яққол исботлаб бермоқда: тараққиётга – фақат машаққатли ва жасоратли меҳнат орқали эришилади.” Мана шу эзгу даъват замирида янги жамиятимиз тараққиётининг бутун моҳияти ўз аксини топган. Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг ва жамиятнинг



тараққиёти, шубҳасиз фуқароларнинг машаққатли ва жасоратли меҳнатлари орқали таъминланади. Давлатимиз раҳбарининг бу даъвати ҳар бир Ватандошимизга, жумладан биз адолат посбонлари бўлган судьяларга ҳам ниҳоятда масъулиятли вазифаларни юклайди.

Зеро, Мурожаатномада таъкидланганидек, “Имом Мотуридий бобомизнинг: “Элу юрт билан ҳамдард бўлиб яшагин, токи халқ ҳамиша сен билан бирга бўлғай”, деган ҳаётий ҳикмати ҳар бир вазир, ҳар қайси раҳбарнинг онги, қалби ва ҳаракатида муҳрланиши лозим.”

Давлатимиз раҳбари ушбу Мурожаатномада яна бир бора “инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши лозим”лигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Буни таъминлашда эса суд ҳокимияти ниҳоятда муҳим ўринни эгаллаши бутун судьялар ҳамжамиятига, суд тизими ходимлари зиммасига жуда катта масъулият ва юксак вазифалар юклайди.

Бунинг учун, биринчи навбатда судьяларимиз нафақат профессионал касб фаолиятини амалга оширишда, балки кундалик турмушида ҳам “Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат ва дилида поклик устувор бўлиши шарт” деган ҳаётий шиорга қатъий амал қилишлари шарт деб биламан.

Дусмурод ТОШЕВ,
Тошкент туманлараро маъмурий
суди раис ўринбосари.

ЭРКИН БОЗОР ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ БАМИСОЛИ ҚУШНИНГ ИККИ ҚАНОТИ

“Қанчалик оғир бўлмасин, иқтисодий ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислоҳотларни жадаллаштирамиз.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистоннинг иқтисодиётни эркинлаштириш борасидаги ислоҳотлари бутун дунё эътиборида, яъни жаҳоннинг энг йирик компаниялари диққат марказида турибди. Демак, мамлакатимизда эркин бозор механизмлари қанчалик мукамал жорий этилса, соғлом рақобат таъминланса, миллий бозоримизга кириб келаётган хорижий инвесторлар оқими шунчалик ортади.

Аммо, энг муҳим масала эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобатни таъминлаш орқали маҳаллий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашдир. Тадбиркор қанча қўллаб-қувватланса, иқтисодиёт шунча ривожланади. Бу эса, ўз навбатида қуйидаги натижаларни беради:

- 1) бозорларимизда маҳсулотлар тўқинлиги ва арзончилиги таъминланади;
- 2) аҳолига сифатли, миллий товарлар етказиб берилади;
- 3) озиқ-овқат хавфсизлигига эришилади;
- 4) аҳоли доимий банд бўлади;
- 5) камбағаллик даражаси камаяди, аҳолининг фаровонлиги ортади;
- 6) энг муҳими миллий иқтисодиёт юксалади.

Асосийси, экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш масаласи босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда экспорт билан шуғулланадиган тадбиркорларга ҳар томонлама шароит яратишга ҳаракат қилиняпти. Натижада экспорт қилувчи корхоналарнинг экспортдаги ташиш харажатларини 50 фоизгача компенсация қилиш механизми жорий этилди. Экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган шарт-шароитлар сабабли 74 турдаги янги маҳсулот географияси 42 та мамлакатга кенгайиб, экспорт миқдори 2016 йилдаги 12.1 миллиард

АҚШ долларида 2021 йилга келиб 16.6 миллиард АҚШ долларига етди. 2022 йилда эса экспорт ҳажми 19 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Давлатимиз томонидан инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит муҳофазаси, меҳнат муносабатлари, бошқарув стандартлари доирасида 27 та халқаро конвенция талаблари бажарилган ҳолда Еврокомиссия хулосасига биноан, ўтган йил апрель ойида Европарламент бизга Европа иттифоқи давлатларига божсиз экспортни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи GSP+ имтиёзини тақдим қилганди. Шундай қилиб, юртимиз мазкур имкониятни қўлга киритган дунёдаги тўққиз давлатдан бирига айланди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда хусусий мулкчиликни давлат томонидан кафолатлаш, тадбиркорлик эркинлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Алал оқибат амалиётда талаб ва тақлиф, рақобат ҳамда нарх сингари бозор механизмлари ишлай бошлади. Таҳлиллар бу борада шундай дейди: охириги 5 йилда ички бозор эҳтиёжига 3,5 минг турдаги товарлар учун импорт божхона бож, 1,1 минг турдаги товарларга акциз солиғи бекор қилинди, бундан ташқари, 3 мингдан ортиқ турдаги товарлар учун импорт божлари кескин камайтирилди.

Худудларда барқарор ривожланиш кўрсаткичларига эришмасдан туриб, миллий иқтисодиётни ривожлантириш ҳақида фикр билдиришнинг ўзи мантиқий нуқтаи назардан самарасиз ҳисобланади. Шу сабабли худудларнинг молиявий-инвестицион салоҳиятини оширишга замин яратилса бу ҳолат худудлардаги саноат корхоналари учун бизнес муҳитини яратишга туртки беради ҳамда барча худудларнинг тенг ривожланишига хизмат қилади.

Лекин шунга қарамай, айрим ҳолларда давлат секторининг бозор муносабатларига аралашуви кўп жиҳатларда нафақат иқтисодий самарасизлик ва эркинликларнинг тўсилишига, балки коррупцияга қўл уришга ҳам олиб келмоқда.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида эркин бозор механизмларини жорий қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни Конституцияда мустаҳкамлаб қўйиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратди.

Сирожиiddин ҚУВВАТОВ,

Жиззах вилояти суди иқтисодий судлов
ҳайъати судьяси.



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДҒОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Бехзод МЎМИНОВ
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 27.01.2023 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ.

Буюртма № 12. Адади 2 300.

Баҳоси келишилган нархда.

«NAKIMA NASHR GROUP» МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: 100 057,

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

Ифтихор кўчаси, 117-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ ЙЎЛИ –
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДИР

7

МУЛҚДОРЛАР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР
ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ
УСТУНЛАРИ

8

ЗАКОВАТ БОР ЖОЙДА УЛУҒЛИК БЎЛАДИ

9

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ ТАРКИБИ
ТУШУНЧАЛАРИ:
ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ
МУВОФИҚЛИК

МУҲИМ МАВЗУ

12

МЕРОСХЎРНИНГ МЕРОС МУЛКИНИ
ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

16

МУНОСАБАТ

СУДЬЯ МАЪНАВИЯТИ ВА
БУРЧИ ҲАҚИДА ҚОМУСИЙ КИТОБ

ИБРАТ

19

ҲИКМАТЛИ ЖАВОБ

20

ЗЪТИРОФ

УСТОЗЛАРНИ ЭСЛАБ...

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

22

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ
ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲИСОБ-
КИТОБЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

ЯНГИ БОСҚИЧ

25

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ
МОЛИЯЛАШТИРИШДА
ХАЙРИЯ (ENDOWMENT)
ЖАМФАРМАЛАРИНИНГ
АҲАМИЯТИ

28

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ВА БЕЛГИЛАРИ

ҚОНУН ВА АМАЛИЁТ

32

ТАКРОРАН СОДИР ЭТИЛГАН
ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ

34

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР
МУРОЖААТЛАРИ БОРАСИДА
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР
АМАЛИЁТИ

СУДЬЯ МИНБАРИ

37

КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ
ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ
ЖИҲАТЛАРИ

39

ЕР – СТРАТЕГИК
ЖИҲАТДАН МУҲИМ
ТАБИИЙ РЕСУРС

ТАДҚИҚОТ

40

ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ
ТУЗИЛИШИДА ШАХС
ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ
МУАММОЛАРИ

42

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ
ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВ
ВА ЖИНОЯТ ИШНИ ҚЎЗҒАТИШ
МАСАЛАЛАРИ

46

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА
КЕЛИШУВНИНГ ЯРАШУВ ВА
МЕДИАЦИЯ БИЛАН ҚИЁСИЙ-
ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

49

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО
ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК:
ТАРИХ ВА БУГУН

52

ХУСУСИЙ МУЛК
ҲИМОЯ ҚИЛИНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ

54

СУД ОЧЕРКИ

ОҚ ХАЛАТГА ДОФ ТУШМАСИН

55

“ҚИНФИРЛИКНИНГ ҚИЙИҒИ ҚИРҚ
ЙИЛДАН СЎНГ ҲАМ ЧИҚАДИ”

56

ТЕМА ДНЯ

ПРАВОВЫЕ ГАРАНТИИ УЧЕТА И
РАССЛЕДОВАНИЯ
НЕСЧАСТНЫХ СЛУЧАЕВ НА
ПРОИЗВОДСТВЕ

CIVIL SOCIETY

59

PUBLIC SERVANT REWARD
PROCEDURES

62

COMPARATIVE ANALYSIS

INTERNATIONAL INVESTMENT
RELATIONS:
NATIONAL AND FOREIGN EXPERIENCE

ҲАЛОЛЛИК ВА АДОЛАТ ЙЎЛИ – ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДИР

Энди амалий ишларни кучайтириш керак. Сунъий монополияга, ёпиқ схемаларга, умуман коррупцияга имкон яратадиган барча бўшлиқларга барҳам берилади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида 2023 йилда мамлакатимиз тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб берилди.

Мурожаатномада илгари сурилган муҳим ғоя ва ташаббуслардан бири Давлатимиз раҳбарининг коррупция билан курашиш борасидаги фикрлари бўлди. Ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдорнинг коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилиши – жуда оғриқли масаладир. Барчага аёнки, коррупция аралашган жамият ичидан емирилади. Унда қанча ислохотлар қилсангиз ҳам у сира олдинга жилмайди, бирон-бир жабҳада ривожланиш бўлмайди. Айниқса, мансабдор шахсларнинг бу иллатга ўралашиб қолиши мамлакатимиз тараққиётига жуда катта талофат олиб келади.

Хўш, бундан қандай чиқиш мумкин?

Ҳалоллик, ўз маъносига кўра, тўғрилиқ, адолат, софдиллик, самимийлик, иймон сўзлари билан уйғундир. Тўғрилиқ, ҳалолликни сингдириш инсоният тарихида энг қийин ишлардан бўлган. Буни юксалишга эришган давлатлар тарихини ўрганиш давомида ҳам кўриш мумкин.

Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темури хазратлари ҳам ҳалоллик, ростликни ички ва ташқи сиёсатни юргизишда, оила тарбиясида, тўғри йўлга риоя этишда бош қадрият деб билганлар. У кишининг тузукларида “Рости русти”, деган ёзув ҳам “Куч тўғрилиқдир”, деган маънони ифода этган. Адолат сўзи ҳам араб тилида “ҳалол, тўғри, рост, ҳаққоний” деган маъноларни ифода этиб, дунёдаги барча катта ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ислохот ҳамда ўзгаришлар айнан адолат, ҳалолликни ўрнатишга даъватдан бошланган. Қадимий ёзма манбаларда ҳалоллик ва адолатнинг рўёбга чиқиши ҳукмдорнинг 11 иродаси билан бирга, жамият ҳамда шахсларнинг маънавиятига ҳам бевоқифлиги қайд этилади.

Хусусан, уч минг йиллик буюк тарихимизга олтин ҳарфлар билан битилгучи Тўмарис, Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳукмронлигидаги давлатларда илм-фан, санъат, ҳунармандчилик, бунёдкорлик ривожига айнан ҳалоллик ва адолат омиллари кенг йўл очган.



Зеро, ростлик, тўғрилиқ – ҳар бир ишда мантиқли ёндаша олиш, ҳақиқатни ўз фаолиятининг асосий кўрсаткичи ва мезони деб билиш, ҳамма нарсани ўз номи билан аташга ўтиш механизмини ифода этади.

Ҳалоллик ҳар соҳада ўзига хос намоён бўлиб, суд-ҳуқуқ тизимида икки йўналишда, яъни, биринчидан, қонун чизигидан чиқмасликда ва инсон тақдири бўйича қарор қабул қилишда, Президентимиз айтганидек, айбдорнинг ўрнига ўзини қўйиб иш тутишда, ўқитувчи тимсолида эса талаба ва ўқувчига тўғри билим ва тарбия беришда, давлат хизматчиси ҳалоллиги халққа хизмат қилиб, рози қилиш ҳамда жамият манфаатини бош қадрият деб билишда, тиббиёт ходимидаги ҳалоллик беморга таъмагирлик билан қарамасликда, уни даволашни касб ва виждон амри деб билишда, ота-она ҳалоллиги эса фарзандни мустақил ҳаёт кечиришга тайёр, тўғрисиўз, виждонли, чуқур масъулиятли инсон ва муайян касб-ҳунар соҳиби қилиб шакллантиришда ўзи намуна бўлишида намоён бўлади. Зеро, Президентимиз айтганидек, “Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топишида маънан кўмаклашмасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас”.

Баҳодир ХАЛМОНОВ,

Тошкент шаҳар
маъмурий судининг судьяси.

МУЛҚДОРЛАР ВА ИНВЕСТИТОРЛАР ИҚТИСОДИЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ УСТУНЛАРИ

“Ўзбекистонда мулк ва инвестициянинг ҳимоячиси қайсидир ҳоким ёки вазир эмас, фақат Конституция, қонун ва суд бўлади.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мулкдорлар ва инвесторлар ҳуқуқи дахлсизлигини таъминлаш вазифасига фуқаролик жамиятида иқтисодий эркинликнинг энг асосий мезони, демократик тараққиётнинг ажралмас қисми сифатида қаралмоқда. Хусусан, давлат органлари томонидан мулккий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, фуқароларнинг иқтисодий фаолият соҳасида ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва аҳолининг мулккий муносабатларда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш изчил давом эттириляпти.

Бу жабҳага эътиборнинг кучайтирилганига асосий омил шуки, мулкдорлар ва инвесторлар иқтисодиётимизнинг асосий устунларидан биридир. Бинобарин, 2021 йилда жами 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ, шундан, 8 миллиард 100 миллион АҚШ доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция тарзида ўзлаштирилган. Натижада 318 та йирик ва 15 мингдан зиёд ҳудудий лойиҳалар амалга оширилиб, 273 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган. Янги корхоналар жами 1 миллиард доллардан зиёд экспорт ва 530 миллион долларлик импорт ўрнини тўлдириш имкониятига эга.

Бироқ, шундай бўлса-да бу соҳада ҳам бугунга қадар хусусий мулк дахлсизлигини бево-сита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулккий муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишда тўсқинлик қилувчи айрим тартиблар, талаблар ва чекловлар мужассам. Шунинг учун:

- ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар;
- турар жойга бўлган мулккий ҳуқуқлар;
- жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш;
- корпоратив муносабатлар соҳасида давлат иштирокидаги корхоналар мол-мулкни тасарруф этишни таъминлаш даражасини турли ортиқча чеклов ва тўсиқлардан “тозалаб”, Ўзбекистонда мулк ҳуқуқи дахлсизлигини янги босқичга олиб чиқиш зарурати бор.

Қайд этиш лозимки, жорий йил мурожаатнома ва бир қатор ушбу соҳадаги қонун ҳамда фармонлар асосида эътибор қуйидаги масалаларни ечишга қаратилади:

– давлат органлари ва ташкилотларининг судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолатлари камайтирилиб улар томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг мулккий ҳуқуқларини чеклаш, улардан маҳрум қилиш ёки бошқа ҳар қандай кўринишда таъсир қилишга қаратилган даъволари, аризалари ва шикоятлари бож тўловидан озод этилмайди;

– фуқаролик судларида мол-мулкни бировнинг ноқонуний эгаллигидан талаб қилиб олиш юзасидан даъволар бўйича даъвогарлар давлат божини тўлашдан озод қилинади (давлат органлари ва ташкилотлари бундан мустасно);

– иқтисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқига оид даъволар юзасидан регрессив (даъво қиймати ошишига қараб давлат бож ставкаси пропорционал равишда тушиб боради) давлат бож ставкаларини қўллаш амалга киритилади.

Халқаро тажрибага юзланадиган бўлсак, мол-мулк ҳуқуқи дахлсизлигини суд орқали ҳимоялаш институтлари АҚШ, Франция, Германия, Япония, Туркия ва Канада сингари давлатларда юксак ривожланган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, Ўзбекистонда мулкдорлар ҳамда инвесторлар ҳуқуқлари дахлсизлигининг таъминланганлик ҳолатини янада ошириш, давлат органлари аралашувига чек қўйиш, фуқаро ва ташкилотлар, хорижий инвесторларнинг мулккий манфаатлари ҳимоясини юридик таъминлаш даражасини юксалтириш мамлакатимиз аҳолисининг фаровон яшашига олиб келади.

Дилмурод ДАВЛЕТОВ,

Қўнғирот туман иқтисодий судининг судьяси.



ЗАКОВАТ БОР ЖОЙДА УЛУҒЛИК БЎЛАДИ

“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир! Ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, сифатни ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал қилишимиз керак.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Президентимизнинг ушбу фикрларига муносабатимизни қуйидаги ҳолат билан изоҳлаб ўтсак. Жанубий Африкадаги Стелленбош университетининг кириш эшиги олдида шундай деб ёзиб қўйилган:

“Ҳар қандай давлатни йўқ қилиш учун атом бомбаси ёки узоқ масофага учувчи ракетадан фойдаланиш шарт эмас, фақат таълим сифатини пасайтириш ва талабаларга имтиҳонларда кўчириш имконини бериш керак.

Беморлар ана шундай илмсиз шифокорлар қўлида жон беришади.

Биолар нодон муҳандислар қўли билан вайрон бўлади.

Бу каби тадбирсиз иқтисодчи ва ҳисобчиларнинг қўлидан пул йўқолади.

Бундай адвокатлар ва судьялар қўлида адолат йўқолади.

Таълимнинг қулаши – миллатнинг емирилишидир.”

Минг афсуски, бугун таълим соҳасида бир қатор ислохотлар олиб борилаётганига қарамай мактабларимизда ўқитувчилар касбий маҳоратининг пастлиги, таълим сифати талаб даражасида эмаслиги, битирувчилар билими етарли бўлмагани боис олий таълим муассасаларига кира олмаётгани, билими етарли бўлмаган абитуриентлардан шакллантирилган талабалардан тайёрланган ўқитувчиларнинг кучли рақобатбардош эмаслиги сингари муаммоларнинг борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

АҚШнинг бир неча штати ҳамда шаҳарларида, шунингдек, Сингапур ва Жанубий Кореяда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агар ўртача қобилият-




га эга етти-саккиз ёшли икки ўқувчига юқори ва паст савияли ўқитувчилар бириктирилса, уч йилдан сўнг уларнинг билим даражаси бир-бириникидан эллик фоиздан зиёдроққа фарқ қиларкан. Яъни, юқори малакали ўқитувчилар дарс берган синфларда ўқувчилар уч баробар тезроқ ривожланади.

Шунингдек, таълим тизимида баланд чўққиларга эришган Хитой тажрибасига тўхталадиган бўлсак, бу мамлакатда педагог кадрлар малакасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилади. Демак, таълим сифатини оширишда ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини юксалтириш ўзга ёндашувларга нисбатан самаралироқлиги ойдинлашади. Бошқача айтганда, мактабда, ҳудудда ва ниҳоят мамлакатда сифатли таълимни таъминлаш кучли илм соҳиби бўлган устоз ва мураббийларга боғлиқ.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, “нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак. Шу боис, мактабларда таълим сифати ҳамда жамиятда ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, муаллимларнинг шароитларини яхшилаш 2023 йилдаги энг асосий вазифаларимиздан бири бўлади.

Низомжон МАҲМУДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Деҳқонобод туман суди раиси.



ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ТУШУНЧАЛАРИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУВОФИҚЛИК

Жиноят ҳуқуқи фани жиноят (жиноят арабча сўз бўлиб ўзбек тилида айб, гуноҳ, жиноий иш маъноларини англатади. Ҳуқуқий маъноси: Давлат қонунларига асосан жавобгарликка тортишни талаб қиладиган, жамоат учун хавfli ҳатти-ҳаракат) ва жазога (жазо ҳам арабча сўз бўлиб ўзбек тилида қасос, мукофот, сазо ва жарима маъноларини англатади) оид таълимотга таянган ҳолда ўзига хос тизимлаштирилган, бир-бирини тўлдирувчи умумий жиҳатдан яхлитлик касб этган, ички тузилишига кўра ўзига хос хусусият билан фарқ қилувчи кўплаб йўналишлар (институтлар) тарзида шаклланган.



**Мавжуда
РАЖАБОВА,**
ИИБ Академияси
Жиноят ҳуқуқи
кафедраси
профессори

Жиноят – жиноий жавобгарлик ва унинг асослари, жиноят таркиби (жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони каби қисмлар), тамом бўлмаган жиноятлар, жиноятда иштирокчилик, бир қанча жиноятлар содир этиш ва қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар каби тушунчаларни ўз ичига олади. Худди шунингдек, жазо тушунчаси ҳам унинг мақсади ва турлари, вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари каби умумий қисмдан ҳамда “шахс–жамият–давлат” тамойилига монанд ёки ўхшаш тартибда тузилган алоҳида турдаги жиноятларнинг ҳар бирини илмий-назарий (ЖКнинг махсус қисм – 250дан ортиқ моддалардан иборат) жиҳатдан тадқиқ қилишга мос тарзда тузилган.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак ўтган асрнинг биринчи чорагига қадар ислом ҳуқуқидаги тартиб-таомиллар ва қоидалар қозилик амалиётининг ўзаги бўлган. Давлат ҳокимиятида ҳам фаолият шариат йўл-йўриқлари асосида амалга оширилган. Аслини олганда ўн тўққизинчи асрнинг охириги чоракларидан бошлаб жиноят ҳуқуқи билан шуғулланган тадқиқотчилар “жиноят таркиби”га оид ўз қарашларига асос солиб турлича фикрларни илмий муомалага киритиш мақсадида ҳаракат қила бошлаганлар. Юридик адабиётлардаги маълумотлар таҳлилига кўра, ўн тўққизинчи асрнинг охириларида Россиялик иқтидорли ёшлар Германиядаги юридик университетларда таълим олганликлари боис, хорижлик олимлар томонидан ишлаб чиқилган “қонун таркиби” уларда қизиқиш уйғотиб “жиноят таркиби”га асос солинган. Бу йўналишдаги тадқиқотлар октябрь инқилобидан кейин ҳам жадал ривожланиб жиноят ҳақидаги таълимотнинг мағзига айланган. Ўз-ўзидан бу тушунча Марказий Осиёда ташкил этилган иттифоқ таркибига кирган қатор республикалар, жумладан Ўзбекистон ССРнинг жиноят ҳуқуқига ҳам сингдирилган.

Ўтган асрнинг 90 йилларигача мустақил Ўзбекистоннинг жиноят ҳуқуқи фани “социалистик

ҳуқуқ оиласи” таркибида озикланиб аста-секинлик билан “жиноят таркиби”ни ҳозирги жиноят ҳуқуқи тарзида сақлаб қолинишига эришилди. Манбалар таҳлили, “жиноят таркиби” тўғрисидаги илк содда қарашларнинг аср давомида чуқур ва мукаммал таҳлил қилиниши натижасида ундаги айрим атамалар Жиноят кодексида норма тарзда ифодаланиб қонуний тусга эга бўлди.

Жиноят тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 14-моддаси 1-қисмида “Ушбу кодекс билан тақиқланган айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади” деб ифодаланган. Илмий жиҳатдан таҳлил қилганда мазкур таърифда умумий тарзда ҳар қандай жиноятга хос бўлган қуйидаги белгилар акс эттирилган.

Биринчи белги – у жиноят деб топилиши учун фақат жиноят кодексида белгилаб қўйилган ёки мазкур кодекс билан тақиқланган бўлиши керак. Янада аниқроқ айтганда, ЖКнинг махсус қисмида бирор бир модда шаклида ўрин олган меъёргина жиноят ҳисобланади.

Иккинчи белги – айбнинг мавжудлиги айнан жиноят тушунчасининг юридик мазмун-моҳиятига аниқлик киритишга хизмат қилади. Ёки мажозий маънода айбни жиноят тушунчасининг “юраги” деб аташ мумкин. Чунки, инсон танаси ва ҳаётида юракнинг ўрни қанчалик муҳим бўлгани каби ҳар қандай турдаги жиноят учун айб ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Учинчи белги – жисмоний шахс томонидан жиноят содир этишда ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) рўй берган деган фикрни узил-кесил айта олишимиз керак. Қилмишнинг ижтимоий хавfliлик хусусияти ёки ижтимоий хавfliлик даражаси жиноятнинг алоҳида белгиси сифатида унинг тушунчасини ифодалашда инобатга олинади. Ҳар қандай ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят тушунчасининг ўзагида мавжуд бўлади.

Тўртинчи белги – фақат суднинг ҳукми билан белгиланиши шарт бўлган жазо қўллаш таҳдидига эга бўлишидир. Жиноят кодексининг махсус қисмидаги ҳар бир моддага ҳамоҳанг тарзда жазо турлари ёки тури қатъий белгилаб қўйилганидан жазо қўллаш таҳдиди ҳақида хулосага келиш мумкин. Шундай қилиб, юқорида санаб ўтилган жиноят тушунчасида ифодаланган тўртта белги Жиноят кодексининг махсус қисмидаги алоҳида олганда ҳар бир жиноят турини тузишда қўл келади.

Таъкидлаш жоизки, Жиноят кодексидagi айрим меъёрлар таҳлили ҳар қандай турдаги жиноят учун фақат жазо қўллаш йўли билан жиноятчиликка қарши курашиш самарали кечади, деган фикрдан йироқлаштиради. Чунки, айнан Жиноят кодексининг умумий қисмидаги алоҳида боб (ЖК бешинчи бўлим 64-76 моддалар)да нафақат жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш, агар қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлса (ЖКнинг 70-76 моддалар) жиноий жазодан озод қилиш ҳам мумкин экани кўринади. Масалан, 2000 йилдан бошлаб Жиноят қонунчилигида ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишга (ўтмишда бўлмаган мутлақо янги модда) оид норма киритилгани бунга ёрқин далил бўла олади.

Қизиғи шундаки, мазкур модданинг иккинчи қисмида “ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилиши”га алоҳида урғу берилган. Бу таърифни англамаган айрим тадқиқотчилар “ижтимоий хавфли қилмиш – бу жиноят ёки жиноят бу – ижтимоий хавфли қилмишдир” деган тор маъноли нотўғри хулосани берадилар. Фикримизча, юқорида тушунтириб ўтганимиздек, ижтимоий хавфли қилмиш жиноятнинг бор-йўғи битта белгисидир. Аслида жиноят тушунчасининг белгилари қаторидан қонунга хилофлилик, айблилиқ, ижтимоий хавфлилиқ ва нихоят жазо қўллаш таҳдиди мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси жиноят ҳақида тушунчага эга бўлишга кўмаклашади. ЖКнинг 16-моддаси “жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари”га бағишланган бўлиб, биринчи қисмида “жиноят учун жавобгарлик– жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир” дейилган. Мазкур меъёрда жиноий жавобгарлиkning ҳуқуқий асослари бирма-бир кўрсатилган. Фикримизча, жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарлиkning, яъни маъмурий, интизомий ва бошқа турларига нисбатан энг оғири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноий жавобгарлик ҳақида сўз юритилганда, ижтимоий хавф-

ли хусусияти ёки даражаси юқори, деб айтилади. Жиноий жавобгарликка тортиш маълум бир ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Жиноий жавобгарликка оид модданинг мазмуни қисқача таҳлил қилинадиган бўлса, қонун талабига кўра, биринчи навбатда жиноят содир этган шахсни айбдор, деб топиш зарур. Шахсни айбдор деб топиш фақат одил судлов орқали амалга оширилади. Иккинчидан – процессуал кодексиди белгиланган тартиб-таомиллар асосида суд томонидан Ўзбекистон Республикаси номидан юридик аҳамияти кучли, яъни ижро этилиши таъминланган бўлиши шарт бўлган ҳужжат – ҳукм ўқиб эшиттирилиши шарт. Учинчидан, айнан айбдор деб топилган шахсга нисбатан чиқарилган ҳукмда унга нисбатан албатта, бирон бир турдаги жазо тайинланган бўлиши керак (ЖПКнинг 421-моддасидagi айбдор шахсга жазо тайинламай, айблов ҳукми чиқариш бундан мустасно). Ва нихоят тўртинчидан, суд зарур деб топса айбдорга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларидан бири (тиббий йўсиндаги ёки вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари) қўлланиши мумкин.

ЖКнинг 16-моддасини иккинчи қисмидаги “ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади”, деган қоида билан боғлиқ жиноят ҳуқуқи фанидаги айрим илмий-назарий масалалар, жумладан, жиноят таркиби субъектив томонининг асосий белгиси ҳисобланган айб моҳияти, шунингдек, қўшимча (факультатив) белги деб номланган мотивнинг жиноят ҳуқуқига хос юридик маъно-мазмуни ҳақида сўз юритмоқчимиз.

“Жиноят таркиби”нинг мазкур фан ва қонунчилиқдаги аҳамиятига келсак, суд-тергов амалиётида ҳар бири алоҳида олинганида ЖКнинг махсус қисмидаги жиноятни тўғри малакалаш айнан шу кодекснинг умумий қисмдаги “жиноят таркибининг барча аломатлари”ни (ЖКнинг 16-моддаси 2-қисми) тўлиқ тушунган ҳолда аниқланишига боғлиқ бўлади. Содда қилиб айтганда, ҳар бир модда, унинг қисми ёки бандлари айнан “жиноят таркиби”нинг қисмлари (элементлари), ўз навбатида ҳар бир қисм (объект ва ҳ.) эса асосий, зарурий (мажбурий) ёки факультатив белгилардан ташкил топади. Фикримизча, илмий тадқиқотлардаги жиноят таркибига доир мукамал тушунчалар суд-тергов амалиётида суриштирувчи, терговчи ва судьяларнинг эътиборидан четда қолиши оқибатида жиноятни нотўғри малакалаб кўплаб хатога йўл қўйилишига сабаб бўлади. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, айрим мутахассислар бир жиноятни бошқасидан фарқлашда “жиноят таркиби” деб аталган кўп қиррали ва мураккаб тушунчани англамасдан жиноят таркибига мутлоқа эътибор

бермайдилар. Бу ўз навбатида енгил жиноятни оғирроқ жиноят деб, ёки аксинча малакалаб судда тарафларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлишига ёки баъзан айблов ва ҳимоя томонлари ўртасида шиддатли ва кескин музокараларга сабаб бўлмоқда. Қолаверса, ЖКдаги “жиноят таркиби” мазмун-моҳиятини чуқур англамаслик ёки тушунишни истамаслик, уни қатъий аниқлашга уринмаслик эса мустақиллиги қонун билан таъминланган судьяларнинг ҳам субъектив ҳиссиётларга берилиши, коррупцияга мойил бўлишига олиб келиш эҳтимоли юқори бўлади. Бундай ҳолатларда судьяда бир томонга (ё айблов ёки ҳимоя) ён босилганини очиқ-ойдин кўриниши баробарида кўпроқ айблов томон билан ҳамфикр бўлиш ёки айблов ҳулосасининг суд томонидан қабул қилинган айблов ҳукмига бирорта ҳарфини ҳам ўзгартирмасдан кўчирилгани ҳам айна ҳақиқатдир. Шу ўринда бундай амалиётдан воз кечишнинг иложи борми?, – деган савол туғилади. Жиноят ҳуқуқи ва жиноят қонунчилигидаги “жиноят таркиби”га оид барча масалаларни суд-тергов амалиёти ходимларини мутахассис сифатида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш жараёнида батафсил ва батареб тарзда ўргатиб бориш, айниқса бу жараёнда тизимлилик (таҳлил ва тадқиқотларга таянган) ва узлуксизлик (номигагина эмас, доимий) хусусиятига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

“Жиноят таркиби” концепциясининг замирида фалсафа фанидаги “умумийликдан хусусийликка эришилади” ғояси мужассамлашган. Шу ўринда қайд этиш жоизки, жиноят ва жиноят таркиби тушунчалари бир хил маънони англатмайди. Жиноят тушунчаси, жиноят таркибига нисбатан кенгроқ маънони англатади. Чунки жиноят тушунчасидаги “жазо тайинлаш таҳди” белгиси жиноят таркибини таҳлил қилишда аҳамиятга эга эмас. Қолаверса, “жиноят таркиби” деганда илмий нуқтаи-назардан бир бутунни қисмларга ёки бўлақларга бўлиб ўрганиш демакдир. Яъни “жиноят таркиби” доимо илмий-назарий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган, ҳозирда ҳам у бойитилиб келинмоқда.

Жиноят таркибининг қисмлари тизимлаштирилган бўлиб, улар қуйидагича кетма-кетликдан иборат тарзда таҳлил қилинади. 1) объект; 2) объектив томон; 3) субъект; 4) субъектив томон. Эътиборли жиҳат шундан иборатки, охириги пайтларда тадқиқотларда тўрт қисмни янада ихчам ва соддароқ тарзда ифодаланиб объект ва объектив томон биргаликда объектив белгиларни, субъектив ва субъектив томон субъектив белгиларни ташкил этади, деган ёндашувлар мавжуд. Фикримизча бундай илмий ёндашув бироз бўлсада ножоиз. Жиноят таркибининг ҳар бир қисми ўзига хос бир неча белгилардан иборат бўлиб, бир қисмнинг белгилари иккинчи-



си билан мазмун - моҳияти жиҳатдан тўлиқ мос келмайди, муҳими ҳар бир қисм ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани боис уларни тўртта қисм доирасида алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, жиноят ҳуқуқидаги “жиноят таркиби” қисмлари билан боғлиқ масалалар синчковлик билан таҳлил қилиб кўрилганда уларнинг айримлари илмий-назарий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилинмагани, мазмун-маъноси саёз, тўлиқ очиб берилмаган ва ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги, қолаверса суд-тергов амалиётида ҳар бир жиноятнинг юридик хусусияти айнан жиноят таркиби қолипига солиб ўлчанмасдан жиноятни нотўғри малакалаш оқибатида айрим жиноят ишларида жиноят таркиби йўқлиги (ЖПКнинг 83 моддаси иккинчи банди) боис оқлов ҳукми чиқарилиши эҳтимоли юқори. Шу нуқтаи-назардан қараганда жиноят ҳуқуқидаги “жиноят таркиби” жумласини Германия қонунчилигидаги каби “қонун таркиби” деб аташ маъкулми?, – деган саволга жавоб излашимизга тўғри келади.

Ҳулоса ўрнида қайд этиш ўринлики, жиноят ҳуқуқидаги жиноят ва жиноят таркибига оид илмий-назарий ғоялар ва қарашлар вақт ўтган сайин такомиллашувни талаб этмоқда, айниқса Ўзбекистонда охириги ўттиз йилдан ошиқ давр мобайнида мазкур фан соҳасида талайгина тадқиқотлар амалга оширилгани фикримизга далил бўла олади. Муҳими, Ўзбекистонда 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши бошқа соҳа, тармоқлар қаторида суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам ислохотларни изчил давом эттиришга ундайди. Айниқса, мазкур соҳа учун юқори малакали ходимларни тайёрлаш кун тартибидаги долзарб масалалар. Бу нафақат янги мутахассисларни етиштириш билан боғлиқ, шу билан бирга суд-тергов органлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ таълим жараёни ҳам сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.



Илҳом

НАСРИЕВ,

Судьялар олий мактаби “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, юридик фанлар доктори

МЕРОСХЎРНИНГ МЕРОС МУЛКИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Меросхўрнинг мерос мулкини қабул қилмаганлиги, ундан воз ҳам кечмаганлиги ёки ижро қилишнинг имконияти йўқлиги олдиндан маълум бўлган суд қарори хусусида

Сарлавҳани ўқиган одам мерос мулкини қабул қилмаслик ва бир вақтнинг ўзида ундан воз кечмаслик ҳам мумкин эканми?, – деб ўйлаб қолади. Ҳа, мумкин. Бу ҳолат мантиқсиз бўлсада бизнинг фуқаролик қонун ҳужжатларимиз бунга йўл қўяди. Континентал, англо-саксон, шунингдек ислом ҳуқуқ тизими-га кирувчи бирон-бир мамлакат қонунлари бунга йўл қўймайди. Хўш, бу нима дегани? Бундай механизм яхшими, ёмонми? Нега қонун чиқарувчи бундай йўл тутган? Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён? Бу борада шаклланиб бораётган суд амалиёти қандай? Қонуннинг бундай ёзилиши кимга керак бўлди-ю ва бу ҳолат қачонгача давом этиши мумкин? Қуйида шу хусусда сўз боради.

Мерос масалалари қадимда қандай тартибга солинган?

Азал-азалдан барча халқларда вафот этган кишининг мол-мулкини ворислик асосида мерос қолдиришнинг ўзига хос тартиб-қоидалари мавжуд бўлиб келган. Бу муносабатлар айниқса ислом динида жудаям мукаммал тартибга солинган бўлиб, унда мерос қолдирувчи ҳаётлик даврида ўзининг вафотидан кейин унга тегишли бўлган мол-мулкни ҳаёт бўлган шахслар томонидан эгаллаш, қабул қилиш, фойдаланиш ёхуд тасарруф қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган аниқ ечимлар берилган. Исломда белгиланган шартлар мавжуд бўлсагина мерос ҳақиқий деб ҳисобланган. Бу шартларга кўра биринчидан, мерос қолдирувчи ўлимнинг содир бўлган бўлиши; иккинчидан, мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг меросхўрнинг ҳаёт бўлиши ва учинчидан, мерос олувчининг мерос қолдирувчига нисбатан ким эканлиги, яъни насаби аниқ бўлиши талаб этилган. Шариат қоидаларига кўра марҳум қариндошлари узоқ-яқинлиги инобатга олинган ҳолда, яъни тегишли навбат билан улар мерос олишга чақирилганлар ва мерос ё қабул қилинган ёки ундан воз кечилган.

Собиқ Иттифоқ даврида мерос муносабатлари

Мамлакатимиз собиқ иттифоқ таркибида бўлган даврларда жамиятнинг иқтисодий негизини асосан давлат мулки ташкил этганлиги сабабли фуқаролар амалда ҳеч қандай хусусий мулкка эга бўлмаганлар ва шу боис мерос қолдирилиши мумкин бўлган мол-мулкнинг миқдори жудаям чекланган ёки мол-мулкнинг ўзи мавжуд бўлмаган. Шу сабабли бу борадаги қонун меъёрларининг ўрни бугунги кундагидек аҳамият касб этмаган.

Мерос муносабатларини мукаммал тартибга солиш нима учун керак?

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги Бош қомусимизда эътироф этилди ва тарихан қисқа вақт мобайнида бозор муносабатларининг ривожла-

ниши ва тадбиркорликка кенг йўл очилиши натижа-сида фуқароларимиз хусусий мулк эгаларига айлан-дилар ва бу хусусий мулкларни авлоддан-авлодга ўтиши билан боғлиқ муносабатларни такомиллашиб бориши баробарида уларни тартибга солиш янада долзарб масалага айланиб бормоқда.

Меросга оид низоларни кўришда судлар асосан қайси ҳужжатларга таянади?

Хусусий мулкнинг авлоддан-авлодга ўтиши-ни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш 1997 йил 1-мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Респуб-ликаси Фуқаролик кодекси ва тегишли қонунлар билан тартибга солинади. Шу билан бир қаторда ворислик ҳуқуқига оид қонун нормаларининг суд-лар томонидан амалда тўғри ва бир хилда қўллани-лишини таъминлаш мақсадида 2011 йил 20 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчи-ликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарори қабул қилинган.

Мерос билан боғлиқ низоларни судсиз ҳал қилиш имкониятлари борми?

Умуман олганда бир тарафдан қонун-қоидалар қанчалар мукаммал бўлмасин, ҳамма замонларда ҳам ворислар ўртасида мерос билан боғлиқ турли низоли вазиятлар, зиддиятлар ва ҳаттоки фожиали ҳолатлар содир бўлиб келган ва минг афсуски бун-дай ҳолатлар бугунги кунда ҳам давом этиб кел-моқда. Судлар томонидан можароли вазиятларнинг олдини олиш, яқин қариндошларнинг бир-бирига душман бўлиб қолмаслиги учун низоларни тинч йўл билан одилонга ҳал қилишга қаратилган ҳаракатла-ри ҳам баъзан натижа берса баъзан натижа берма-ди. Судья ишда иштирок этувчи шахсларнинг у ёки бу нисига “мероснинг бир қисмини унга бер, бунга берма”, дея олмайди. Аммо бундай танлов мерос талашганларда низоларни ўзаро келишиб, судсиз ҳам ҳал қилиш имконияти ҳамиша мавжуд бўлади. Афсуски, буни мерос талашганлар ҳамма вақт ҳам англаб етавермайди.

Тарафлар ўзаро келиша олмасалар суд низоларни қандай ҳал қилади?



Низолашувчилар ўзаро келиша олмасалар манфаатдор шахснинг аризасига асосан суд низони қонунда белгиланган катъий қоидаларга таяниб ҳал қилади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда меросга оид низолар асосан фуқароларимизнинг амалдаги қонун талабларини билмасликлари туфайли келиб чиқаётган бўлса, айрим ҳолларда амалдаги қонунларимизнинг такомиллашмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда, бу ўз навбатида фуқароларимизнинг фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширилишига тўсиқ бўлмоқда. Айниқса, бу мерос мулкни қабул қилиш ёки уни қабул қилишдан воз кечишга оид нормалар такомиллаштиришга муҳтож.

1997 йил 1 мартдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мерос мулкни қабул қилиш ёки уни қабул қилишдан воз кечишга оид нормалар номукамалми? Нега?



Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Меросни эгаллаш” номли 69-бобининг “меросдан воз кечиш ҳуқуқи” деб номланган 1147-моддаси биринчи қисмига тегишли ўзгартиш киритилди. Ўзгартиш киритилгунга қадар меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли бўлган, киритилган ўзгартишга кўра муддатдан воз кечилди, шундан сўнг меросхўр исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли бўлди. Натижада меросхўрнинг меросни қабул қилмаслиги оқибатида вафот этган марҳумнинг кредиторлари манфаатига путур етишига йўл очилди. Энди меросни қабул қилгандан сўнг марҳумнинг кредиторига бу мулкнинг бир қис-

мини беришига тўғри келишини билган меросхўр уни қабул қилмасликка ҳақли бўлди, уни бу мулкни қабул қилишига ундовчи бирон-бир восита, усул қолмади. Ҳатто 2010 йилга қадар амалда бўлган тартибга кўра меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ё уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган ҳолларда меросдан воз кечиш ҳуқуқини белгиланган муддат ўтмасиданоқ йўқотган. Бу тартибдан ҳам воз кечилди. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-255-сонли қонуни билан бу модданинг 1-қисмига “Меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли”, деган мазмунда ўзгартиш киритилди ва амалдаги модданинг “Меросхўр меросдан воз кечиш учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам, меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ йўқотади”, деган мазмундаги 1147-модданинг 5-қисми ҳам чиқариб ташланди.

Бу қандай салбий оқибатларга олиб келганлигини ушбу суд амалиёти орқали тушунтирамиз



Даъвогар Н. жавобгар Р.га нисбатан уни меросхўр деб топиш ва ундирувни мерос мулкига қаратиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариш талаби билан фуқаролик ишлари бўйича судга 2022 йил февралда мурожаат қилган (тарафлар номлари ва бошқа рақамлар ўзгартирилди).

Даъвогар Н. судда даъво талабларини қувватлаб, 10.10.2012 йилда нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан Тошкент шаҳар “Сайқал” кўчаси 100-хонадонни И.дан 20 000 АҚШ доллариға келишиб, 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни сотувчига нақд бериб, қолган 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни 31.12.2012 йилгача бериш шарти билан тилхат асосида сотиб олганлиги, нақд шаклида берган 10 000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларга И.нинг ўғли, яъни унинг ишончли вакили Р. номига 10.10.2012 йилда Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 4-мавзе, 1 уй, 1-хонадонни сотиб олишганлигини, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 10.10.2016 йилдаги қарори билан 10.10.2012

йилдаги олди-сотди шартномаси бекор қилинганлиги, суднинг 10.10.2019 йилдаги қарори билан И.дан унинг фойдасига таъмир ишлари харажатлари учун 130 млн. сўм ундирилганлиги, қарздор И. 2019 йилда вафот этганлиги, унинг меросхўри жавобгар Р. қасддан меросни расмийлаштирмасдан келаётганлиги боис жавобгар Р. ни қарздор И.нинг вафотидан сўнг унинг биринчи навбатдаги меросхўри деб топиб, ундирилиши лозим бўлган 130 млн. сўм пуллар ундирувини мерос мулки бўлган Тошкент шаҳар “Сайқал” кўчаси 100-хонадонга қаратишни сўраган ва суд томонидан хонадонни таъмирлаш учун қилинган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги даъво талаблари қаноатлантирилган ва жавобгар И. дан даъвогар Н.нинг фойдасига 130 млн. сўм миқдорида хонадонни таъмирлаш учун қилган харажатлари ундириб берилган. Ҳал қилув қарори апелляция ва кассация тартибда кўриб чиқилиб ўз кучига қолдирилган.

Суд ҳужжати билан ундирилган 130 млн. сўм қарздор томонидан тўлиқ қопланмаганлиги, жавобгар меросни қабул қилмай юрганлиги ва ҳуқуқий ворис бўлсада, марҳуманинг қарзини тўлиқ тўлашдан бош тортиб келганлиги сабабли даъвогар Н. даъво ариза билан судга такрор мурожаат қилиб Р.ни меросхўр деб топиш ва ундирувни мерос мулкига қаратиш тўғрисида қарор чиқариб беришни сўраган.

Меросхўрга мерос қолдирувчининг мажбуриятларидан келиб чиқадиган ўз талабларини қўйишга ҳақли эканликларидан келиб чиқиб суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирган.

Судда аниқланишича, Тошкент шаҳар “Сайқал” кўчаси 100-хонадон марҳум номига давлат рўйхатидан ўтган. У 2019 йилда вафот этган ва унинг даъвогар олдидаги мажбуриятлари марҳумнинг ўғли Р. га ўтган, қонун бўйича биринчи навбатдаги бошқа меросхўрлар бўлмаган.



Суд Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуннинг 52-моддасида ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қарздор жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулкдаги улуши бўлган ягона уйга (квартирага), агар қарздор ва (ёки) унинг оила аъзолари унда доимий равишда яшаётган бўлса қаратилмаслиги тўғрисидаги қоидага амал қилиб, меросхўрга бошқа бир турар жой мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги, у мазкур хонадонда доимий рўйхатда туриши ва истиқомат қилишини, низоли бўл-

ган Тошкент шаҳар “Сайқал” кўчаси 100-хонадонда эса ҳеч ким яшамаслигини ва ушбу мулк унинг ягона уйи (квартираси) ҳисобланмаслигини инобатга олиб, даъвогарнинг ундирувни кўчмас мулкка қаратиш ҳақидаги даъво талабини асосли деб топган.

Ушбу ҳал қилув қарорига нисбатан жавобгар Р. томонидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари қаноатлантирилмаган.

Ижро қилишнинг имконияти йўқлиги олдиндан маълум бўлган суд қарори

Масаланинг қизиқ жойи шундаки, жавобгар Р. кассация шикоятида у мерос мулкини қабул қилмаганлигини, онасининг мулки унга фактик ва юридик жиҳатдан ўтмаганлигини, мерос қабул қилингунга қадар онасининг мажбуриятлари бўйича жавоб беришга мажбур эмаслигини, меросни қабул қилиш учун ҳам, ундан воз кечиш учун ҳам муддат белгиланмаганлиги боис даъвога эътироз билдирган. Аммо шундай бўлсада суд ундирувни мерос мулкига қаратган.

Гап шундаки, Р. ворислигини тан олиб турибди, фақат у меросни қабул қилишни хоҳламапти, холос. Чунки, меросни қабул қилиш-қилмаслик амалдаги қонун бўйича меросхўрнинг ихтиёрида. Агар у меросни қабул қилса, қарзни тўлашга тўғри келишини билади, айнан шу учун ҳам у меросни қабул қилмапти. Буни суд ҳам билади, ҳатто мерос мулкига ундирув қаратилган қарорни ижро қилишнинг имконияти мавжуд эмаслигини ҳам билган, аммо даъвони қаноатлантирган.

Қизиқ Р.ни қарздор, деб ҳисоблаш учун у ундирув қаратилаётган мол-мулкни эгаси бўлиши керак эмасми? Фикримизча, аввало суд қарори қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлиши керак. Бизнинг мисолимизда қарор асослантирилган ва адолатли,



лекин уни қонуний, деб бўлмайди. Чунки, қабул қилинмаган мерос мулкига ундирувни қаратиш қанчалик тўғри бўлиб ҳисобланади. Судни ҳам тушунса бўлади. У “ҳалол” тарафни ҳимоя қилмаётган қонуннинг “хато”сини тузатишга ҳаракат қилган кўринади. Ҳатто бугунга қадар ҳам меросхўр мерос мулкини қабул қилмаган бўлиши мумкин, керак бўлса қабул қилмайди ҳам, сабаби у бу билан қонунни бузаётгани йўқ, қонуннинг ўзи “бузуқ” соатга ўхшайди. Токи қонун мерос қабул қилишга ёки ундан воз кечишга муддат белгиланмас экан, марҳумнинг кредиторлари ва бошқа манфаатдор шахслар ўз ҳақларини меросхўрдан ололмай сарсон бўлиб юраверадилар.

Бу масалада хорижий тажриба қандай?

Дунё мамлакатлари қонунчилиги ё Германия, ё Франция модулларида бирига асосланади.

Германия (немис) қонунчилиги бўйича меросдан воз кечиш қонунда белгиланган муддатда амалга оширилиши керак. Агар бу муддатда меросдан воз кечилмаса, мерос ўз-ўзидан меросхўр томонидан қабул қилинган ҳисобланади. Немис қонунчилиги бўйича меросхўрга ворислик ҳуқуқи вужудга келганлигини ёки васиятнома мавжудлиги тўғрисида у билган ва билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб ундан воз кечиш учун 6 ҳафта, агар шахс мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлса 6 ой муддат берилган (Германия Фуқаролик Уложенияси 1944 &). Германияда меросни қабул қилишдан воз кечиш судга мурожаат қилиш йўли билан ҳал этилади. Германия қонунчилиги бўйича белгиланган муддатда мерос ё қабул қилинади, ё уни қабул қилиш рад этилиши лозим.

Франция модули бўйича эса меросни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш мерос очилган вақтдан бошлаб 4 ой ичида расмийлаштирилиши керак. Белгиланган муддатда мерос қабул қилинмаса ва на ундан воз кечилмаса вафот этган шахснинг кредиторлари, бошқа меросхўрлар ва тегишли давлат органлари меросхўрдан унинг тегишли қарорга келишини суд орқали талаб қилишга ҳақли ҳисобланадилар. Нима учун айнан шундай тартиб ўрнатилган?, – деган савол туғилиши табиий.

Гап шундаки, вафот этган шахснинг кредиторлари ва бошқа меросхўрларнинг ҳуқуқлари поймол бўлишига йўл қўймасликдир. Меросхўр меросни қабул қилар экан вафот этган шахснинг кредиторлари талабларини қаноатлантириши ёки меросдан воз кечиш мол-мулкни “осилиб” туришига барҳам бериши лозим бўлади.



Фуқаролик кодексидан ўшанда муддатлар нега олиб ташланган?

Мазкур қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасида муҳокама қилинганда даврда мен депутат эдим. Муҳокамаси жараёнида бир гуруҳ депутатлар таклиф қилинаётган ўзгартиришлар қабул қилинса ворислик ҳуқуқи меъёрлари моҳияти ўзгариб кетиши ва бу ҳолат охир-оқибат бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига даҳл қилишини айтиб, лойиҳага қарши овоз беришга чақирдик. Афсуски, қонун кўпчилик овоз билан қабул қилинди. Муҳокама жараёнида ўша даврдаги Адлия вазирлиги мутахассислари томонидан тушуниб-тушунмай “нотариатлар

сейфлари мерос папкалари билан тўлиб кетганлиги, агар меросдан воз кечиш муддати олиб ташланса ҳеч ким ундан воз кечолмайди, мерос мулклари тезда ўз эгаларини топади”, деган жўн қарашлари билан депутатлар “ишонтириб” улгурган эдилар. Фикримизча, ўшандаёқ “чўмилтирилган чақалоқ тоғорадаги сув билан биргаликда улоқтириб бўлинган” эди.

Муддатни белгиланмаганлиги нимага олиб келади?

Меросни қабул қилиш ёхуд ундан воз кечиш муддатининг қонунчиликда белгиланмаганлиги фуқаролик-ҳуқуқий муносабати иштирокчилари ҳуқуқ ва манфаатлари ҳамда ворислик ҳуқуқи институтига жиддий путур етказди. Буни юқоридаги каби ўнлаб суд ва нотариат амалиёти мисоллаида яққол кўриш мумкин. Муддатларни олиб ташланганлиги қарздорга яхши, кредиторга ёмон.

Нима қилмоқ керак?

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 9-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини амалга ошириш бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари иштирокчиларининг ҳалол, оқилона ва адолат билан қонуний ҳаракат қилишлари назарда тутилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар ўз ваколатлари доирасида бу хатони тузатиш мақсадида тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб Қонунчилик палатасига зудлик билан киритишлари, бу орқали мерос мулкни қабул қилиш ёки ундан воз кечиш муддатларини қатъий белгилаш лозим бўлади, акс ҳолда ҳуқуқ ўзининг муносабатларни уйғунлаштиришдек муҳим функциясини бажара олмайди.

Чунки ўз нафси-балосию орзу-жаваси домига тушиб қолса, у бетак ўзини-ўзи чуқур қаврига ташлагани муқаррар.

Аз-Замахшарий





Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон
Республикасида
хизмат кўрсат-
ган маданият
ходими, филология
фанлари доктори.

СУДЬЯ МАЪНАВИЯТИ ВА БУРЧИ ҲАҚИДА ҚОМУСИЙ КИТОБ

Ҳар бир касб ташқи белгиларидан ташқари ўз моҳияти ва эзотерикига эга. Эзотерика – кўзга кўринмайдиган, ақлга бўйсунмайдиган махфий билимлар мажмуи бўлиб, бу билимларнинг соҳиб ва пировард манзили Яратганнинг ўзидир. Судья айти шундай эзотерик хислатли касб бўлиб унинг моҳияти алал оқибат илоҳиётга туташидир. 2017 йилда шоир ва судья Холмуҳаммад Ҳасан ижодига бағишланган “Ўз осмони бор йигит” номли китобда каминанинг “Боқий ҳукм ёҳуд қозилар зикрида турфа хангома”, деган мақолам шундай бошланган эди:

“Дунёда шундай ҳам касб ҳам амал борки уни қози дейдилар. Сўзнинг луғавий маъноси ижрочи, амалга оширувчи, ҳукм қилувчи бўлиб, бу мансаб эгалари зиммасига ғоят оғир юк – адолатни ўрнига қўйиш, оқни оққа қорани қорага ажратиш юкланган. Ваҳоланки, мутлоқ адолат фақат ўзининг борлигидир, зеро Яратганнинг гўзал исмларидан (Асмои Ҳусно) бири ақлдир. Яратган изми ва ихтиёрида бўлган ақл ўзи яратилган бўлган бир бандага юклатилган экан. Бу юкнинг нечоғлик зил-залворли эканлиги кундай равшандир”. (129 бет)

Агар шундай глобал нуқтаи назардан масалага ёндашсак “Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобининг аҳамияти ва миқёси онг қадар ошади. Китобдаги “Адолат, ҳақиқат ва поклик истаги” номли сўз бошида таниқли адиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Хуршид Дўстмуҳаммад шундай ёзади..

“Китобни ташкил этган барча фасллардан ўрин олган мақолаларда бошланишдан охирига қадар судьялик касбининг тарихий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, эътиқодий, ахлоқий ва ҳ.к қирралари хусусида сўз юритилар экан эзгу мақсад-муддао ҳам, истагимиз ҳам битта – у ҳам

бўлса судьяларимизнинг ҳозирги ўзгараётган, янгиланаётган миллий тикланишдан, миллий юксалиш сари дадил одимлаётган жамиятимизга муносиб бўлишларига эришмоқлик!”.

Бу мазкур китоб моҳияти ҳақидаги аниқ-тиниқ фикрдир.

Китоб ҳақли равишда “Судьялар адолатининг мустаҳкам устунлари бўлиши лозим” сарлавҳаси остида Президентимиз Ш.Мирзиёев маърузасидан олинган иқтибосдан бошланади. Зеро, ушбу китобнинг айнан шундай тарзда пайдо бўлиши давлат бошлиғи олиб бораётган халқчил ва адолатли сиёсатга бевосита боғлиқ. “Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак”. Давлат бошлиғининг ушбу сўзи изчил амалга ошаётгани, одамлар қалбида кўрқув уйғотадиган “Жаслык” каби қамқоналар тугатилиши, турли сабабларга кўра оловли минтақаларга бориб қолган ватандошларимиз, аёллар ва болаларни қутқариш, юртимизга қайтариш бўйича “Меҳр - 1”, “Меҳр - 2”, “Меҳр - 3” каби амалиётларнинг бажарилиши каби кўплаб меҳр-муҳаббат тadbирлари мисолида ўз исботига эга бўлиб турибди. Бунга барчамиз гувоҳимиз.

Китоб чиндан ҳам қомусий характер, кўламга эга. Ундан судьялик институти борасидаги давлат сиёсатидан бошлаб маънавият, адолат борасидаги азалий қарашлар, қозилик мақоми ва масъулияти ҳамда ўтмишда ўтган кўплаб қозиларнинг донишмандона ҳукмлари ҳақида талай ибратли ва қизиқарли воқеалар ўрин олган. Китобдаги айрим фасллар номларини санашнинг ўзиёқ у ҳақида муайян маълумот беради.

“Маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмайди”

“Одил судлов маънавияти ва одоби”

“Нафс, жисм, руҳ”



“Навоий наздида қози.. бу қандай бўлиши керак?”

“Исломда қозилик”

“Аждодлар мероси, масал, нақл ва ривоятлар”

“Биз билган ва билмаган қозилар”

“Бадиий адабиётда адолат талқини” ва ҳоказо.

Шулардан “Исломда қозилик” фасли махсус илмий рисола салмоғига эга дейиш мумкин. Ушбу фаслда қозилик мансабини рад этган Имом Аъзам деб шарафланган Абу Ҳанифа ҳақида ривоят эмас манбаларда ёзиб қолдирилган аниқ далилий ҳужжат бор. Уни юз дарра калтаклашганда ҳам бу мансабни қабул қилмайди. “Бу ҳоким одамларнинг бошини олишга фармон ёздириб, бу фармонни мен муҳрлаб, тасдиқлаб беришимни истайдими? Оллоҳга қасам мен бу ишни асло қилмайман” дейди у қатъий. Бу ҳодиса ҳақида китобга сўнгсўз битган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Холмўмин Ёдгоров шундай ёзади...

“Ушбу мисол замирида катта ибрат ётибди. Ибратки, бу ҳам қозилик масъулияти билан боғлиқ. Чунки, дунёнинг ижтимоий қонунларидан ташқари илоҳий қонуниятлари ҳам бор. Ким нима қилмасин, у судьями, ёки бошқа касб эгасими номаъқул иш, амал учун охирида жавоб бериши бор”.

Қози, яъни золим қозининг охиратдаги жавоби оғир бўлиши бу китобга кирмаган XVI асрда яшаб ўтган мумтоз адибимиз Пошшахўжанинг “Мифтоҳул-адил” (Адолат калити) асарида келтирилган воқеада кучли тарзда акс этган. Унда ёзилишича Амирул Мўъминин Али ҳузурига бир киши келиб, “Уч йил бўлди экин экарман. Ул ер ҳеч ҳосил бермас деди. Ҳазрат Али айтдилар, бир хат ёзиб бераман ернинг ўртасига кўмгил. Шундай қилган эди ер шундай ҳосил бердики. Ҳеч қаерга сифмас. У киши бу қандай хат экан деб ерни очиб, хатни ўқиди. Унда ёзилмишким.. “эй ер, бу йил ҳам ҳосил бермасанг, бир золим қози ўлган бўлса, ўликни келтириб сенинг ўртанга кўмарман”, деган хат экан. Энди бундан маълум бўлдики ер ҳам (золим қозиларни ер ҳам қабул қилмас экан) анинг азобидан кўрқади” (Ўзбек адабиёти, тўрт томлик, учинчи том. 1959, 246-бет).

Китобда худди шу мавзуга боғлиқ “Тарсаки” номли теран бир ҳикоя бор. Бир олим шогирдига ўн йил таълим бериб, тарбия қилади. Ўқиш муддати тугагач, эртага ҳузуримга кел, сенга ҳадям бор дейди. Шогирд айтилган вақтда келса, устоз унга “Олимлик муборак бўлсин!” дея тўн кийдириб фатво беради. Яна қўлига китоб ва бироз пул ҳам тутқазади, сўнг шогирди юзига тарсаки туширади.



Орадан йигирма йил ўтиб, шогирд шаҳарнинг бош қозиси бўлди. Кунлардан бир куни устоз ҳол-аҳвол сўраб шогирди олдига келди. Шогирд яхши кутиб олсада, унда бир тараддуд борлигини устоз сездди. Шогирд охири дилидагини тилга чиқарди. “Устоз ўшанда сиз билан хайрлашаётганимда нега урдингиз? Мен нима айб қилган эдим?

- Тўн кийгизганим эсингдан чиқдими? Китоб, пул берганим-чи? Битта шапалокни йигирма йилдан буён унутмабсанда?! Мана, қози бўлдинг, сен ҳам ҳукм чиқаришда зулм қилма. Сен менинг оддий шапалогимни йигирма йил дилингда сақлабсан, сенинг зулм қилиб чиқарган ҳукмингни ўлгунича дилида сақлаб, қарғаб ўтади” (57 бет).

Зеро, ноҳақ ҳукм зулмдир. Зулмнинг эса муҳаққақ жазоси бордир.

Маълумки, судлов жараёнида тарафлар мавжуд бўлади – даъвогар, жавобгар, прокурор, судья ва адвокат. Асосий масъулият барибир судья зиммасига тушади. Унинг яратган ва жамият олдигаги масъулияти шудир. Уни илоҳий масъулият дейиш мумкин. Ким буни қандай тушунади, энди бу бошқа масала.

Китоб беағидаги асосий рамзлардан бири балки иккинчиси, уч паллали тарози. У муқованинг ич ва ён варағида, жами тўрт маротаба чиройли нақш орасида тасвирга туширилган. Маълумки кундалик турмушда уч паллали тарози бўлиши мумкин эмас. Учунчи палла ортиқча. Ўлчашга ҳалал бериши тайин. Лекин ҳуқуқда... мумкин экан.

Мазкур воқеа китобдаги “Адолат тарозисининг уч палласи” рукнида баён этилган. Соҳибқирон Амир Темур халқпарвар вазири Носируддин Маҳмуд Аромийдан сўради..

- Адолатли жазо бериш учун нима қилмоқ керак?

- Сенинг ҳакамларинг тарозиси икки паллаликдир. Адолат тарозисининг эса уч палласи бор. Ҳакамларинг жиноят ва жазони ўлчаيدилар, сен учинчи паллани қўшиб аввало жиноятчини, кейин жиноятни ва ниҳоят жазони чамалаб ўлчашни буюр. Шундагина ҳукм адолатли бўлади.

Донишманднинг жавобидан қаноат ҳосил қилган Темур уни назоратчи деб эълон қилди. (116-117 бетлар)

Лекин бу айтишга ва тафаккур қилишга осон, амалда, суд жараёнида қўллаш ниҳоятда қийин ишдир. Жиноятчи, яъни айбланувчига бутун эътиборни қаратиш, ва бир пайтнинг ўзида жиноят ва жазони амаллаб кўриш учун судья қанчалик улуғ салоҳият эгаси, буюк психолог бўлиши лозим. Унинг устига бу бир эмас, бир неча суд жараёнлари учун масъул бўлса, лекин нима бўлганда ҳам бу самарали, инсонпарвар гоё ҳамда одил судлов интилиши керак бўлган ҳуқуқий идеалдир.

Мазкур китобда эса шундай, яъни ҳукмда жиноят ва жазодан кўра жиноятчига эътибор кўпроқ қаратилган. Яъни, учинчи паллага риоя қилинган воқеа баёни бор. Бу “Одил судья” (61-62 бетлар) ҳақидаги лавҳадир. Воқеа ўтган асрнинг 80 йилларида содир бўлган. Эри урушдан қайтмаган кекса аёл комбинатдан нон ўғирлагани учун суд қилинмоқда. У айбини тан олиб, нафақасиз яшаётганини, бу ишни оч қолганидан содир этганини айтди. Судья тажрибали инсон сифатида жиноят содир этган аёлни оқламади, жарима солди, лекин бу маблағни аёл тўлай олмаслигини билгани боис. Жаримани ўз ёнидан тўлади.

Суд залида сукунат ҳукмрон. Бироздан кейин судья суд иштирокчиларига қарата шундай деди...

- Ҳаммангизга ўн беш сўмдан. Учас-ка ва маҳалла нозирига йигирма сўмдан жарима соламан. Чунки, сиз яшаётган шаҳарда нон ўғирлашга мажбур бўлган фуқаро яшайпти ва бунга қисман бўлса-да сизлар ҳам жавобгарсизлар! Шу тариқа бир юз саксон беш сўм пул йиғилди ва судья уни кекса аёлга берди.

Бу нисбатан оддий ҳолат эди. Агар буни катта жиноий процессга қўллайдиган бўлсак, масала шу қадар чигаллашадики, ҳар қандай тажрибали судья ҳам ҳукм чиқаришда каловланиб қолади.

Учинчи палла яъни жиноятчи руҳига кириш, унда оқ ва қорани бирма-бир синчиклаб текшириш. Ўрганиш ва уни ҳукмда акс эттириш ниҳоятда қийин эканлигини ҳар бир судья англаса керак (Жиноят ва жазо).

Лекин, масаланинг қийинлиги шунда-ки, уни амалда мутлақо қўллаб бўлмайди дегани эмас. Судьяларимиз шунга интилишлари керак. Шундагина китобдан ўрин олинган “Ўзбекистон Республикаси судьяларининг халққа мурожаати”даги “ҳар бир инсоннинг тақдирини ҳал этишда онгимда - адолат, тилимизда - ҳақиқат. Дилимизда эса поклик устувор бўлади” деган олийжаноб гоёлар амалий аҳамият касб этади.

Мазкур китобнинг маъно-мазмунини ушбу безаклар билан мукамал дизайн яъни материалларини бадиий жиҳатдан лойиҳалаш, жойлаштириш жиҳатдан ҳам алоҳида диққатга сазовор. Ҳар бир саҳифанинг ўнг ва чап хошиясида судьялар символикасида ўрин олган устун минора ёнма-ён бўш саҳифани гўё кузатиб турибди. Деярли барча саҳифаларининг ост қисмида алоҳида ўзига хос безакли шакл ичидаги ҳикматли сўзлар, адолат, ҳақиқат ва эзгулик ҳақида сўзлайди, китобхонни чуқур ҳаёлларга етаклайди. Шулардан бирини келтирамиз “Олам адолат билан пойдор, зулм билан эса хор-у зор!(?)”. Саҳифаларда асосан оч яшил ва кўк ранг етакчилик қилади. Жигарранг, четлари букланиб, бужмайган қадимий қоғозларда, уларда битилган ҳикматлар эса кўҳна, лекин ҳамиша барҳаёт бўлган ҳақиқатлардан сўйлайди. Хуллас ҳар бирида саҳифада ёзилган сўзлар маъносига ҳамоҳанг. Бу ер чуқурлашишнинг ўрни эмас, лекин эзотерик илмлардан маълумки, ҳар бири ўз ифори ва маъносига эга. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур китоб Ўзбекистон шароитида фаолият олиб бораётган судьяларимиз учун ажойиб маънавий-маърифий қўлланма, иш столидан муҳим ўрин оладиган бир китоб бўлгани шубҳасиздир.



ҲИКМАТЛИ ЖАВОБ

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳнинг ҳузурига бир йигит кириб келади. У аҳли илмлар ила тортишишни касб қилиб олган бир муллавакча, сўзамол фитначи эди. Тортишиш ниятида эканлигини ва Имом Аҳмаддан бошқа ҳаммани доғда қолдирганини айтади. Имом унинг даъвосини эшитгач, дарҳол сўрайдилар:

- Қанча ҳадис биласан?

- 500 га яқин...

Бу жавобни эшитгач, «Мен сенга мотман!» дейдилар.

Йигит чиқиб кетгач, шогирдлар бу жавобнинг ҳикматини сўрайдилар ва Аҳмад ибн Ҳанбалдан шундай жавоб эшитадилар:

«ИЛМСИЗ ОДАМНИ МОТ ҚИЛИБ БЎЛ-МАЙДИ!!!»

УСТОЗЛАРНИ ЭСЛАБ...

Ҳар бир инсоннинг ҳаёт уммонида ўз ўрнини топишида кимлардир сабабчи бўлади. Бу барчамизнинг ҳаётимизда рўй беради. Аввал устозларимиздан ўрганган, йўл-йўриқ олган бўлсак, сўнг шогирдларимизга ўргатамиз, тўғри йўлни топиб олишида қўлидан тутамиз. Мен ҳам оёққа туришимда, ўз касбимда ҳақ йўлидан оғишмай, йўлимни топишимда катта ёрдам берган устозларимдан бутун умр миннатдорман. Ҳозир ўсиб келаётган ёш мутахассисларга ўрнак бўлиши учун устозларим Обиджон Турғунбоев, Рустам Акбаров ҳамда Гамлет Дадамьянцнинг ҳаёт йўллари мисолида баъзи воқеаларни эслаб ўтмоқчиман.

Авалло бир неча йиллар давомида шаҳар ва вилоят судларининг раиси, Олий суд судьяси лавозимларида меҳнат қилган устозим Обиджон Турғунбоев ҳақида гапирадиган бўлсам, Обиджон ака билан дастлаб 1994-1995 йилларда Тошкент шаҳар судида бирга ишлаш менга ҳам насиб этди. Босқинчилик аломатлари билан судга берилган беш нафар шахснинг жиноят ишини ҳал қилишда бирмунча қийинчиликларга дуч келгандим, бир сафар гувоҳларни судга келтиришда муаммолар келиб чиққан бўлса, навбатдагисида ишдаги жабрланувчиларни топишнинг иложи бўлмади. Ишда қатнашаётган адвокатлардан бири касалхонага тушган бўлса, яна бирининг хизмат сафарига жўнаб кетишига тўғри келди.

Билишимча, мазкур жиноят иши муқаддам икки маротаба қайта тергов қилиш учун тегишли прокуратура органларига қайтарилган экан. Хуллас, ишни кўриш муддатлари бузилган бўлса-да, иш ҳолатларидан келиб чиқиб, судда тўпланган далиллар асосида судланувчиларнинг эълон қилинган босқинчилик аломатлари юзасидан хатти-ҳаракатлари талончиликка қайта малакаланиб ҳукм эълон қилинди...

Жиноят иши кассация тартибида Тошкент шаҳар судида кўрилиб, судланувчиларнинг хатти-ҳаракатларини қайта малакаланганлиги асосли деб топилгач, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан Обиджон ака хизмат хоналарига чақирдилар. Суд раисидан ишни кўриш муддати бузилганлиги сабабли дакки эшитаманми деган ҳаёл билан уларнинг олдиларига бордим. Хона озода, кенг ва ёруғ бўлиб, биронта ошиқча нарсанинг ўзи йўқ эди. Салом аликдан сўнг саломатлигим, оила аъзоларим ва ишларим ҳақида қизиқдилар, бир соатга яқин давом этган суҳбатдан сўнг, Тошкент шаҳар судига ўтиш таклифини бердилар...

Ходим қанчалик билим ва иқтидорга эга бўлмасин, агар уни бу фазилатини тажрибадан ташқари катта қалб эгаси бўлган бирор бир устоз англамаса, ходим қуруқ иқтидори билан бутун умр бир жойда қолиб кетиши мумкинлигини тажрибада кўп кўрганмиз.

Обиджон Турғунбоев катта қалб эгаси, ниҳоятда маданиятли, оғир, вазмин, самимий ва адолатпарвар инсон эдилар...

Улар бирон бир қарор қабул қилишда шошма-шошарликни ёқтирмасдилар ва доим ҳар бир ишни, хоҳ у маъмурий ёки жиноят иши, хоҳ фуқаролик иши бўлсин, орқасида инсон тақдири ётишини барчага ўқтирарди-

лар. Тошкент шаҳар судида ҳал қилинган айрим ишлар қаттиқ танқид остига олинган пайтларда ҳам Обиджон Турғунбоев ўзларига хос бўлган самимий оҳангда у ёки бу иш нима учун айнан шундай ҳал қилинганлигини, бошқача ҳал этиш мумкин эмаслигини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ далиллар асосида шарҳлаб берганларига бир неча марта гувоҳ бўлганман.

Устозимнинг меҳнат фаолиятини кўриб “яхшидан от, ёмондан дод қолади” деган нақлни халқимиз бекорга айтмаганига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Обиджон ака 2005 йилда вафот этган бўлсаларда, суд-ҳуқуқ соҳасида ўзига хос обрў-эътибор ва чуқур ҳурматга сазовор бўлиб устоз мақомига эга бўлган, кўплаб ижобий фазилатларни ўзларида мужассамлаштирган, маънавиятли ва гўзал табиатли инсон сифатида доимо хотирамизда қолади.

Ўзларининг ибратли ҳаёт йўллари билан кўпчиликка намуна бўладиган яна бир устозимиз Рустам Акбаров нафақат тажрибали ва юқори малакали ҳуқуқшунос, балки юксак маданиятли, ниҳоятда хушмуомала ва ҳаётда қатъий фикрига эга ИНСОН ҳам эдилар.

Рустам Акбаров табиатан юмшоқ кўринсада, ноҳақликка чидолмайдиган, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳар қандай шароитда ҳимоя қила оладиган инсон эдилар. У киши суд ҳукми ёки қарори бўладими албатта қонуний бўлиши билан бирга адолатли ҳам бўлиши шартлигини жуда кўп таъкидларди.

Тўғрилик, озодалик ва покликни ёқтирадиган Рустам ака оилада қаттиққўл ота, шу билан бирга икки ўғил ва бир қизнинг меҳрибон ва кўнгилчан суюкли падарибузруквори эдилар. Бу оила маҳаллада ҳам намунали оилалардан бири сифатида эътироф этилган.

Юрт тинчлиги ва

халқимизнинг фаровонлиги йўлида қилган самарали меҳнатлари учун Рустам ака Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилдаги фармонида асосан «Шухрат» медали билан тақдирланган.


Кўп йиллар мобайнида Олий суд раиси бўлиб ишлаган Убайдулла Мингбоев устозимиз у киши ҳақида



куйидаги фикрни билдирган эди: "Рустамжон Акбаров жуда катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, тажрибали, иймон-этиқодли, қатъиятли, суд-ҳуқуқ соҳасининг билимдонларидан бири бўлганлиги, ўта маданиятли, мулоҳазали, истиҳолали инсон сифатида ўзига хос ҳурмат ва эътиборга сазоворлиги сабабли ҳам унинг номзодини Олий суд судьялигига кўрсатишда ҳечам иккиланмаганман ва бу ишончимни у тўлиқ оқлади, - деб ҳисоблайман".

Юриспруденция ва суд-ҳуқуқ соҳасида самарали меҳнат қилиб ҳалол, пок ҳамда ҳақиқий инсон сифатида ўчмас из қолдирган яна бир устозимиз Гамлет Дадамьянцдир.

Гамлет Дадамьянц мамлакатимиз суди тарихида салмоқли ўрни бўлган, ҳар томонлама етук ҳуқуқшунослардан бири сифатида тан олинади. У киши узлуксиз



йигирма тўрт йил судья ва суд раиси бўлиб ишлаш билан бир вақтда, кўплаб истеъдодли шогирдларни тарбиялаб, уларнинг етук судья бўлиб етишишларига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Гамлет Дадамьянц 1932 йил 3 сентябрда Туркманистон Республикасининг Чоржўй

шаҳрида туғилган. 1963 йилга қадар Туркманистоннинг қатор туманлари прокуратура органларида терговчи бўлиб ишлаганидан сўнг Тошкентга кўчиб келади ва шу ерда иш фаолиятини давом эттиради.

Гамлет Дадамьянц қаерда ишламасин ҳар бир ишга катта масъулият билан ёндашиб, қонуний ва адолатли қарорлар чиқарар, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам ниҳоятда талабчан, айни вақтда дунёқараши кенг, билими чуқур судья сифатида нафақат ҳамкасбларининг, балки кўп сонли шогирдларининг ҳам ҳурматини қозонган эди.

Устозим нафақат қўл остидаги ходимлар, балки судга келган фуқаролар билан оҳиста оҳангда муомала қилар, у ёки бу масалани ҳал этишда албатта қонун талабларини шарҳлаб, ҳар бир сўзини ўйлаб гапиришни одат қилганди. Улар фаолияти давомида бирон маротаба кимнингдир шахсиятига тегмаган, у ёки бу айбини айтиб камситмаган, аксинча камчиликнинг бартараф этилишида тегишли йўл-йўриқ кўрсатиб, вазиятдан чиқишда ёрдамлашарди. Гамлет Дадамьянц ҳар бир ходимининг шахсий муаммолари, оилавий шароити, ўқиш ва ишлари ҳақида доимо хабардор бўлар, олий маълумотга эга ходимларни маъсулиятли вазифаларга ўтиб ишлашларига оталарча хайрихоҳлик қиларди.

Кўпгина шогирдлари қатори менинг ҳам суд соҳасига кириб келишимга айнан шу ИНСОН сабабчи бўлганди. Ўрта мактабни битиргандан сўнг ишга жойлашиш муаммо эди. Иш қидириб Ленин (ҳозирги Миробод) ту-

ман судига келганимда Гамлет Арсентьевич суд раиси сифатида жуда илиқ кутиб олди. Бироз суҳбатлашгач, мақсадимни тушунтирганимда, чап қўл бармоқларини бирма-бир қисиб, жиддий оҳангда судда барча судьялар ишлаётгани, прокурор ва ходимлар ҳам жойидалиги (илгари суд ва прокуратура ходимлари битта бинода фаолият кўрсатган) сабабли бўш ўрин йўқлигини айтиб менга жимгина қараб қолди. Шунда мен шошиб-пишиб мактабни энди битирганлигимни, олийгоҳга ўқишга кирмоқчилигимни, судда оддий котиб вазифасида ишлашга тайёрлигимни, ишни шу бугуноқ бошлашим мумкинлигини айтганимда, у киши кулиб юбордилар ва мени бир ойлик синов муддати билан фуқаролик ишлари бўйича бўлим котиби вазифасига ишга қабул қилдилар. Мен қаерда фаолият кўрсатишимдан қатъи назар устозим ҳуқуқшунос бўлиб етишишимда умрларининг охирига қадар қимматли маслаҳатларини бериб келдилар.

"Агар ўша пайтда ишга қабул қилишни рад қилганларида, мени ҳаётим ва тақдирим қандай бўларди?", - деган саволни ҳозирга қадар ўзимга ўзим кўп маротаба берганман...

Гамлет Дадамьянц 1992 йилда нафақага чиққан бўлсада, шогирдларига инсон тақдири билан ҳазиллашиб бўлмаслигини, жарроҳнинг хатоси инсонни жисмонан мажруҳ қилса, судьянинг хатоси уни маънан бир умрга мажруҳ қилиши мумкинлигини, суд қарори нафақат қонуний, балки адолатли бўлиши ҳам шартлигини ўқитишдан чарчамасди.

Ҳамкасблар билан бўладиган учрашувларда ҳам албатта устоз ҳақида фақат илиқ сўзларни эшитамиз. Хусусан, туман, Тошкент шаҳри ва вилояти судларида ҳамда Олий судда узоқ йиллар судья бўлиб ишлаган Абдусамат Пўлатов, Ҳаким Маликов, Ҳабибулло Джузбанов, Асрор Сағатов, Собир Қодиров, Анвар Мамедов, Татьяна Бокова сингари таниқли ҳуқуқшунослар ҳам: "Биз Гамлет Дадамьянцнинг шогирдларимиз", - деб фахр ва ифтихор билан уни эслашади. Гамлет Дадамьянц 2018 йил 86 ёшда вафот этган бўлса-да, у хотираларимизда абадий яшайди.

Барча шогирдлар номидан биз бугун хотирини ёд этган устозларимизнинг охиратлари обод бўлиб, жойларини Жаннатдан қилишни Яратгандан сўраб қоламиз.

Юқорида номлари тилга олинган устозларимизнинг ҳаёт йўлларини баён этиш орқали инсон бу дунёда эришган мол дунёси, ҳашамдор иморатлари билан узоқ йиллар ўтгач эсланмайди, балки, ҳаётлик вақтида амалга оширган эзгуликлари, заҳмат чекиб тайёрлаган шогирдлари эвазига ёдга олиншини таъкидлаб ўтдик. Шундай экан бугун эндигина иш бошлаётган ёш судьяларимизга тавсиям шуки, қалбингизни пок тутинг, адолат йўлидан адашманг, зеро адолат бу охиригача айбни, айбдорни топиш эмас, балки адолат сўнгига қадар маъсумни ва маъсумиятни ахтаришдир.

Файзулла АБДУАЗИМОВ,

Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раиси ўринбосари.



Ерполат ГАНИЕВ,
Қорақалпоқ дав-
лат университети
ўқитувчиси

ЭЛЕКТРОН ТЎЛОВ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

электрон тўлов воситалари орқали ҳисоб-китоб ишлари интернетнинг ривожланиши ҳамда ақлли технологияларнинг банк тизимига фаол жорий этилиши натижасида кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида ҳисоб-китоблар мазкур турининг ҳуқуқий табиатини аниқлаш, уларнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш заруратини кўрсатади. Шунингдек, электрон тўлов воситаси бўлган банк карталарини очиш, улар бўйича хизмат кўрсатиш шартномаларининг мазмунини белгилловчи қонунчилик нормаларини яратиш ҳамда уларнинг тартибга солиш предмети ва юқини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада электрон тўлов воситалари орқали ҳисоб-китоб қилишнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: электрон пуллар, банк карталари, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, тўлов, кредитор, қарздор, интернет, шартнома, ҳуқуқий асос, ҳуқуқий тартибга солиш.

Ҳисоб-китобларга оид муносабатларнинг ҳуқуқий асослари Фуқаролик кодекси (790-816-моддалар), Солиқ кодекси, “Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги, “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳисоб-китобларнинг нақд ёки нақд пулсиз шакллари билан фойдаланиш масаласини таҳлил қилган иқтисодчи олим Р.Э.Товмасянга кўра жисмоний шахслар учун кредит ташкилотларида пул маблағларини олувчининг банкдаги ҳисобрақамига ўтказиш учун банк ҳисобварағи очмасдан нақд пулларни киритиш имконияти мавжуд. Бундай усулда ҳисоб-китобларни амалга ошириш жисмоний шахслар иштирокидаги ҳисоб-китобларнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади ва махсус банк операцияси сифатида эътироф этилади ҳамда уларга нисбатан тўлов топшириқномалари билан ҳисоб-китоб қилишга оид қоидалар қўлланилади. Нақд пулли ҳисоб-китоблар тўғрисидаги қоидалар тўлов воситаси сифатида пул банкнотлари ёки тангалардан фойдаланилганда, нақд пулсиз ҳисоб-китоб қоидалари эса тўлов воситаси сифатида банк ҳисобрақамларидаги маблағлардан фойдаланилганда қўлланилади.

Дарҳақиқат, нақд пуллар билан ҳисоб-китоблар қилиш пул муомаласининг ўзига хос кўриниши бўлиб, бунда давлат томонидан чиқарилган пул банкнотлари бир субъектдан иккинчи субъектнинг тасарруфига ўтади. Шу сабабли нақд пулли ҳисоб-китоблар ҳақида фикр юритишдан олдин пулнинг юридик табиатига тўхталиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, пул ҳам фуқаролик ҳуқуқининг объектидир. У мамлакатнинг ҳўжалик ҳаётида, хусусан, савдода катта аҳамиятга эга. Пул ўзининг узоқ давом этган тадрижий ривожланишида, мол-ҳол, зайтун ёғи, олтин ва кумуш ёмбиси кўринишидаги айирбошлаш воситаларидан ҳозирги электрон пулларга, кредит карточкаларига қадар бўлган йўлни босиб ўтди. Шу боис бозор иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим қуролларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи нуқтаи назаридан пулнинг хусусиятлари ва вазифалари қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- пул кўпчилик фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда (масалан, қарз, кредит, ҳадя ва бошқа шартномалар бўйича) мустақил объект сифатида иштирок этади;
- ундан умумий эквивалент, яъни тенг қийматга эга бўлган объект сифатида ҳар қандай ашё билан алмаштириш, етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш учун ҳам қўлланилади;

- пул ҳар қандай қонуний қарзни, унинг ҳар қандай ҳолатлар асосларида (масалан, муайян мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги туфайли) вужудга келишидан қатъий назар, уни тузиш, тўлаш, қоплаш воситаси сифатида муҳим роль ўйнайди.

Нақд пул билан бирга электрон пуллар тушунчасини ҳам кейинги пайтларда ҳисоб-китоб муносабатларида кенг қўлланилмоқда. “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонунга кўра, электрон пуллар эмитентининг электрон шаклда сақланадиган ҳамда электрон пуллар тизимида тўлов воситаси сифатида қабул қилинадиган шартсиз ва чақириб олинмайдиган пул мажбуриятларидир. Бошқача айтганда, электрон пуллар нақд пуллардан фарқли равишда ашёвий-ҳуқуқий муносабатнинг, мулк ҳуқуқининг эмас, балки мажбурият ҳуқуқининг объектидир. Яъни, электрон тўлов воситалари орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ўзининг моҳиятига кўра банк карталари орқали амалга оширилиши, банк мижознинг фармойишини бажариши йўли билан тўловларни амалга оширилиши нуқтаи назаридан ўхшашдир.

Таъкидлаш лозимки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ҳуқуқий табиатини тадқиқ қилар экан В.А.Белов қуйидагиларни ёзади: “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар” атамаси одатда икки хил маънода қўлланилади. Кенг маънода нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пул мажбуриятларини нақд пулларни қўлламаган ҳолда, маблағларни ўтказиш (кўчириш) йўли билан қоплаш (туғатиш)ни ифодалайди. “Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар” атамасининг иккинчи маъноси – тор ҳуқуқий маъно касб этади ва мазмуни ҳисобрақам эгасининг хизмат кўри-

сатувчи банкига муайян суммадаги пулни кўрсатилган ре-
визитларга белгиланган муддатга ва ҳақ эвазига ўтказишни
талаб қилиш ҳуқуқини, шунингдек банкнинг мазкур ҳуқуққа
монанд мажбуриятини бажариши сифатида талқин этилиши
мумкин”.

Ҳисоб-китоб ҳуқуқий муносабатларининг ҳисоб-ки-
тобларнинг вужудга келишига сабаб бўлган асосий
мажбуриятга нисбатан мустақил туси мазкур муноса-
батларнинг субъектив таркиби номувофиқлигини таъ-
минлайдиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларда намоён
бўлади, бинобарин бундай жараёнлар асосий мажбу-
риятдаги ҳар бир контрагент ва унга хизмат кўрсатувчи
банкда улар ўртасида тузилган банк ҳисобварағи шарт-
номаси ва уларнинг ҳар бири томонидан ҳисобрақам
очирилиши асосида вужудга келадиган мажбуриятларни
назарда тутди.

Шу билан бирга, ҳисоб-китоб ҳуқуқий муносабатла-
рининг ўзига хос ва мустақил тусини белгилашда мазкур
муносабатларнинг объектлари муҳим аҳамият касб этади,
зеро мазкур муносабатларнинг объекти сифатида банк ҳи-
собрақамида қайд этиладиган, тўлов воситаси ҳисоблана-
диган пул маблағлари эътироф этилади.

Шу муносабат билан нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб-
ларни, шу жумладан электрон тўлов воситалари орқали
ҳисоб-китобларни умумлаштирувчи жиҳат – тўлаш йўли
билан пул мажбуриятини қоплаш эканлигини эътироф этиш
зарур. Бироқ кредит ташкилоти билан тўловчининг банк
ҳисобрақамида мавжуд бўлган ва тўлов воситаси сифатида
фойдаланиладиган пул маблағлари юзасидан тузилган банк
ҳисобварағи шартномаси асосида вужудга келадиган ҳи-
соб-китоб муносабатларини фуқаролик ҳуқуқий муносабат-
ларининг алоҳида мустақил тури сифатида пул мажбурият-
ларини нақд пулда тўлаш йўли билан бажаришдан фарқлаш
лозим.

Ҳисоб-китоб ҳуқуқий муносабатлари вужудга ке-
лиши учун фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоблар учун хос
бўлган, асос (белги)ларнинг ўзи етарли бўлмайдиган, би-
нобарин қарздор (тўловчи) ва кредитор (пул маблағла-
рини олувчи) ўртасидаги асосий мажбуриятдан келиб
чиқадиган пул мажбуриятларисиз ҳисоб-китоб муноса-
батлари юзага келиши мумкин эмас, гарчи бунда кредит
ташкилоти ва унинг мижози ўртасида банк ҳисобварағи
шартномаси бўйича пул мажбурияти мавжуд бўлса ҳам.
Шундай қилиб, нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни
бирлаштирувчи яна бир жиҳат уларнинг вужудга келиш
асоси бўлган пул мажбуриятлари ҳисобланади. Аммо,
нақд пулсиз ҳисоб-китобларда мазкур асос билан бирга,
банк ҳисобварағи шартномаси тузилган бўлиши талаб
этилади.

Олди-берди муносабатларидаги фуқаролик-ҳуқуқий
элементларни ажратиш нуктаи назаридан асосий мажбу-
рият доирасини қамраб оладиган ҳисоб-китоб битимлари
ва банклар иштирокидаги ўзига хос ҳисоб-китоб битимла-
рини ажратиш лозим. Мижозлар ўртасидаги олди-берди
битимларининг асоси сифатида, уларни боғлаб турувчи
шартномали, масалан, маҳсулот етказиб бериш ва шарт-
номадан ташқари – неустойкани тўлаш, етказилган зар-
рарни қоплаш бўйича тўловлар ва бошқа мажбуриятлар

ҳисобланади. Ўзига хос ҳисоб-китоб битимларни тузиш
учун эса банк ҳисобварағи шартномаси асос саналади.

Моҳиятига кўра банклар иштирокидаги ҳисоб-китоб
битимлари мижознинг мажбуриятлари бўйича тўлов
воситаси сифатида банк ҳисобрақамидаги маблағлар
кўринишидаги пул активларини ўтказиш бўйича опера-
цияларни ўзида ифода этади.

Амалдаги қонунчиликда ҳисоб-китоблар нақд пулли
ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларнинг у ёки бу усулига бўлган талаб
давлатнинг иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб
чиқади. Молиявий тизими ривожланган мамлакатларда
нақд пулли ҳисоб-китоблар пулсиз тартибдаги ҳисоб-ки-
тоблардан сезиларли даражада кўпдир, бироқ шу билан
бирга, пулли тўловларнинг умумий айланмаси бир банк
ҳисобрақамидан иккинчисига ўтказиш йўли билан амал-
га ошириладиган тўловларга қараганда бир неча маро-
таба камдир.

А.Лининг фикрича, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар иқти-
содий нуктаи назардан товар ва нотовар операцияларига
бўлинади. Товар операцияларига ташкилотлар ўрта-
сидаги товар-моддий қимматликларни реализация қи-
лиш, ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш бўйича
ҳисоб-китоблар киради. Нотовар операциялар эса молия-
вий мажбуриятлар (бюджет, банкдан олинган ссуда қай-
тариш, суғурта бадаллари бўйича тўловлар) бўйича ҳисоб-
китобларга тааллуқлидир.

Ҳозирги пайтга қадар нақд пулсиз ҳисоб-китоблар илмий
мунозараларнинг предмети бўлиб келмоқда. Мазкур муно-
зараларнинг асосида нақд пулсиз кўринишдаги маблағлар-
нинг, яъни банкдаги ҳисобрақамларда мавжуд бўлган
маблағларнинг ҳуқуқий табиатини аниқлаш муаммоси, бош-
қача айтганда, мижоз банкка топширган пул маблағларига
нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қоладими, йўқми?, – деган
савол ётади. Ушбу муаммо бўйича олимларнинг қарашлари
иккига бўлинади: бир гуруҳ олимларнинг фикрича бу ҳолат-
да банкдаги пул маблағларига нисбатан мижознинг мулк
ҳуқуқи сақланади. Иккинчи гуруҳ олимлари эса мижоз пул
маблағларини банкка топширганидан сўнг унда фақатгина
банкка нисбатан талаб қилиш ҳуқуқи пайдо бўлади.

Бу ҳолатда Г.Г.Ефимов “нақдсиз кўринишдаги пуллар
аралаш – ашёвий-мажбурият ҳуқуқий режимида” бўлиши-
ни таъкидлаб, алоҳида нуктаи назарни билдиради. Нақдсиз
кўринишдаги пул маблағларининг ашёвий-ҳуқуқий табиа-
тини белгилувчи олимларнинг нуктаи назарлари нисбатан
кенг тарқалган. Шундай нуктаи назарни Л.А.Новоселова
қўллайди ва хизмат кўрсатувчи банкдаги ҳисобрақамга
пул маблағлари ўтказилгандан кейин мижознинг ҳуқуқи
ашёвий-ҳуқуқдан мажбурият-ҳуқуқий муносабатга ўзга-
ради, деб ҳисоблайди. “Банкка шартнома бўйича топши-
рилган пул маблағларини қайтариш (бериш, ўтказиш)га
оид мижознинг банкдан талаб қилиш ҳуқуқи мажбурият
(нисбий) ҳуқуқининг белгиларига эга:

а) бу ҳуқуқ фақат кредитор-банк ҳаракатлари нати-
жасида амалга оширилиши мумкин эмас;

б) ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг доираси
банк ҳисобварағи шартномаси билан олдиндан белги-
ланган;

в) мижозда банкка топширилган нақд пулларга нисбатан эргашима ҳуқуқ мавжуд бўлмайди, чунки ҳуқуқ эргашиши мумкин бўлган моддий объект мавжуд эмас;

г) банкка нисбатан ҳуқуқ банк ҳисобварағи шартномаси асосида иштирокчиларнинг эрки билан ўрнатилади”.

С.В.Сарбашнинг таъкидлашича, “банкнинг мижози нақд пулсиз кўринишдаги маблағларга нисбатан мулк ҳуқуқи-га эга бўлмайди, сабаби энг аввало, ашёвий ҳуқуқ фақат индивидуаль-белгиланган ашёларга нисбатан вужудга келиши мумкин. Нақд пулсиз кўринишдаги маблағларда эса пулнинг мавжудлик ҳолати фақат ҳисобрақамдаги ёзув (қайд)лар билан аниқланади. Мижоз банкка нисбатан фақат мажбурият-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаб қилиш ҳуқуқи эга бўлади. Нақдсиз кўринишдаги пул маблағлари – бу қонун ва шартнома билан тартибга солинган махсус математик операциялар (ҳисоби юритиладиган ёзувлар) бўлиб, улар муайян ҳуқуқ субъектларига мазкур операцияларни амалга оширганлиги учун фуқаролик ҳуқуқининг муайян объекти (ашё, иш, хизмат ва шу кабилар)ни олиш ҳуқуқини беради”.

Бугунги кунда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар, шу жумладан электрон тўлов воситалари орқали ҳисоб-китоблар муаммоси ҳал этилмасдан қолмоқда. Шу билан бирга, мижоз ва банкнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари бўйича муносабатлари ашёвий-ҳуқуқий тусда эмас, балки мажбурият-ҳуқуқий кўриниш касб этиши нисбатан асослироқ эканлигини англаш мумкин.

Банк ва мижоз ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоб муносабатларининг моҳияти шундан иборатки, бунда банк мижознинг топшириғига мувофиқ унинг ҳисобрақамдаги пулни ўчиради ва бошқа банкка ўтказиши ёки аксинча, мижознинг ҳисобрақамига унинг келиб тушган пул маблағларини киритиб қўяди. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилганда маблағларни тўловчининг, олувчининг ёки хизмат кўрсатувчи банкнинг банк ҳисобрақами бўйича ёзувларига ўзгартириш киритилади.

Умумий қоидага кўра, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобрақамидан ҳисоб-китоблар қонун талаблари ва тузилган шартнома шартларига мувофиқ, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳуқуқий тартибга солишдаги бир қатор тамойилларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади ва бундай тамойилларнинг асосийлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар мижознинг ўз ҳисобрақамдаги мавжуд пул маблағларини тўловларни амалга ошириш имконини берадиган банк ҳисобрақамлари воситасида амалга оширилади;

- агар банк ҳисобварағи шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қонунга мувофиқ банк ушбу турдаги ҳисобварақлар учун белгилаб қўйилган операцияларни (шу жумладан тўловни амалга ошириш бўйича) амалга ошириши рад этишга ҳақли эмас;

- банк ҳисобварағидан пул маблағларини ўчириш асоси бўлиб мижознинг топшириғи ҳисобланади. Мижознинг топшириғисиз ҳисобварақда турган пул маблағларини ўчиришга суднинг қарори билан, шунингдек қонунда белгилаб қўйилган ёхуд банк билан мижоз ўртасидаги шартномада назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади (ФКнинг 783-моддаси).

- ҳисобрақамдан пул маблағларини ўчириш (мижознинг ҳисобрақамидан пул маблағлари етарли бўлган ҳолларда) календарь навбатида амалга оширилади. Агар ҳисобрақамда пул маблағлари етарли бўлмаса, уларни ўчириш ФКнинг 785-моддасида белгиланган қоида бўйича амалга оширилади;

- олувчининг ҳисобрақамига пул маблағлари тўловчининг ҳисобрақамидан тегишли сумма ўчирилганидан сўнг келиб тушади;

- банк мижознинг пул маблағларидан қай тарзда фойдаланишни белгилашга ва назорат қилишга ҳамда унинг пул маблағларини ўз хоҳишига кўра тасарруф этишга ёки банк ҳисобварағи шартномасида назарда тутилмаган бошқа чеклашларни белгилашга ҳақли эмас (ФКнинг 773-моддаси 2-қисми);

- нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда банк мижоз олдида фақат банк ҳисобварағи шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгар бўлади;

- мижознинг топшириғи бўйича тўловлар фақатгина унинг ҳисобрақамидан муайян миқдордаги пул маблағлари мавжуд бўлганда амалга оширилади, банк ҳисобварағи шартномасида банк томонидан мижоз (тўловчи) ҳисобрақамини кредитлаш бундан мустасно;

- нақд пулсиз ҳисоб-китоблар белгиланган шаклдаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида хулоса қилиш мумкинки, банк ҳисобварағи шартномасида, хусусан банк карталарини очиш ва электрон тўлов воситалари бўйича хизмат кўрсатиш шартномасида банкнинг жавобгарлиги қонунчиликка мувофиқ белгиланиши, мижозлар билан банк ҳисобварағи шартномасини тузишда банк манфаатини кўзлаб бир томонлама шартнома расмийлаштирилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Hayek F.A. Denationalisation of Money: The Argument Refined. An Analysis of the Theory and Practice of Concurrent Currencies. London, 1990.- 144 p.
2. Сарбаш С.В. Предмет и субъекты договора банковского счета // Банковское право 1999. - №3. - С. 59,62.
3. Белов, В. А. Банковское право России: теория, законодательство, практика: Юридические очерки. - М.: 2000. - С. 309.
4. Ефимов Л.Г. Безналичные деньги – законное средство платежа // Закон. 2000. - №3. - С.83.
5. Новоселова Л.А. Проценты по денежным обязательствам. – М. 2003. – С. 15.
6. Рахмонкулов Х. Фуқаролик ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. –Тошкент: ТДҶИИ, 2009. – Б. 37-38.
7. Товмасын Р.Э. К вопросу о безналичных расчетах: финансово-правовой аспект// Вестник Адыгейского государственного университета. 2011. - №1. – С.35.
8. Аксенов В.С. К вопросу об интерпретации электронных денег // Вестник Российского государственного гуманитарного университета. – 2011. – № 10 – с. 14-22.
9. Ранчинский К.Л. Вопросы правового статуса и регулирования электронных денег в Республике Беларусь. Экономика и право в современном мире / Сборник научных статей по итогам международной научно-практической конференции. Волгоград: Волгоградское научное издательство, 2012. – С. 250-256.
10. Новоселова Л.А. Денежные расчеты в предпринимательской деятельности. М., 2016. С.48,49.
11. Ўзбекистон Республикаси молия ҳуқуқи. – Тошкент: 2021. – 338 б.
12. Колесникова Ю.А. Понятие электронных денег по законодательству России и зарубежных стран // <https://cyberleninka.ru/article/n/ponyatie-elektronnyh-deneg-po-zakonodatelstvu-rossii-i-zarubezhnyh-stran>.



Козимбек ҲОЗИЕВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ХАЙРИЯ (ENDOWMENT) ЖАМҒАРМАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада мамлакатимизда хайрия фондларини ташкил этиш ва тартибга солишнинг мазмун-моҳияти АҚШ, Англия каби хорижий мамлакатлар амалиёти билан қиёсан таҳлил қилинган ва миллий қонунчиликни таҳлил этиш асносида олий ўқув юртларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Олий таълим ташкилотларининг молиявий мустақиллик борасидаги муаммоларини бартараф этишнинг замонавий ечимларидан бири сифатида чет давлатларнинг университетлари амалиётини қўллаган ҳолда хайрия (Endowment) фондларини ташкил қилиш, ўз ишланмаларини тижоратлаштириш мумкинлиги қайд этилган.

Калит сўзлар: молия, хайрия фонди, endowment, маблағ, scopus, актив, вақф, олий таълим ташкилоти.

АННОТАЦИЯ:

в статье проведен сравнительный анализ общественных отношений, связанных с организацией и регулированием деятельности благотворительных фондов США, Англии и Узбекистана в образовательных учреждениях; На основании анализа национального законодательства раскрыты особенности управления высшими образовательными учреждениями. В качестве одного из современных средств устранения проблем, связанных с финансовой независимостью высших образовательных учреждений, применяя опыт университетов иностранных государств было предложено создать благотворительные фонды (Endowment). Автор раскрыта история развития благотворительных фондов в Западных и Восточных странах, их современное положение, актуальность организации благотворительных фондов для высших учебных заведений с целью повышения привлекательности образования.

Ключевые слова: финансы, благотворительный фонд, endowment, средства, scopus, актив, вақф, высшее образовательное учреждение.

Бугунги кунда хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги амалиётида олий таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг асосий йўналишлардан бири – хайрия (Endowment) фонднинг ташкил этилиши ва уни самарали бошқариш эканлигини кўриш мумкин. Бунинг учун таълим ташкилотлари ўз молиявий мустақилликларини таъминлаш учун талабалар томонидан тўланадиган тўлов-контракт тизимидан ташқари ноанъанавий молиявий манбаларни жалб этиш йўллари излаши керак. Мамлакатимизда мазкур соҳанинг ўрганилмаганлиги ва хайрия фондлари маблағларини сарфлаш ҳамда бошқариш йўналишида илмий ишларнинг мавжуд эмаслиги таълим ташкилотларининг молиявий барқарорлигига қисман путур етказди.

Дунё таълим соҳасидаги хайрия фонди ёки Endowment — таълим бошқарувида менежментни кенг жорий этиш, таълимни бизнесга айлантириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, банк депозитларидаги қўйилмалар, кўчмас мулк ва бошқа инвестициявий пул маблағларининг донорлар томонидан таълим ташкилотига бегараз ҳамда қайтармаслик шарти билан йўналтирилган пул маблағлари ҳисобланади.

Бугунги кунда бундай таълим фондлари олий таълим ташкилотларининг моддий-техник базаларини шакллантириш ва яхшилаш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда дунё тан олган 1000 талик таълим ташкилотлари рўйхатига кириш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда хайрия фондлари (endowment) ҳозирда мавжуд бўлган 187 та ОЎЮларининг деярли 99.9 фоизда мавжуд эмаслиги соҳада етарли билим ва кўникма, уни қандай бошқариш, такомиллаштириш салоҳияти у даражада ривожланмаганлигидан далолат беради.

Дунё тарихида таълим ташкилотига биринчи хайрия эрамиздан аввалги 176 йилда Рим императори Марк Аврелий томонидан амалга оширилган. Император катта шаҳарлардаги ўқув юртларида Аристотель, Платон ва бошқа антик давр олимларининг илмий меросини ўрганиш учун кафедралар ташкил этиб, уларнинг моддий-техник базасини шакллантириш учун ҳар йили ўз ҳисобидан маблағ ажратган.

Европа давлатларида илк ва ўрта даврларда олий таълим ўқув юртлари асосан черков ҳузурида ташкил этилганлиги сабабли зодагонлар томонидан черковга қилинган пул ва мол-мулк кўринишидаги ҳадялар ёки Англияда таълим ташкилотлари қиролнинг шахсий маблағлари орқали молиялаштирилган. Масалан, Англия қироли Генрих VIII нинг онаси Маргарет

Бофортга қироллик ўқув юртига ҳар йили ўз маблағлари ҳисобидан хайрия қилгани учун фахрий профессор унвони берилган.

Мусулмон мамлакатларида университетларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун таълим вақфи гоёси пайдо бўлди. Ушбу концепцияда вақф маблағларини таълим соҳасига жойлаштириш, маҳаллий ва халқаро талабалар учун бепул таълим бериш каби кўплаб имтиёзлар инобатга олинди.

Ислом оламида таълимни давлатдан ташқари молиялаштиришда вақф кенг қўлланилиб, таълимдаги вақфни амалга ошириш пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в) давридан бошланган. Улар Мадина шаҳрида Кубо масжидини қурдириб, у ерда ислом таълимотини ўрганиш маркази ташкил эттирганлар ва мол-мулк хатлаб берганлар.

Дастлабки даврларда таълимдаги вақф амалиёти ер ва бинолар каби асосий воситалар билан чекланган. Ҳомийларнинг аксарияти ўз активларини мадрасалар ёки мактаб таълимининг бошқа шакллари ривожлантиришга йўналтирган. Бироқ, аҳолининг тез ўсиши туфайли ер ва бинолар миқдори чекланганлиги, бундан ташқари, асосий воситалар вақф ҳисобига ташкил этилганда операцион молиялаштириш билан боғлиқ муаммолар вужудга келганлиги сабабли ҳозирда таълим соҳасини ривожлантириш учун нақд пул шаклидаги вақф амалиёти ишлаб чиқилган.

Таълим соҳасидаги хайрия фондлари шарқ давлатларида сифатли таълим тизимига ва тамаддун ривожига катта ҳисса қўшган. Аббосийлар, фотимийлар, айюбийлар, мамлуклар ва усмонийлар ўз даврларида “қуттоб” (бошланғич мактаб), мадраса (коллеж) ва Байтул ҳикма (олий таълим) каби таълим муассасаларининг барқарор ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Кейинчалик, Темурийлар даврида ҳам илм-фаннинг ривожига бўлган эътибор сусаймагани ҳолда, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоийлар томонидан мадрасалар ташкил этилиб, уларни таъминлаш ва илм толибларига нафақа ҳамда мударрисларга кўшимча маошлар учун ер ва мулклар хайр-эхсон сифатида ажратиб берилган.

Тараққий этган АҚШ ва Буюк Британия каби давлатларда таълим тизимига endowment-инвестиция фондлари орқали маблағ жалб этиш таълим ташкилотларининг молиявий мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

АҚШдаги Гарвард университети хайрия жамғармаси дастлабки хайрияни 1649 йилда ўз битирувчиларидан ер участкаси кўринишида олган. 2021 йил июнь ҳолатига кўра ушбу ташкилотнинг фонд маблағлари миқдори 53,2 млрд. долларни ташкил этади. Мазкур мамлакатдаги аксарият университетлар хусусий бўлганлиги сабабли улар томонидан хайрия фондларини ташкил қилиш ва тижоратлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тоифадаги жамғармаларни бошқариш учун алоҳида топ менежерлар жалб қилинади. Бундан ташқари, хайрия фондларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан университетда сайланган Кузатув кенгашлари томонидан ҳар бир факультет ва кафедра кесимида сарф-харажатлар учун алоҳида, кафедрада фаолият юритувчи профессор-ўқитувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида пул маблағлари тақсимланиб борилади. Бу маблағларнинг ҳаммаси хайрия фонди ҳисобидан сарф этилади.

Мазкур маблағлар, аввало, университетни битириб кетган ва яхши мавқега эга бўлган собиқ талабалар томонидан, бундан ташқари таълим ташкилоти катта обрў-эътиборга эга бўлган шахсларга университетнинг фахрий профессор унвонларини бериш (сотиш) орқали келиб тушган пул тушумлари, ўз логотипи туширилган турли хил кийим-кечак ва эсдалик совғаларини сотишдан келиб тушган маблағлар ҳисобига ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия пулларига шакллантирилади.

Англияда ҳам таълимни молиялаштиришда хайрия жамғармаларига алоҳида аҳамият берилади. Англияда таълим фондлари томонидан оила даромади ва таълим ўртасидаги боғлиқликни тарғиб қилиб, инглиз оилаларидаги уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларнинг асосий ҳаётий кўникмаларини ривожлантириш, келажакдаги карьера таълимга боғлиқлиги, ёшларни меҳнат ва кейинги олий таълимга тайёрлаш учун тарғиботлар ўтказиб, ўз университетларига маблағлар жалб этишади.

Буюк Британияда таълим ташкилотларига давлат томонидан ҳам хайрия маблағлари ажратилади. Фақатгина, бу ажратилган маблағлар эвазига ҳукумат мудофаа қобилиятини яхшилаш учун амалга оширилиши лозим бўлган ишланмалар натижасини кутади.

Дунёда олий таълим ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслар билан бирга давлат томонидан катта хайрия маблағлари йўналтирадиган давлатларидан бири Исроилдир.

Исроил университетларида хайрия фондлари жуда яхши йўлга қўйилган бўлиб, хайрия маблағлари ёрдамида амалга оширилган илмий ишланмаларни ва улар фаолиятини тижоратлаштириш борасида катта тажрибага эга. Исроилда дунёда биринчи марта фонд маблағлари ҳисобига юқори технологияли саноат лойиҳалари университет дастурлари тузилган.

Дунёдаги иқтисодий салоҳияти жуда юқори бўлган ХХРда хайрия фондлари мавжуд бўлсада, асосан, давлат томонидан режали иқтисодиёт орқали бошқариш тартиби сабабли Ғарб давлатлари каби кенг қўлланилмайди. Бироқ, Хитойда хайрия фондлари орқали таълимни молиялаштиришга ўзига хос ёндашилади. Бу ерда университетлар ва илмий-тадқиқот марказларининг хайрия фондларига давлат томонидан мақсадли маблағлар ажратилади ва унинг натижалари давлат манфаатлари учун тижоратлаштирилади.

Умуман олганда, ривожланган мамлакатлардаги аксарият университетлар хусусий бўлганлиги сабабли хайрия фондларига маблағ жалб қилиш ва уни самарали бошқариш аввало, ташкилотларнинг халқаро рейтингига ва молиявий хавфсизлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Сўнгги 15 йил ичида хайрия жамғармаларининг маблағлари университетлар учун муҳим молиялаш манбасига айланди, чунки уларнинг маблағлари университет харажатларига нисбатан тез суратда ўсиши билан фойдали ҳисобланади.

Бугунги кунда, ривожланган давлатларда хайрия фондларининг уч тури амалиётда кенг қўлланилади:

биринчиси, хайрия маблағлари ташкилотнинг хоҳишига кўра сарфланиши, сақланиши, инвестиция қилиниши ва тақсимланиши;

иккинчиси, муддатли (маълум бир вақт ёки маълум бир ҳодисадан сўнг) сарфлаш мумкин бўлган актив;

учинчиси, квази хайрия - бу шахс ёки муассаса томонидан фонднинг маълум бир мақсадга хизмат қилиши ни-

ятида берилган хайр-эхсондир. Бунда маблағ донор томонидан айнан кўрсатилган йўналиш бўйича сарфланади ёки тақсимланади.

Хайрия жамғармалари таълим ташкилотларида илмий янгиликнинг яратилиши ва ўсишига ёрдам бериш, инновацион тадқиқот дастурларини молиялаштириш, обрўли илмий ходимларни жалб қилиш ва узоқ муддатли муваффақиятга эришиш учун молиявий хавфсизликдан фойдаланиш билан бирга таълим ташкилотининг халқаро обрўсига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Хайрия (endowment) фондларни бошқариш ва ташкил этиш одатда университетлар ҳузурида алоҳида юридик шахс мақомида ташкил этилишига қарамасдан уларнинг васийлик ва бошқарув Кенгашлари таълим ташкилоти томонидан тайинланади. Жамғарма маблағларини бошқаришда профессионал даражадаги менежерлар ва ходимлар таркиби танлаб олиниб, уларга бошқарув топширилади, бироқ университет хайрия тўловлари ставкалари устидан бевосита назоратни сақлаб қолади.

Хайрия фондлари маблағларини кўпайтиришда нафақат жисмоний ва юридик шахслар балки давлат унинг муассасалари ҳам таълим ташкилотларининг хайрия фондларига ўз вазифа функцияларини бажариш учун шартларсиз тадқиқот грантлари кўринишида пул маблағларини йўналтиришлари шу билан бирга нанотехнологияларни яратиш, маҳсулотларни бозорга ўтказиш қobiliятини ва сиёсатни ишлаб чиқиш ёки жамоат манфаати учун билимларни амалиётга кенг жорий этиш самарадорлигини оширишга имкон яратиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки таълим ташкилотларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, молиявий фаолиятини таъминлашда фақатгина мавжуд талабалар корпуси томонидан тўланган тўлов-контракт тизимига эмас, хайрия маблағлари, ўз илмий ва ижодий изланишларини тижоратлаштириш, хизмат кўрсатиш орқали молиявий барқарорликни таъминлаши натижасида рақобатбардош молия тизимини ва халқаро даражадаги олий ўқув юрти мақомини олиш учун имкон яратилади.

Бунинг учун мамлакатимизда мавжуд қонунчилик ва ички тартиб қоидаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда қатор ўзгаришлар киритиш зарурати юзага келади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси "Меценатлик тўғрисида"ги қонунининг 3-моддаси қўлланилиш соҳаси доираси таркибига таълим ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлашни киритиш лозим. Сабаби, қайд этилган қонуннинг моҳиятида маданият ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа фаолият соҳасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик фаолияти деб кўрсатилганига қарамай, қонунда таълимни ривожлантириш учун маблағ ажратиш ва ҳомийларга берилган имтиёзлар кўрсатилмаган;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг "Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасида ҳомийлик мақсадининг ичида таълим ҳам қайд этилган, бироқ уни тартибга солиш механизмлари мавжуд эмас. Мазкур қонунга алоҳида дунё тажрибасидан келиб чиқиб, endowment хайрия фондларини ҳам киритиб, уларни бошқариш ва тартибга солиш соҳасида алоҳида ҳукумат даражасида қонун ости ҳужжатини ишлаб чиқиш лозим;

учинчидан, Солиқ кодексининг 414, 428-моддаларида юридик шахсларга, 474-моддасида эса махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига солиқ имтиёзлари назарда тутилган бўлиб, Президент ва Ҳукумат қарори билан имтиёзлар берилиши ҳам назарда тутилган. Ушбу солиқ имтиёздан фойдаланаётган юридик шахсларга имтиёз берилишида таълим ташкилотларининг молиявий хайрия фондларига маблағлар оқимини йўналтиришини (тадбиркорлик субъектларини ҳомийликка мажбуран жалб қилиш жавобгарликни келтириб чиқаради) ҳисобга олиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу билан давлат ҳам ҳомийларни, ҳам таълимни қўллаб-қувватлаган ва бунинг натижасида сифатли ҳамда барқарор таълим жараёнига эришган бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Lynch, John Patrick Aristotle's school; a study of a Greek educational institution. USA, University of California Press Publ., 1972. 247 p.
2. Bruen, Robert «A Brief History of The Lucasian Professorship of Mathematics at Cambridge University». London, MEI Publ., 1995. 244 p.
3. Robert Louie Stanton McElhaney. The effects of higher education endowment management practices on endowment performance. Diss. Deg. of.Doc.Ph.Missipi, 2010. 121 p.
4. William N. Goetzmann, John Griswold, Yung-Fang (AYUNG) Tseng. Educational Endowments in Crises. The Journal of Portfolio Management, 2010, no.4, Available at: <https://jpm.pm-research.com/content/36/4/112.abstract> 112-123 pp. (accessed 2010).
5. Asuhaimi, F. A., Shafii, Z., Ahmad, N., & Alias, M. H. A study on the willingness of state Islamic religious councils to support Waqf development in higher education. Journal of Muamalat and Islamic Finance Research, 2017, 14 no. 1, pp. 39–53.
6. Huq, M. A., & Khan, F. (2017). The role of cash waqf in the development of Islamic higher education in Bangladesh. Journal of Islamic Economics, Banking and Finance, 13(4), 45–65. <https://doi.org/10.12816/0051001>.
7. Кульпин С.В., Эндаумент-фонды вузов: целесообразность, перспективы, наилучшие практики. [Endowment funds of universities: best practices, feasibility and prospects]. Стратегии развития социальных общностей, институтов и территорий: материалы III Международной научно-практической конференции. Екатеринбург, 2017, pp. 220-223. (In Russ).
8. Haziah Hasan, Ismail Ahmad. Determinants of higher education Islamic endowment (waqf) attributes among Muslims in Malaysia. Journal of Islamic, Social, Economics and Development, 2018, no. 3. Available at: <http://www.jised.com/PDF/JISED-2018-12-06-04.pdf>. (accessed 15.07.2018).
9. Mujani, W. K., Taib, M. S. M., Rifin, M. K. I., Khalid, K. A. T. The history of the development of higher education waqf in Malaysia. International Journal of Civil Engineering and Technology, 2018, 9 no.3, pp. 549–557.
10. Osmari N.M., Hoque M.N. Mobilizing funds for higher education through applying musharakah in waqf properties. International Journal of Islamic Banking and Finance Research, 2018, no.2, Available at: <http://rep.iium.edu.my/68438/>. 39-50 pp. (accessed 13.12.2018).
11. Ye Yang, Yan Xu. Land endowment and education investment behavior of rural households: a field survey based on 887 administrative villages in 31 provinces of China. Journal of Chinese Sociology, 2019, no.3, Available at: <https://link.springer.com/article/10.1186/s40711-019-0093-1> 2-19 pp. (accessed 08.02.2019).
12. Alla Stepanova, Iryna Horbas', Oksana Derkach, Tetyana Ovcharenko. Endowment as a Fundraising Tool of the Research University. European Journal of Sustainable Development, 2020, vol. 9, no. 2, pp. 366-374. doi: 10.14207/ejsd.2020.v9n2p366.
13. Triin Edovald, Camilla Nevill. Working Out What Works: The Case of the Education Endowment Foundation in England. ECNU Review of Education, 2020, vol. 4, no. 1, pp. 1-19. doi: 10.1177/2096531120913039.
14. Aliyu Olugbenga Yusufa, Nur Leyni Nilam Putri Junurhamd, Usman Ahmed Adam. Bibliometric assessment of scholarly publications on waqf (Islamic endowment). International Journal of Economics, Management and Accounting, 2021,no.1.Availableat: <https://journals.iium.edu.my/enmj/article/view/835/382>. pp. 224-241 (accessed 2021).
15. Aam Slamet Rusydiana, Raditya Sukmana, Nisful Laila. Waqf on Education: A Bibliometric Review based on Scopus. Library Philosophy and Practice, 2021, Available at: <https://digitalcommons.unl.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=10234&context=libphilprac>. (accessed 5.31.2021).
16. Адилова З. Фан ва таълимни тижоратлаштиришнинг замонавий тенденциялари ва хорижий тажриба. Янги Ўзбекистон: барқарор ривожланишнинг ижтимоий-фалсафий, иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалари, 2022, vol. 2, no. 23, pp. 942-956. doi:10.24412/2181-1784-2022-23-942-957.

ЖАЗО ТАЙИНЛАШ ВА БЕЛГИЛАРИ

Жиноят ҳуқуқи назариясида жазо тайинлаш институти катта аҳамиятга эга. Шу боис у жиноят ҳуқуқининг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Яъни, ушбу институт орқали судлар одатда муайян жиноятни содир этганлик учун судланувчига жиноят қонунда белгиланган энг мақбул жазо тури ва миқдорини тайинлайдилар.

Жазо тайинлашнинг ўзига хослиги унда бир вақтнинг ўзида ҳуқуқнинг бир қатор соҳаларида мавжуд бўлган умумҳуқуқий (қонунийлик, барчанинг қонун олдида тенглиги), жиноят ҳуқуқи (инсонпарварлик, одиллик, демократизм, айб учун жавобгарлик ва б.) ҳамда жиноят-процессуал ҳуқуқининг махсус (одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши, одил судловни фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида амалга ошириш, шахснинг шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилиш ва б.) тамойиллари қўлланилади.

Шу ўринда қонунчиликдаги “жазо тайинлаш” тушунчасига тўхталиб ўтсак. Жиноят кодекси 10-бобининг амалдаги 42-моддасида “жазо” тушунчаси ва мақсадига таъриф берилган. Бунда амалдаги қонун ҳужжатларидан фақатгина жиноят қонунда жазонинг жиноий ёки бошқа жазо эканлигига аниқлик киритилмаган.

Бу ўз навбатида жиноят ҳуқуқига хос бўлган “жазо тайинлаш” тушунчасини қўллаш борасида тушунмовчиликлар ёки чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунончи, бунда сўз қайси жазони (маъмурий, интизомий ёки бошқа) тайинлаш ҳақида кетаётганлиги ноаниқ бўлиб қолмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил қилар эканмиз “жазо” тушунчасига турлича ёндашилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Жумладан, Меҳнат кодексининг 181-моддасида “интизомий жазо” тушунчасига ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи томонидан қўлланиладиган жазо тури сифатида таъриф берилган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 22-моддасида “маъмурий жазо” тушунчаси қўлланилган бўлиб, ушбу тушунчага маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланиладиган жавобгарликка тортиш чораси тарзида изоҳ берилган.

Қолаверса, бир нечта қонунларга хос бўлган бир хил жазоларнинг қонунчиликда назарда тутилганлиги ҳам уларнинг жиноят ҳуқуқи ёки бошқа ҳуқуқ соҳасига тегишлилиги борасида тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, МЖТКнинг 23-моддасида жарима жазоси маъмурий жазо тури сифатида

келтирилган. Айнан шундай жазо Жиноят кодексининг 43-моддасида ҳам назарда тутилган. Шу билан бирга, жарима жазоси Меҳнат кодексининг 181-моддасида ҳам белгиланган.

Жазо тушунчасига аниқлик киритилмаганлиги ҳамда бу борада қонунчиликда ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги уларни қўлловчи субъектлар борасида ҳам тушунмовчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Хусусан, жарима жазоси фақатгина суд томонидан тайинланиши мумкин. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунга мувофиқ жарима жазосини суддан ташқари бошқа тегишли давлат органлари ҳам қўллаш ваколатига эгадирлар.

Шундай экан, жазо сифатида жаримани тайинловчи органлар ҳақида сўз кетганда фақат судларни ёки бошқа давлат органларини тушуниш кераклиги ҳақидаги савол ҳам очиқ қолмоқда.

Бизнингча, юқоридаги сингари тушунмовчиликларга барҳам беришнинг қуйидаги йўллари мавжуд:

а) меҳнат қонундаги “интизомий жазо”, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонундаги “маъмурий жазо” тушунчаларидан воз кечиш ва мазкур сўзларни бошқа муқобил атамалар (масалан, интизомий чора, маъмурий чора ёки бошқа) билан алмаштириш;

б) жиноят қонундаги “жазо” атамасини “жиноий жазо” термини билан алмаштириш.

Жазо тушунчаси борасида миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар томонидан кўплаб назарий қарашлар келтирилган. Қолаверса, амалдаги Жиноят кодексида ҳам жазо тушунчасига таъриф берилган. Хусусан, Жиноят кодексининг 42-моддасига мувофиқ жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир.

Жазо тушунчасига қонунда аниқ таъриф берилганлигини инобатга олиб, “жазо тайинлаш” атамасини изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

Ҳуқуқшунос олимлар томонидан жазо тайинлаш масалаларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилган бўлишига қарамасдан ҳалигача

ушбу тушунча билан боғлиқ айрим масалалар тадқиқотчилар ва ҳуқуқни қўлловчи амалиётчилар ўртасида мунозарали бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида илмий тадқиқотчилар олдига жазо тайинлаш билан боғлиқ масалаларни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўзаро уйғун ҳолда тадқиқ қилиш вазифасини қўймоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, жиноят ҳуқуқи доктринасида ҳалигача жазо тайинлаш институтининг концепцияси ва тузилмаси борасида ягона ёндашув мавжуд эмас. Бу қуйидагиларда намоён бўлади. Айрим олимлар жазо тайинлаш тушунчасига таъриф беришда жазо атамасига хос бўлган белгилардан фойдалансалар, бошқа олимлар эса жазонинг белгилари ҳақида умуман сўз юритмайдилар. Масалан, ҳуқуқшунос Р.С.Бурганов жазо тайинлашга таъриф берганда ҳукм билан боғлиқ асосий категориялар ҳамда ҳукм тайинлашдаги махсус қоидалардан фойдаланади.

Бир гуруҳ олимларнинг таъкидлашича, жазо тайинлаш – мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараён бўлиб, содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг бир кўриниши сифатида судга тегишли бўлган ваколат ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят кодексининг 54-моддасида ҳам жиноят содир этганлик учун ЖК Махсус қисмининг жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада жазо фақат суд томонидан тайинланиши аниқ кўрсатилган.

Баъзи олимларнинг жазо тайинлаш тушунчасига берган таърифларида бошқача ёндашувни учратишимиз мумкин. Улар жазо тайинлаш деганда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахсга нисбатан ЖК Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган жазо (мажбурлов чораси)нинг қўлланилиши тушунилишини таъкидлаб ўтадилар.

Мазкур олимлар жазо бевосита суд томонидан тайинланадиган чора эканлигига эътибор қаратмайдилар.

Ҳуқуқшунос олимлар М.Усмоналиев ва П.Бакуновлар жазо тайинлашнинг фақат судга тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаб, ушбу жараён суд фаолиятининг энг масъулиятли қисми эканлигини қайд этиш билан чекланадилар холос. Бунда тушунча сифатида бевосита “жазо тайинлаш” атамасига алоҳида таъриф бермайдилар.

Худди шундай ҳолат 2021 йилда чоп этилган Жиноят ҳуқуқи дарслигида ҳам кузатилади. Унда ҳам жазо тайинлаш тушунчасига тўхталиб ўтилган бўлсада, унга фақатгина жиноят иши бўйича одил судловнинг ҳал қилувчи жиҳати сифатида изоҳ бериш билан чекланилган.

Демак, юқорида келтирилган маҳаллий ҳуқуқшунос олимларимизнинг жазо тайинлаш тушунчаси борасидаги қарашларини таҳлил

қилар эканмиз жиноят ҳуқуқига оид аксарият илмий-назарий манбаларда жазо тайинлаш атамасига назарий таъриф берилмаганлигига гувоҳ бўлдик.

Жазо тайинлаш тушунчаси борасида чет эл олимларида ҳам ягона назарий ёндашув мавжуд эмаслигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, россиялик ҳуқуқшунос олим М.Ильмуратовнинг фикрича, жазо тайинлаш деганда жиноят қонунини қўллашнинг муҳим босқичларидан бири бўлган жиноят ҳуқуқини қўллаш тушунилади.

Жазо тайинлаш борасида махсус монографик тадқиқот олиб борган россиялик олима Т.В.Непомняшая жазо тайинлашга бағишланган тадқиқотларнинг аксариятида мазкур атаманинг таърифи учрамаслигини ҳақли равишда эътироф этади. Шу билан бирга, ушбу олима ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида жазо тайинлаш атамасининг таърифи келтирилмаслигининг сабабларини таҳлил қилар экан жазо тайинлаш мураккаб ва муаммоли ҳодиса деган хулосага келади.

Шундай бўлсада, Т.В.Непомняшая жазо тайинлаш бўйича амалга оширилган монографик тадқиқот ишида ҳам ушбу тушунчанинг муаллифлик таърифини келтирмайди.

Яна бир рус олими Я.М.Браинин жазо тайинлаш деганда жиноят қонуни санкциясини қўллаш тушунилиши мақсадга мувофиқ деган хулосага келади.

Жазо тайинлаш тушунчаси борасидаги ўхшаш ёндашувни Е.В.Благов ва А.В.Наумовларда ҳам учратиш мумкин. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Е.В.Благов жазо тайинлаш тушунчасига тегишли ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазонинг тури ва миқдори тўғрисида қарор қабул қилиниши сифатида изоҳлайди.

Демак, Я.М.Браининдан фарқли равишда Е.В.Благов жазо тайинлаш деганда жазонинг

*Кул кўн гапирса,
кўн ағамаси, кул
кўн кулса, ундан
жаё ва оғоб ўйқо-
лади.*

**Умар ибн
ХАТТОБ р.а.**

тури ва миқдорини қўллаш ҳақидаги қарор қабул қилинишини тушунади.

Ҳуқуқшунос А.В.Наумов эса, жазо тайинлаш деганда суд томонидан айблов ҳукмида жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсга нисбатан қўлланиладиган муайян жазо тури ва миқдорини кўрсатишни тушунади.

Ўз навбатида А.В.Наумов юқоридагилардан фарқли равишда ушбу масалага нисбатан кенгроқ ёндашувга эгалигини алоҳида қайд этиш жоиз. Зеро, юқоридагилардан фарқли равишда жазо тайинлаш тушунчасига таъриф беришда нафақат жазонинг тури ва миқдорини қўллашни тушуниш мақсадга мувофиқлигини, балки жазо тайинлаш жиноят содир қилган шахсга нисбатан қўлланилишини ҳам таъкидлаб ўтади.

Жазо тайинлаш тушунчасига берилган нисбатан кенгроқ таърифни ҳуқуқшунос О.Ф.Сундуровада ҳам учратиш мумкин. Унинг таъкидлашича, жазо тайинлаш деганда жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан жиноят қонунининг тегишли санкциялар рўйхатида ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки чеклаш сингари давлат таъсир чораларини қўллашда суднинг белгиланган процессуал талабларга риоя этган ҳолда амалга ошириладиган фаолияти тушунилади.

Бизнингча, О.Ф.Сундурова томонидан жазо тайинлаш тушунчасига берилган таърифни суднинг процессуал талабларга риоя этган ҳолда амалга ошириладиган фаолияти билан боғлаш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, суднинг процессуал талабларга риоя этиши биринчидан жиноят-процессуал ҳуқуқининг предмети ҳисобланса, иккинчидан жазо тайинлаш атамасига бевосита алоқаси йўқ.

О.Ф.Сундуравнинг жазо тайинлаш тушунчасига берган таърифида қуйидаги ўзига хос жиҳатларни таъкидлаш мақсадга мувофиқ:

а) жазо тайинлаш бевосита жиноят содир қилган шахсга нисбатан қўлланилади;

б) жазо тайинлаш фақатгина жиноят қонунда белгиланган таъсир чоралари билан боғлиқ бўлади;

в) жазо тайинлаш бевосита судлар фаолиятида қўлланилади.

Жазо тайинлаш тушунчаси борасида ҳуқуқшунос Р.А.Рагимовнинг фикрича, жазо тайинлаш деганда биринчи инстанция судида жиноят иши бўйича иш юритишнинг якуний босқичи тушунилиб, бунда шахс айбдор деб эътироф этилади, унинг қилмишидаги жиноят таркиби жиноят қонунига мувофиқ малакаланади ҳамда заруратга қараб ушбу шахсга асосий ва қўшимча жазо чоралари тайинланади.

Е.В.Благов жазо тайинлаш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ деган хулосага келади: жазо тайинлаш деганда тегишли ҳолатлар асосида жазо тайинланишини ва унинг миқдори ҳамда шакли қарор тарзида расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлган жараёнга айтилади.

Ҳуқуқшунос Д.С.Дядкин бошқа олимлардан фарқли равишда жиноий жазо тайинлаш тушунчасини амнистия ёки авф этишга ваколатли бўлган судлар, бошқа давлат органлари томонидан амалга ошириладиган, шахснинг жиноий қилмиши билан жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқи нормаларида тартибга солинадиган шакл ва ҳажмдаги жазо ўртасидаги мувофиқликни махсус жиноят-процессуал ҳужжатда белгилашни назарда тутувчи юридик мустаҳкамлаш сифатида изоҳлайди.

Гувоҳ бўлганимиздек, жазо тайинлаш тушунчаси борасида миллий ва хорижий ҳуқуқшунос олимлар ўртасида ягона ёндашув мавжуд эмас.

Ўз навбатида жазо тайинлаш тушунчасига таъриф бериш учун унга хос бўлган асосий белгиларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Бунда жазо тайинлашга хос бўлган қуйидаги бир қатор белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) жазо тайинлаш биргина жиноят ҳуқуқи фани билангина эмас балки, жиноят-процессуал ҳуқуқи меъёрлари билан ҳам тартибга солинади. Чунончи, жазо тайинлаш билан боғлиқ бўлган моддий меъёрлар (жазо тушунчаси, турлари, оғирлаштирувчи ҳамда енгиллаштирувчи ҳолатлар ва б.) бевосита жиноят ҳуқуқи фани доирасида ўрганилса, жазо тайинлашнинг процессуал жиҳатлари (суд ҳукм чиқариш вақтида суд ҳал қиладиган масалалар доираси, судланувчининг руҳий ҳолати бузилганлиги ва ақли норасолиги масаласини муҳокама қилиш, жазо тайинлашда судьяларнинг маслаҳатлашиш тартиби ва б.) бевосита жиноят-процессуал ҳуқуқи фани доирасида ҳал этилади. Ўз навбатида мазкур масалаларни ҳал қилишда Жиноят-процессуал кодекси асосий манба бўлиб хизмат қилади.

б) жазо тайинланганда шахснинг жиноий хулқи билан тегишли жазо тури ва ҳажми ўртасидаги мувофиқлик белгиланади. Ушбу белги Жиноят кодексининг 8-моддасида белгиланган одиллик тамойили билан боғлиқ. Бунда жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий ҳавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши ке-

рак. Шу сабабли ҳам икки шахс томонидан содир этилган айни бир жиноят учун бир хил жазо тайинлашнинг имкони йўқдир.

Жазо тайинлашнинг ушбу белгиси мураккаб бўлиб, ушбу ҳолат жазо тайинлашга таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидаги икки гуруҳга ажратиш имконини беради:

1) жазо тайинлашнинг умумий асослари. Ушбу омиллар ўз ичига жиноят белгиларини, жазони оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни, жиноятчининг шахсини олади;

2) махсус асослари. Жазо тайинлашнинг махсус асослари сифатида тугалланмаган жиноят белгилари, жиноятда иштирокчилик шакли ва турлари, бир қанча жиноятлар содир этганлик, рецидив жиноят мавжудлиги, айбдорнинг вояга етмаганлиги ёки муомалага лаёқати чекланганлиги ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

в) жазо тайинлашда шахснинг жиноий қилмиши билан жазо тури ва ҳажми ўртасидаги мувофиқлик махсус жиноят-процессуал ҳужжатда юридик жиҳатдан расмийлаштиришда намоён бўлади. Амалдаги Жиноят кодексининг 42-моддасига мувофиқ жазо жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган мажбурлов чораси ҳисобланади. Суднинг жиноят содир қилган шахсга нисбатан тайинлаган жазо тури жиноят-процессуал қонунида белгиланган расмий ҳужжатда ўз аксини топади.

Бундай ҳужжатлар Жиноят-процессуал кодексида аниқ белгиланган. Хусусан, ЖПКнинг 28-моддасига мувофиқ биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқариш ҳуқуқини, апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ҳукм ёки ажрим чиқаришини, кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ажрим чиқаришини назарда тутати.

г) жазо тайинлаш фақатгина махсус ваколатга эга бўлган давлат органи томонидан амалга оширилади. Ушбу белги бевосита Жиноят кодексида ҳам назарда тутилган бўлиб, унга кўра жазо фақат суд томонидан тайинланади.

д) жазо тайинлаш муайян процессуал тартибда амалга оширилади. Ушбу бел-

гининг моҳиятига кўра, жазо тайинлаш тартиби жиноят-процессуал қонунида батафсил тартибга солинган. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг ўнинчи бўлими биринчи инстанция судида иш юритиш деб номланиб, унда судловга тегишлилик, жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш, жиноят иши бўйича дастлабки эшитув, суд муҳокамасининг умумий шартлари ва жазо тайинлаш билан боғлиқ бошқа жараёнлар батафсил тартибга солинган.

Жазо тайинлаш тушунчасига хос бўлган мазкур белгилардан келиб чиқиб, унга **“Жиноий жазо тайинлаш – жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган тартибда суд томонидан расмийлаштирилган жиноят содир қилган шахснинг қилмиши учун жиноят қонунида назарда тутилган мажбурлов чорасини қўллашдир”**, – деб таъриф бериш ўринлидир.

Қундуз РОЗИМОВА,
ТДЮУ ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Брайнин Я. М. Уголовный закон и его применение. – М., 1967. – С. 193.
- Словарь по уголовному праву. М., 1997. С. 214.
- Рагимов Р. А. Проблемы назначения наказания (по материалам Республики Дагестан): автореф. дисс. ... канд. юрид. наук: 12.00.08. – Махачкала, 2002. – С. 9–10.
- Благов Е. В. Применение уголовного права. СПб., 2004. С. 303.
- Благов Е. В. Применение уголовного права (теория и практика). – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2004. – С. 302, 307.
- Непомнящая Т. В. Назначение уголовного наказания: теория, практика, перспективы. – СПб.: Издательство Р.Асланова “Юридический центр Пресс”, 2006. – 781с.
- Непомнящая Т. В. Назначение уголовного наказания: теория, практика, перспективы. – СПб.: Издательство Р.Асланова “Юридический центр Пресс”, 2006. – 12 с.
- Бурганов В. С. Влияние принципов назначения наказания на формирование, закрепление в законе и применение общих начал назначения наказания / Р. С. Бурганов // Вест. ТИСБИ. – 2006. – № 3. – С. 14 – 19.
- М.Усмоналиев, П.Бакунов. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Тошкент: “Насаф” нашриёти, 2010. – 437 б.
- Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Ўзбекистон Республикаси ИИВ академик лицейлари учун дарслик. Р.Кабулов, М.Х. Рустамбоев, А.А. Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 264 б.
- Х.Р.Очилов, Ш.Д.Хайдаров, З.З.Шамсиддинов. Жиноят ҳуқуқи. (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти. 2021 й. – 109 б.
- Жиноят ҳуқуқи (умумий қисм). Юридик техникум ўқувчилари учун дарслик. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021. 180 – Б.
- Илмуратов, М. (2021). Понятие и сущность института назначения более мягкого наказания. Актуальные проблемы гуманитарных наук, 1(1), 53–57. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/problems_of_humanities/article/view/3632.
- Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/142859>.
- Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://lex.uz/docs/97664>.

ТАКРОРАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

“Non bis in idem” (“ҳеч ким бир хил жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”) деган умумий ҳуқуқий принцип Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўз аксини топган, аммо ушбу принцип амалиётда етарли даражада қўлланилмайди. Сабаби мазкур принцип амалий жиҳатдан тўлиқ ўрганилган деб айтолмаймиз. Жиноят қонунчилигида жиноят содир этишнинг “такрорий жиноятлар”, “хавфли рецидивист”, “ўта хавфли рецидивист” каби тушунчалар бизнинг фикримизча, бевосита жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида ўзининг жиддий таъсирини кўрсатади.

Таянч тушунчалар: умумий ҳуқуқий принцип, жиноят қонунчилиги, “такрорий жиноятлар”, “хавфли рецидивист”, “ўта хавфли рецидивист”, бевосита жиноят, ҳуқуқ ва эркинлик.

Дастлабки тергов ва суд терговига бир шахс томонидан бир неча (икки ва ундан ортиқ) жиноятларнинг содир этилиш ҳолатлари учраб туради. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига “бир қанча жиноят содир этиш” тўғрисидаги тушунчага алоҳида таъриф берилмаган, аммо ЖКнинг VIII боби мазкур меъёрни қисман қамраб олувчи бир қанча моддаларни ўзида акс эттирган ва ўзига хос такрорий характерларни ифода этади. Хусусан, такроран жиноят содир этиш (32-модда), жиноятлар мажмуи (33-модда), рецидив жиноятлар (34-модда) шулар жумласидандир.

Олий суд Пленумининг “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига мувофиқ “бир неча жиноят деганда, қонун шахс томонидан ҳар бири алоҳида жиноят таркибини ташкил этувчи икки ва ундан ортиқ қилмиш содир этилишини назарда тутилиши” ҳақида тушунтиришлар берилган.

ЖКга кўра, бир қанча жиноят содир этишнинг ўзига хос белгилари такрорий жиноятларни, жиноятлар мажмуини ва рецидив жиноятларни ташкил қилади.

Суд амалиёти шуни кўрсатадики, шахснинг жиноий ҳаракатларини квалификация қилишда жиноятларнинг мажмуи ёки рецидивлигини аниқлашда қийинчилик мавжуд эмас, аммо баъзи ҳолларда Жиноят кодексининг 32-моддасини қўллашда ушбу норманинг ўзига хос хусусиятларини ҳар хил талқин қилиш ҳолатлари учрамоқда ва бу суд амалиётида муаммолар келтириб чиқармоқда.

Қонунга кўра “Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддаси, қисми ва Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун судланган бўлмаса бу такроран жиноят содир этиш деб топилади”. Такрорий дейилганда бир неча жиноятларни турли вақтларда содир этиш, айнан бир моддасида ёки ушбу модданинг турли қисмларида ёнги турли моддаларида назарда тутилган жиноятларини содир этиш ва шахс бирорта жиноятлар учун жавобгарликка тортилмаган бўлиши тушунилади.

Ушбу қонун бўйича амалиётдан мисол келтирадиган бўлсак, К. университет қабул комиссиясининг раиси сифатида июл-август ойларида олти абитуриентларнинг

ота-онасидан институтга киришда ёрдам кўрсатгани учун пора олган. Дастлабки тергов органлари ва суд томонидан К. нинг жиноий ҳаракатлари ЖК 210-моддаси иккинчи қисмининг «а» банди, яъни такроран пора олиш билан квалификация қилинган. Бу ҳақда Олий суд Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”-ги қарорида “порахўрлик жиноятларини такрорийлик белгисига кўра тавсифлаш ушбу жиноятнинг ўзини икки мартабадан кам бўлмаган миқдорда содир этилишини ва улардан ҳеч бири учун шахснинг судланмаганлигини ҳамда жиноий жавобгарликка тортишнинг муддати ўтиб кетмаганлигини тақозо этишини, мансабдор шахс бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пора олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такрорий пора олиш деб тавсифланиши лозим”лиги тушунтирилган.

Мазкур жиноят иши ва бошқа такрорий жиноятларни жиноий жавобгарликни такомиллаштириш нуқтаи назардан таҳлил қилиб, шуни тан олиш керакки, содир этилган бир неча ҳаракатларнинг ҳар бирида мустақил жиноят таркиби мавжуд, ушбу мисолда эса ота - оналардан бирдан пора олиш алоҳида тугалланган жиноят ҳисобланиши ва бунинг учун ЖКнинг 210-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган жавобгарлик кўзда тутилмоқда.

Бизнинг фикримизча, бир моддада жавобгарлик белгиланган ва турли вақтларда содир этилган бир неча жиноий ҳаракатлар содир этилган жиноий ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилиги даражаси ошганлигидан далолат беради.

В. П. Малковнинг фикрига кўра, «такрорийлик жиноят қонунчилигида кенг ва тор маънога эга. Кенг маънода, такрорийлик белгиси жазони оғирлаштирадиган ҳолат сифатида қабул қилинади, тор маънода эса – муайян жиноятнинг малакавий белгиси сифатида қайд этилади”. Олим жиноятнинг такрорийлик белгиси бир неча содир этилган жиноятлардан келиб чиқишини таъкидлайди.

Давомли ва такрорий жиноятлар ягона хусусиятга эга эканлиги ҳақида бошқа ҳуқуқшунос олимлар ҳам таъкидлаганлар.

Шу билан бирга, «Non bis in idem» (ҳеч ким битта жиноят учун икки марта жазоланмаслиги керак) умумэтироф этилган ҳуқуқий тамойили ҳамда ЖКнинг 8-моддасида белгиланган “Ҳеч ким айнан битта жиноят учун икки марта

жавобгарликка тортилиши мумкин эмас”лиги тўғрисидаги бандга амал қилган ҳолда ЖКнинг айнан бир модда ва бир қисмда назарда тутилган бир неча жиноий ҳаракатларни содир этган шахс, аслида ўзининг биринчи жиноий ҳаракатларидан сўнг тамомланган жиноятни содир этган бўлади. Унинг бошқа айнан бир хил такрорланган жиноий ҳаракатлари учун айнан шу қисм ва шу модда билан қўшимча жиноий жавобгарликка тортиш айбланувчининг аҳволини оғирлаштиради, деб ўйлаймиз. Шу сабабли такрорийлик белгиси шахснинг жиноий жавобгарлигини оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади.

Шу боис жиноят ҳуқуқи назариясининг асосий қоидалари-га кўра юқоридаги мисолда пора олиш жиноятининг объектив томонини шахс дастлабки пора олаётган ҳолатида содир этиб бўлган ва пора олиш жинояти тугалланган ҳисобланади. Шахс кейин шунга ўхшаш бир неча ҳаракатларни содир этган бўлса уларни такроран малакалаш (квалификация қилиш) ЖКнинг 8-моддасига зид бўлади, чунки шахс томонидан содир этилган бир неча ҳаракатлар айнан бир жиноятни ташкил қилади.

Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, шахснинг бир неча жабрланувчилардан такроран пора олганлик ҳаракатлари ЖК 210-моддаси 2-қисмининг “а” банди, яъни шахснинг аҳволини оғирлаштирувчи иккинчи қисми билан нотўғри малакаланган. Бу ҳолат, фикримизча, «Non bis in idem» тамойилига зиддир. Чунки шахснинг мақсади ягона жиноятни, яъни пора олишни содир этишга қаратилган ва унинг жиноий ҳаракатлари бир неча бўлган бўлсада, улар фақат ЖКнинг 210-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинмоғи лозим.

Шу билан бирга айрим ҳолатларда бир неча маротаба содир этилган жиноий ҳаракатлар етказилган зарар миқдорини ошириши мумкин. Бу табиий равишда айбдор жиноий ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилик даражасини оширади ва қаттиқроқ жазо белгиланишига сабаб бўлади. Қонунга кўра, бундай ҳаракатлар ЖК муайян моддасининг тегишли қисмларига мувофиқ содир этилган ва жиноят оқибатида етказилган зарар миқдоридан келиб чиққан ҳолда квалификация қилиниши керак.

Жиноятни такроран содир этишнинг малакаланиши қонуний тартибга солинганлиги натижасида айрим жиноятларни квалификация қилишга таъсир қилувчи ҳолатларни келтириб, ушбу жиноят-ҳуқуқий меъёرنинг муаммосига тўхталиб ўтамиз:

— **бир хил жиноятни такроран содир этишда жиноий ҳаракатларнинг ҳар бири ЖК махсус қисми битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган бўлса. Масалан, айбдорнинг ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “а” бандига биноан жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёни ўғирлаш (киссавурлик) содир этиб, кейинчалик мазкур модда ва қисмнинг “г” бандида белгиланган ғайриқонуний равишда уй-жойга кирган ҳолда ўғирлик содир этиши. Ушбу таснифлаш белгилари ЖК 169-моддасининг 2-қисми ва шу билан бирга ЖК 169-моддасининг 3-қисмидаги ўғирлик жиноятини такроран содир этиш бандида ҳам мавжуд (ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди). Бироқ, аксарият ҳолларда**

суд-тергов амалиёти мазкур ҳолатда такроран белгиси мавжуд бўлсада, айбдорнинг жиноий ҳаракатларини ЖК 169-моддаси 2-қисмининг “а, г” бандлари билан квалификация қилади;

— **бир ҳолатда тугалланган, иккинчисида эса тугалланмаган шунга ўхшаш жиноят содир этилса (масалан, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш (ЖК 25, 97-моддасининг 1-қисми) ва тугалланган қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг 1-қисми);**

— **ЖКнинг 28-моддасида назарда тутилган бир ҳолатда айбдор жиноят ижроси, бошқасида эса жиноятнинг иштирокчиси бўлса.**

Ушбу барча кўрсатилган ҳолатларда, бир хил жиноятлар такроран содир этилган тақдирда, айбдор бир хил жиноят объектига тажовуз қилади ва битта объектив томонини содир этади. Амалда, ушбу ҳаракатлар жиноятларнинг мажмуи деб баҳоланади ёки шахс ЖК Махсус қисмдаги модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича (ЖКнинг 33-моддаси) жавобгарликка тортилади, бу табиий равишда айбдорнинг аҳволини оғирлаштиради.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган жиноятларнинг такрорийлик белгиси чуқур таҳлил ҳамда ўрганишни талаб этади. Жиноят қонунчилигида такрорийлик белгиси жазонинг муқаррарлиги нуқтаи назаридан ҳам, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам унинг жиноий-ҳуқуқий баҳоси призмаси орқали синчковлик билан таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Дилбар СУЮНОВА,
ТДЮУ профессори, юридик
фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). — СПб., 1890—1907.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 24.09.1999 йилдаги 19-сон қарори, С.5.
3. Д.Ж.Суюнова. Вопросы совершенствования института адвокатуры – сегодняшние реалии и необходимые изменения. Современное российское право, 2000. №6. С.10-13.
4. Малков В.П. Институт множественности преступлений в доктрине и уголовном законодательстве России// Актуальные проблемы экономики и права. 2008. №4.С.186.
5. Караев Т.Э. Повторность преступлений. М. 2012. С.33-37.
6. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 28 б.
7. М.Кулешов, А.Швыркин. Реализация принципа «Non bis in idem» в современном уголовном законодательстве. Вестник Волгоградской Академии МВД России. 2019. 4 (51). С.60-70.
8. Рустамбаев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Общая часть. Ташкент.Адолат.2019. С. 87.
9. Уголовный кодекс Республики Узбекистан. Ташкент. Адолат. 2021. С.298.
10. Д.Ж. Суюнова. Вопросы совершенствования уголовно-правовых мер для предотвращения насилия в отношении женщин Евразийский юридический журнал. 2021. № 2, 262-264.
11. «О вопросах квалификации деяний при множественности преступлений» Постановление пленума Верховного Суда Республики Узбекистан. <https://www.lex.uz/acts/1599999>.



**Содиқ
ЮЛДАШОВ,**
Жамоат
хавфсизлиги
университети
ўқитувчиси

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИ БОРАСИДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР АМАЛИЁТИ

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақолада жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари институтининг халқаро ҳуқуқий қоидалари ва ишлаш механизми ривожланган хорижий мамлакатлар (Европа давлатлари ва АҚШ) мисолида таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: мурожаатлар, мурожаатлар институти, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, “Ҳуқуқ ҳимоячиси”, петиция, ташкилий қонун.

АННОТАЦИЯ:

в данной статье анализируются международно-правовые нормы института апелляции физических и юридических лиц, а также практический опыт развитых зарубежных стран (на примере Европы и США) в этой области.

Ключевые слова: обращения, институт обращения, обращения физических и юридических лиц, «Правозащитник», петиция, организационный закон.

XXI асрда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи ҳар бир мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиб халқаро ҳамжамият доирасида долзарб муаммога айланди. Бу эса ўз навбатида, халқаро ҳамжамият ва дунё мамлакатлари олдига ушбу умуминсоний қадриятлар соҳасида ечимини кутаётган масалаларни биргаликда бартараф этиш вазифасини юкламоқда.

Мазкур соҳадаги қонунчилик тарихига назар соладиган бўлсак, Финландиянинг 1766 йилда қабул қилинган «Ахборот эркинлиги тўғрисида»ги қонуни дунёнинг бошқа ҳеч қайси бир мамлакатига учрамайдиган ҳар бир кишининг ҳукумат ҳужжатлари билан танишиш ва улардан нусха олиш ҳуқуқини кафолатлаб берувчи муҳим манба сифатида эътироф этилади.

Бинобарин, ушбу қонунга биноан, агарда мансабдор шахс аризачига у ёки бу ҳужжатни тақдим этишдан бош тортса, у ҳолда мансабдор шахс рад қилиш сабаби асослаб берилган расмий ёзма жавоб тақдим қилишга мажбур. Бундай қарор юзасидан маъмурий судга шикоят қилиниши мумкин. Финландияда ҳукумат ҳужжатларининг ошкоралиги суд органларининг қаттиқ назорати остидадир.

Яна бир ҳолат, Финландияда порахўрликка қарши курашда асосий урғу таълим, полиция, прокуратура ва мустақил судларга берилади. Ҳаракатларнинг қонунга мос ҳолда эканлигини коррупцияда гумондорлик бўйича ишлар билан шуғулланувчи омбудсман ва ҳуқуқий канцлер ҳам кузатиб туради.

Франциянинг 1789 йил 26 августдаги “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси”ни XI моддасида “Фикр ва ғояларни эркин ифодалаш инсоннинг энг қимматли ҳуқуқларидан биридир: шунинг учун ҳар бир фуқаро қонунда кўзда тутилган ҳолатларга мувофиқ, эркинликни суиистеъмол қилганлиги учун жавоб беришдан ташқари, эркин гапириши, ёзиши, нашр этиши мумкин”, – деган қонуннинг киритилиши

демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган миллий қонунчилиги асосини ташкил этади.

Бугунги кунга келиб, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш борасида бир мунча халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва уни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилган.

Жумладан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 19-моддасида “Ҳар бир инсон маслак эркинлигига ва буларни эркин ифодалаш ҳуқуқига эгадир, ушбу ҳуқуқ ҳеч бир халалсиз ўз маслакларига риоя этиш эркини, ахборот ва ғояларини ҳар қандай воситалар билан ҳамда давлат чегараларидан мустақил тарзда қидириш, олиш ва тарқатиш эркини қамраб олади”, деб белгиланган. Бу – фикрлаш, сўз ва ишонч эркинлиги, барча маълумотларни қидириш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқи фуқароларга давлат идораларига, жамоат бирлашмаларига, корхона, ташкилот ва муассасаларга таклиф ва ариза ёки шикоят билан мурожаат қилиш йўли билан жамоат ва давлат ишлари бошқаришда фаол қатнашиш имконини беради.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йилнинг 16 декабрида қабул қилинган “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 2-қисми, 2-моддаси, 3- “б” кичик бандида мазкур Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя нуфузли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлат тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминланишини ва суд орқали ҳимояланиш имконияти ривожлантирилишини ўз зиммасига олади.

Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига бевосита алоқадор универсал даражадаги ягона ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 1998 йил 9 декабрдаги 53/144-сон резолюцияси билан тасдиқланган “Алоҳида шахслар, гурӯҳлар ва жамият органлари-

нинг умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари тўғрисида”ги декларация ҳисобланади.

Унда мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати, уларни ҳимоя қилиш ва амалга ошириш шарти сифатида қаралади. Декларациянинг 8-моддасида шикоят қилиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри демократия институти сифатида мустаҳкамланган бўлиб, унда ҳар бир шахснинг якка ёки бошқалар билан биргаликда давлат органлари ва муассасаларига, шунингдек жамоат ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларга ўз фаолиятини такомиллаштириш юзасидан танқид қилиши ва таклифлар бериши, ўз фаолиятининг тарғиботида халақит берадиган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатга эътиборни жалб қилиш ҳуқуқи қайд этилган.

Шунингдек, Декларациянинг 9-моддасида ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган ҳар қандай шахс ўзи ёки қонуний вакили орқали мустақил, холис ва ваколатли судга ёхуд бошқа давлат органларига шикоят бериш ҳуқуқига эгалиги, мазкур шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ваколатли орган тегишли қонунларга мувофиқ, белгиланган муддатда уни бартараф этиш ва етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиши назарда тутилган.

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда, хусусан, ривожланган давлатлар амалиётида фуқароларнинг петиция ҳуқуқи институти конституциявий меъёр сифатида кенг жорий этилган.

Масалан, Франция Конституциясида “...табиий ва фуқаролик ҳуқуқлари сифатида айрим фуқаролар томонидан имзоланган петициялар билан ҳокимиятнинг белгиланган органларига мурожаат этиш эркинлиги таъминланиши” кафолатланган.

Болгария Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Фуқаролар давлат идораларига шикоятлар, таклифлар ва петициялар юбориш ҳуқуқига эгадир”, – деб белгиланган. Германия Республикаси Асосий қонунининг 45с-моддасида “Бундестаг петициялар бўйича комитет жорий этади, бу комитет 17-моддага мувофиқ Бундестагга бериладиган илтимослар ва шикоятларни кўриб чиқиши шарт”, – деб кўрсатилган.

Италия Конституциясининг 50-моддасида “...барча фуқаролар қонунчилик тадбирлари ёки ижтимоий эҳтиёжлар баён қилинган петицияларни палаталарга йўллашлари мумкинлиги”; Испания Конституциясининг 29-моддасида “Ҳамма испанлар индивидуал ёки коллектив равишда ёзма петиция ҳуқуқига эга”лиги; Бельгия Конституциясининг 28-моддасида “Ҳар ким бир ёки бир неча шахслар томонидан имзоланган петициялар билан оммавий ҳокимият (бошқарув ва мажбурлов аппаратининг йиғиндиси)га мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Фақат таъсис органларигина жамоа номидан петициялар билан мурожаат қилиши мум-

кин”лиги; Польша Конституциясининг 63-моддасида “ҳар ким, оммавий ёки хусусий манфаатлари ёхуд ўзга шахснинг розилиги билан унинг манфаатлари, шунингдек, оммавий маъмурият соҳасидаги вазифаларини бажариш билан боғлиқ жамоат ташкилотлари ва муассасаларининг манфаатлари борасида оммавий ҳокимият органларига петиция, таклиф ва шикоятлар бериш ҳуқуқига эга бўлиб, петиция, таклиф ва шикоятларни кўриб чиқиш тартиби қонун билан белгиланиши” ҳамда Япония Конституциясининг 16-моддасида “...ҳар ким зарарни қоплаш, оммавий ҳокимиятнинг мансабдор шахсларини алмаштириш, қонунлар, фармонлар ва фармойишларни жорий қилиш, бекор қилиш ёки тузатиш ҳақида, шунингдек, бошқа масалалар бўйича тинч йўл орқали петиция билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳеч ким бундай петиция берганлиги учун таҳқирланиши мумкин эмас”лиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи (петиция ҳуқуқи) ҳам сиёсий ҳуқуқлар жумласига киради ва фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига ариза, таклиф, шикоятлар орқали мурожаат қилиш йўли билан ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш имконини беради.

Шу сабаб, Франция, Германия, Италия, Испания, Польша, Болгария, ва Бельгия каби ривожланган мамлакатларнинг конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган ва ижобий самарасини бераётган “петиция” ҳуқуқи институти бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашнинг энг мақбул воситаларидан бирига айланди. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаати институтининг муҳим элементи ҳисобланган бу ҳуқуқ мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ҳам намоён бўла бошлади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳар қандай демократик давлат юқорида қайд этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўз мамлакати ҳудудида инсон ҳуқуқларини кафолатловчи институтларни ташкил қилади ва миллий қонунчиликда унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб қўяди.



Масалан, Франция Конституциясининг “Хуқуқ ҳимоячиси” деб номланган 71-1-моддасида “Хуқуқлар ҳимоячиси давлатнинг маъмурий хизматини, маъмурий-худудий тузилмалар, давлат муассасалари, шунингдек, давлат хизмати вазифаси юкланган ҳар қандай орган ёки ташкилий қонун билан муайян ваколатлар берилган субъектлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилишини назорат қилади. Ташкилий қонун (конституциявий қонун)да кўзда тутилган шартларга мувофиқ, биринчи хатбошида эслатиб ўтилган бирор давлат хизмати ёки бирор орган фаолияти натижасида ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс унга мурожаат этиши мумкин. У ўз ваколатлари доирасида ташаббус кўрсатиши мумкин”, деган қоида белгиланган.

Аслида, Ўзбек давлатчилиги ва қонунчилиги тарихига назар ташласак, XX асрнинг бошида ҳудудимизда “Хуқуқ ҳимоячиси” институти фаолият кўрсатган. Хусусан, манбаларда берилишича, “1919 йилнинг 11 июнида Туркистон Республикаси комиссарлар советининг кўрсатмаси эълон қилинди. Унга кўра, вилоят ижро қўмиталари округ халқ судлари қошидаги мавжуд айбланувчилар коллегиясининг амалдаги штатларига етишмайдиган ҳуқуқ ҳимоячиларининг сонини тўлдириш учун жорий йилнинг 1 июлига қадар сайловларни амалга ошириш белгиланди”, деб кўрсатилган. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида “Хуқуқ ҳимоячиси” институтини мустақамлаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Европа ва АҚШда мурожаатларнинг ҳал этилишини шартли равишда икки турдаги ҳуқуқ тизими асосида амалга оширилишини кўриш мумкин. Масалан, Англо-саксон ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатлар (АҚШ, Англия ва бошқалар)да Умумий судлар ва Роман-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатлар (Италия, Франция, Германия, Голландия, Испания ва бошқалар)да маъмурий судлар томонидан кўрилади.

Шунингдек, қайд этилган хорижий мамлакатларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда маъмурий юстициянинг ўрни муҳим аҳамият касб этиб, бу институт амалиётда ижобий самарасини берган.

Маъмурий юстициянинг умумий судлов шакли, махсус судлов шакли ва квази судлов шакли каби турлари мавжуд.

Маъмурий юстицияни ташкил этишнинг немис модели давлат бошқарувида юзага келадиган маъмурий низоларни кўриб чиқиш учун ихтисослаштирилган судларнинг ташкил этилганлиги билан ажралиб туради. Бу ерда маъмурий юстиция судлари мамлакатнинг ягона суд тизими таркибига киради ва фақат қонунга бўйсунди. Улар одил судловни амалга оширишда маъмурий органлар ва умумий судлардан мустақилдирлар.

Латвия Маъмурий-процессуал қонунининг 78-моддаси ва Германия Федератив Республикасининг Маъмурий-процессуал кодексининг 68-моддаларига биноан аризачи судга мурожаат қилишдан олдин тегишли масала айрим ваколатли органларда кўриб чиқилиши шарт. Маъмурий ишни дастлаб суд-

гача тартибда кўриб чиқиш ёки бевосита судда амалга оширишни аризачининг ихтиёрига қолдириш Ўзбекистон (Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси) ва Болгария (Болгария Маъмурий-процессуал кодексининг 81-моддаси) каби давлатларнинг қонунчилигида ўз аксини топган.

Мухтасар айтганда, жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари институтининг халқаро ҳуқуқий қоидалари ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг амалий тажрибаси демократик ривожланиш йўлига кирган ҳар қандай мамлакат учун андоза бўла олади.

Хусусан, юқорида қайд этилган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда маъмурий юстиция институтлари ролини ошириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклаш масалалари юзасидан тўғридан-тўғри суд органларига мурожаат қилиш амалиётини янада кенгайтириш мустақилликни мустақамлаш асосий мақсади бўлган Ўзбекистонда ўз самарасини беради.

Зеро, олий қадрият ҳисобланган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ҳар қандай жамият ва давлатнинг энг устувор вазифаси бўлиб қолаверади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Основной закон Федеративной Республики Германия от 23 мая 1949 г. (с последующими изменениями и дополнениями до 20 октября 1997 г.) // www.constitutions.su.
2. Испанская Конституция одобрена генеральными кортесами на пленарных заседаниях конгресса депутатаов и сената 31 октября 1978 года // www.constitutions.su.
3. Конституция Польши (Республики Польши) от 2 апреля 1997 г. // www.constitutions.su.
4. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН от 9 декабря 1998 г. N 53/144 “Декларация о праве и обязанности отдельных лиц, групп и органов общества поощрять и защищать общепризнанные права человека и основные свободы”.
5. Сиронов Ф. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига шарҳлар. –Т.:Адолат, 1999.
6. Тожионов У., Саидов А.Х. Жаҳон Конституциялари, 1-жилд. Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги. –Т.: “Адолат”, 2001.
7. Конституция Японии (текст приводится по сборнику “Конституции зарубежных государств: Учебное пособие/Сост. проф. В.В.Маклаков. - 4-е изд., перераб. и доп. –М.: Волтерс Клувер, 2003”) // www.constitutions.su.
8. Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2006.
9. Резолюция Генеральной Ассамблеи “Совет по правам человека” № 60/251 от 15 марта 2006 г. // Док. ООН A/60/251.
10. Фафуров А.Б., Мўминов А.Р., Тиллабаев М.А. Инсон ҳуқуқлари (Ўқув қўлланма). –Т.: Baktria Press, 2012.
11. Франция Республикаси Конституцияси. –Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2018.
12. Илкка Тайпале. Финляндиянинг 100 та ижтимоий инновацияси. –Т.: “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2019 й.
13. Makoto Ito. Huquq faniga kirish. O‘quv qo‘llanma. –Т.: “Lesson press” nashriyoti, 2019.
14. Маликова Г.Р. Ўзбекистон прокуратурасининг генезиси (Монография). –Т.: “Университет” нашриёти, 2022.
15. Muratayev S.A., Musayev B.T., Artikov D.R. Ma‘muriy huquq va protsess. Darslik. –Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2022.
16. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси // www.lex.uz.
17. Конституции Италии // www.constitutions.su.



**Нодирахон
БОБОХОНОВА,**
Судьялар олий
кенгаши судьяси

КРЕДИТ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида пул-кредит соҳаси муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳадаги жиноятларнинг янги турлари ва шаклларига дуч келиняпти. Имтиёзли, мақсадли кредит маблавларининг ўз эгаларига етиб бормаётганлиги оқибатида унга ҳақиқатда эҳтиёжи бўлган шахслар ва тадбиркорларнинг қонуний манфаатларига путур етаётганлиги жиноят қонунчилигига бу соҳадаги ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишга қаратилган, кредитни ноқонуний олганлик, мақсадсиз ишлатганлик, имтиёзлардан ноқонуний фойдаланганлик, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни белгиловчи махсус нормалар киритилиши зарурлиги ҳақида таклиф берилмоқда.

Калит сўзлар: молия-кредит тизими, кредитлаш соҳасида жиноятлар, кредитни ноқонуний олганлик, мақсадсиз ишлатганлик, имтиёзлардан ноқонуний фойдаланганлик, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик.

Молия-кредит тизими ҳар бир давлат иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланиб, пул бозорининг ривожланишига, пул оқимини бошқаришга ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига ҳам ўз таъсирини ўтказиши.

Бироқ, охириги йилларда кредитлаш соҳасида жиноятчиликнинг ошиб бораётганлиги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, давлатнинг пул-кредит тизими-га путур етказмоқда, иқтисодиётнинг молия-кредит тизими криминогенлиги юқори бўлган соҳалардан бирига айланишига олиб келмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг маълумоти-га кўра, 2022 йилнинг биринчи чорагида “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури бўйича 20 млрд. сўмдан ортиқ маблағ, “Ёшлар – келажагимиз” дастури доирасида 3,5 млрд. сўм маблағ ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилмасдан, жиноий схемалар орқали ноқонуний ўзлаштириб юборилган. Умумий ҳолатда банк ходимлари томонидан 128 та коррупцион жиноят содир этилиб, бир қанча ҳолатларда аҳолини қўллаб-қувватлаш учун турли ижтимоий лойиҳаларга мўлжалланган 354,2 млрд. сўм кредит маблағлари талон-торож қилинганлиги маълум қилинди.

Мазкур ҳолат молия-кредит тизимининг муқимлигини таъминлаш ва ҳуқуққа хилоф тажовузлардан муҳофаза қилишга қаратилган мутаносиб ҳуқуқий чораларни амалга оширишни тақозо этади.

Бугунги кунда, рақамли иқтисодиёт, шу жумладан онлайн шартномалар турларининг кўпайиши ва тобора оммалашиб бораётганлиги харажатларни камайтириш, фуқароларга қулай шароитлар яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган кредитлаш соҳасида коррупцияни кескин камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Рақамли иқтисодиётда тобора кенг қўлланилаётган онлайн кредитлар ҳам бунга мисол.

Онлайн кредитлар онлайн банкингнинг бир йўналишидир. Кредитлар автокредит, микроқарз, истеъмол кредити каби турларга бўлинади. Шулардан микроқарз онлайн равишда берилаяпти. Шу сабабли онлайн кредит эмас онлайн микроқарз дейиш тўғрироқ. Онлайн микроқарзлар бошқа

кредит турларидан нақд пулсиз шаклда берилиши, фоиз ставкаси анча баландлиги, фуқароларнинг пластик картасига ўтказиб берилиши ва уни олиш учун мобил илова орқали шахсни тасдиқловчи жуда кам ҳужжат талаб этилиши билан фарқланади. Шунингдек, бошқа кредит турларидан фарқли равишда онлайн микроқарзлар мақсадсиз берилади.

Бироқ, фуқаролар ва тадбиркорлар учун қулайликлар яратиш билан бирга, онлайн кредитлар ажратилишининг нисбатан соддалиги, кам ҳужжатлар талаб қилиниши, ҳужжатлар алмашинуви электрон тарзда амалга оширилиши ва кредит олаётган субъектлар билан бевосита мулоқотга киришилмаслиги айбдор шахслар томонидан ўзгаларнинг банк пластик карталари (карта реквизитлари) маълумотларидан фойдаланган ҳолда онлайн кредитлар ёки микроқарзлар олиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда фирибгарлик содир этиш ҳолатлари ҳам учраяпти. Бу эса, ўз навбатида онлайн кредитлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни такомиллаштиришни, кредитлаш, шу жумладан онлайн кредитлаш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун алоҳида жавобгарликни белгилашни тақозо этади.

Ҳуқуқшунос олима Н.А.Султанованинг фикрича кредитлаш соҳасидаги жиноятлар (кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик, кредитни ноқонуний олиш, кредитор қарздорликни сўндиришдан қасддан бўйин товлаш) белгиланган тартибни бузган ҳолда кредит шартномасини тузиш, кредит маблағини бериш, олиш, фойдаланиш, қайтариш оқибатида кредитнинг мулкӣ манфаатларига зарар етказишда ифодаланган ижтимоий хавфли, жиноий жазога сазовор бўлган қасддан содир этилган қилмишдир.

И.А.Клепицкийнинг таъкидлашича, иқтисодий, шу жумладан кредитлаш соҳасидаги жиноятларга оид ҳуқуқий нормалар молия-кредит соҳасидаги муносабатларда тартиб ўрнатишни таъминлабгина қолмай, авваламбор ушбу соҳанинг самарали фаолиятини таъминлаш учун шароит яратишга қаратилган. Муаллифнинг фикрича, сохта банкротликнинг хавфи, айбдорнинг белгиланган тартибни бузишида эмас, балки ўз ҳаракатлари билан кредитлаш соҳасига ишонч йўқолишида намоён бўлади. Бу эса ўз навбатида иқтисодиётнинг самарали ривожланиши учун муҳим бўлган фуқаролар томонидан қарз



маблагларини олишга бўлган ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилиб, кредит фойзалари олишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида молия-кредит тизими соҳасидаги ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилишга қаратилган кредитни ноқонуний олганлик, мақсадсиз ишлатганлик, имтиёзлардан ноқонуний фойдаланганлик, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни белгилловчи махсус меъёрлар мавжуд эмас.

Амалиётда бундай қилмишлар содир этиш усулига қараб, ўзганинг мулкини фирибгарлик билан ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш сифатида квалификация қилиш ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятининг асосий белгиларидан бири бўлмиш ўзганинг мулкини “ҳақсиз” қўлга киритиш, мавжуд бўлмаган ҳолда кредитни ноқонуний олганлик, мақсадсиз ишлатганлик, имтиёзлардан ноқонуний фойдаланганлик, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда ифодаланган жиноий қилмишлар талон-торож сифатида баҳоланмоқда.

Бу эса мазкур муносабатларда илмий тадқиқ этишни тақозо этади.

Масалан, “А” МЧЖ раҳбари В.К. юк автомашинаси ва юк кўтаргич сотиб олиш учун банкдан ажратилган 650 000 000 сўм имтиёзли кредит маблағини сохта ҳужжатларни расмийлаштириш орқали отаси Б.Т. раҳбарлигидаги “Л” МЧЖга ўтказишга эришиб, кредит маблағини бошқа мақсадларда сарфлаб, талон-торож қилганликда айбланган.

Яна бир ҳолатда «М.О.» МЧЖга балиқчиликни ривожлантириш учун ажратилган 490 000 000 сўм имтиёзли кредит маблағини жамият раҳбари А.Ў. бошқа мақсадларда сарфлаб, ўзлаштириб юрганликда айбланиб, қайд этилган ҳолатлар юзасидан айбдорларнинг қилмишлари Жиноят кодексининг 167-моддаси (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) билан малакаланган.

Суд амалиёти ўрганилганда ўзганинг мулкини “ҳақсиз” қўлга киритиш мавжуд бўлмаган ҳолда кредитни ноқонуний олганлик, мақсадсиз ишлатганлик, имтиёзлардан ноқонуний фойдаланганлик, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаганликда ифодаланган қилмишлар учун алоҳида жавобгарлик белгиланмаганлиги боис ушбу қилмишлар тегишлича ЖК 167, 168 –моддалари, шунингдек қўшимча равишда 205, 206, 207, 209, 228 - моддалар билан квалификация қилинмоқда.

Фикримизча, иш бўйича ноқонуний ажратилган кредит маблағларини қўлга киритишда уни қайтармаслик мақсади аниқланмаса, кредитни мақсадсиз ишлатиш, имтиёзларга эга бўлиш, қарздорликни сўндириш жадвалига амал қилмаслик, кредит қарздорлигини қоплашдан қасддан бўйин товлаганликнинг ўзи талон-торож қилиш жиноятлар таркибини бермайди.

Шу сабабли, кредитлашнинг жиноий-ҳуқуқий муаммоларини илмий тадқиқ қилиб ўрганиш орқалигина ушбу масалага назарий ва амалий ёндашувларни шакллантириш мумкин.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, кредитлаш соҳасидаги муносабатлар алоҳида муҳофаза этилганлиги ва бундай қилмишлар учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус меъёрлар назарда тутилганлиги аниқланди.

Россия, Қозғоғистон, Озарбайжон қонунчилигида ноқонуний кредит олиш ва уни мақсадсиз ишлатиш, ноқонуний имтиёзли кредитлаш шартларига эга бўлиш, бюджет кредитини мақсадсиз ишлатганлик учун жиноий жавобгарликни белгилловчи меъёрлар мавжуд. Россияда ҳатто кредитлаш соҳасида фирибгарлик, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун жавобгарлик алоҳида назарда тутилган.

Украина жиноят қонунчилигида молиявий ресурсларга нисбатан фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра давлат ёхуд маҳаллий ҳокимият органларига, банкларга ёки бошқа кредит ташкилотларига субсидия, субвенция, дотация, кредит ёхуд солиқ бўйича имтиёзлар олиш мақсадида олдиндан била туриб ёлғон маълумотлар берганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Қайд этилган давлатлар қонунчилигида кредит маблағларини ноқонуний олганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлса, Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексида юридик ва жисмоний шахсларга мақсадли давлат кредитини ноқонуний берганлик, ёхуд кредитлашнинг имтиёзли шартларини тақдим этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ҳозирги кунда “Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларининг таъсирчан ва ишончли муҳофаза қилинишини таъминлаш Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгиланган.

Шу сабабли, иқтисодиётнинг мазкур соҳасида жиноятлар сони кўпайиб бораётганлигини, ушбу жиноий қилмишлар иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётганлигидан ташқари, кредит маблағларини “инсофсиз” қарздорлар томонидан ўзлаштиришларнинг олдини олиш, кредит маблағларига ҳақиқатда эҳтиёжи бўлган шахслар ва тадбиркорлар манфаатларига путур етаётганлигини эътиборга олган ҳолда бу муносабатларни алоҳида муҳофаза этиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Бу эса, Жиноят кодексига талон-торож билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кредитни ноқонуний олганлик учун, ноқонуний тарзда имтиёзли кредитлаш шартларига эга бўлганлик, бюджет кредит маблағларини мақсадсиз ишлатганлик, кредит қарздорлигини тўлашдан қасддан бўйин товлаганлик учун жавобгарликни белгилловчи махсус нормаларни киритишни зарурият қилиб қўймоқда.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят қонунчилигига пул-кредит соҳасида содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни белгилловчи алоҳида бандларнинг киритилиши турли субъектларга, шу жумладан давлатга тегишли кредит ресурсларининг муҳофазаси таъминланишига, тадбиркорларнинг кредит маблағларидан фойдаланиш имконияти кенгайишига, шунингдек, ҳўжалик субъектларининг фаолиятида кредит маблағларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Клепицкий И. А. Система хозяйственных преступлений / И. А. Клепицкий. — Москва : Статут, 2005. — 572 с.
2. Султанова Н.А. Уголовно-правовое противодействие преступлениям в сфере кредитования автореферат к.ю.н. Грозный: 2020.

ЕР – СТРАТЕГИК ЖИХАТДАН МУҲИМ ТАБИИЙ РЕСУРС

Ўзбекистон Республикасининг “Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олиш ва давлат ер кадастрини юритиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-708-сон қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг бир қатор моддаларига тузатишлар киритилган эди. Жумладан, 60-модданинг 2,3 қисмлари, 60¹, 68, 68¹ ҳамда 69- моддалар ҳам қайта таҳрир этилди.

Кадастр агентлигининг маълумотларига кўра, 2022 йилда мамлакатимиз миқёсида ер участкасини ўзбошимчалик билан эгаллаш юзасидан 18 597 та (6 307 гектар) ҳолат аниқланган. Кадастр агентлиги органлари томонидан 18 389 та (6 157,5 гектар) ер қонунбузилишини содир этган шахсларга огоҳлантириш хатлари юборилиб, шундан 9 927 таси (4 957,8 гектар) фуқаролар томонидан ихтиёрий равишда бартараф этилган. Шунингдек, 2 135 та (15 130,4 гектар) ҳолатда ерлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, 1 919 та (14 099,7 гектар) ҳолатда ҳокимликларга тақдимномалар киритилган. 179 та вазиятда (3 716,6 гектар) ер майдонларининг туман ҳокимликлари захирасига қайтарилиши таъминланган, 216 та ҳолатда (1 030,7 гектар) судларга тўғридан-тўғри даъво киририлган.

Фуқароларимиз ўзлари учун энг азиз бўлган кичик ватанларига алоқадор ҳуқуқлари поймол этилмаслиги ёинки, ўзганинг манфаатларига зарар етказмасликлари учун бу борадаги ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари фойдадан холи бўлмайди.

Хусусан, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, шу жумладан ушбу ер участкаларига нисбатан қонуний ҳуқуқлари мавжуд бўлмаган ҳолда улардан фойдаланиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган, ажратилган ер участкаларига туташ бўлган ва туташ бўлмаган жойларда қурилиш ишларини амалга оширган фуқаролар базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик баравари, мансабдор шахслар эса уч юз баравари миқдорида жаримага тортилади.

Лекин, биз айтган сўнгги ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ва ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф этса, жавобгарликдан озод этилади.

Ер стратегик жиҳатдан энг муҳим табиий ресурсдир. Шунинг учун ерлардан мақсадли ва самарали

фойдаланишда қонунийликни таъминлаш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Қонунчиликда суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрилмаганлиги, шу жумладан ер участкаси ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлиги факти тўғрисида ваколатли органлар хабардор этилмаганлиги сабабли фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма баравари, мансабдор шахсларга эса — эллик баравари миқдорида жарима солинади.

Бундан ташқари, фуқароларимиз кўчмас мулк борасида ҳам қонун-қоидага эътиборли бўлишлари даркор. Боиси, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига, бино ва иншоотга бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари, мансабдор шахсларга эса — ўн беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Амалиётдаги тажрибадан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, айрим фуқароларнинг чегара белгиларини, геодезик пунктлар ва чеклов белгиларини йўқ қилиш ёки шикастлантириш борасидаги “саъй-ҳаракатлари” муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Бу борадаги қонунларимизга кўра эгаликдаги фойдаланишдаги ерларнинг чегара белгиларини, геодезик пунктлар ва ўрмонлардаги чеклов белгиларини йўқ қилган ёки шикастлантирган фуқаролар базавий ҳисоблаш миқдорининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахслар эса — беш бараваридан ўн бараваригача жаримага тортилади.

Ер муносабатларида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтиришдан мақсад – ерларни ноқонуний эгаллаш, улардан ҳўжасизларча фойдаланиш каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш орқали соҳада қонунийликни таъминлашдир.

Акмал МИРЗАХАНОВ,

жиноят ишлари бўйича

Чилонзор туман суди раисининг ўринбосари.

ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ ТУЗИЛИШИДА ШАХС ҲУҚУҚЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ МУАММОЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

ушбу мақола процессуал келишув ва унинг кафолатларини таҳлил қилишга қаратилган. Процессуал кафолатларни кучайтириш зарурати асослантирилган. Келишувнинг ихтиёрийлиги ва кафолатларни таъминлаш юзасидан тақлифлар берилган.

Калит сўзлар: процессуал келишув, вояга етмаган, процессуал кафолатлар, ихтиёрийлик, эҳтиёт чораси.

АННОТАЦИЯ:

статья посвящена анализу процессуальных гарантий при заключении процессуального соглашения. Обоснована необходимость усиления процессуальных гарантий. Внесены предложения по обеспечению о добровольности соглашения и процессуальных гарантий.

Ключевые слова: процессуальное соглашение, несовершеннолетний, процессуальные гарантии, добровольность, мера пресечения.

Жиноят-процессуал қонуни айрим тоифадаги шахсларга нисбатан жиноят ишларини юритишнинг алоҳида тартибини белгилайди. Шу сабабли қонунда процессуал келишув тузиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар тоифасини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Жисмоний нуқсон ёки руҳий ҳолати бузилганлиги сабабли ўзини ўзи ҳимоя қила олмайдиган, ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқаро қонунчилиқда белгилаб қўйилган тартибда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлигидан қатъий назар процессуал келишув субъекти бўла олмаслиги аниқ.

Бироқ, вояга етмаганлар ва судлов иши олиб борилаётган тилни билмайдиган шахсларнинг процессуал келишув субъекти бўлиши мумкинлиги масаласида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Россия Федерацияси қонунчилигида вояга етмаганлар билан процессуал келишув тузишга йўл қўйилмайди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 40-моддаси 3-қисми b кичик бандида зарур бўлганда ва лозим деб топилганда, бундай болалар билан инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий кафолатларга тўлиқ риоя қилиш шарти билан суд муҳокамасидан фойдаланмаган ҳолда муомала қилиш чораларини кўриш белгиланган.

БМТнинг Жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Еттинчи Конгрессида қабул қилинган вояга етмаганларга нисбатан судловни амалга ошириш бўйича Минимал стандарт қоидалари ёки "Пекин қоидалари"нинг 11.1-бандида вояга етмаганларга нисбатан ишнинг имкон қадар давлат ҳокимияти ваколатли органлари томонидан расмий равишда кўриб чиқилмаслиги лозимлиги кўзда тутилган.

Вояга етмаганлар билан процессуал келишув тузилишида келишув предмети сифатида жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг белгиланиши ва процессуал келишув мақсадларини рўёбга чиқариш ҳам вояга етмаган шахснинг энг яхши манфаатларини ҳисобга олган ҳолда жиноий таъқибни тугатиш имконини беради.

Фикримизча, вояга етмаган шахснинг заифлигидан фойдаланиб, келишув тузишга эришиш мақсадида руҳий

ёки жисмоний таъсир ўтказиш, уни айбини тан олишга мажбурлаш ҳолатлари бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳавотир асоссиз, чунки ЖПКда вояга етмаганларга нисбатан қўшимча процессуал кафолатлар, шу жумладан вояга етмагanning қонуний вакили ва ҳимоячисининг мажбурий иштироки кўзда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуни 111-моддасида болага ҳар қандай руҳий ёки жисмоний таъсир ўтказиш, уни кўрсатмалар беришга ёки айбини тан олишга мажбурлаш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Бироқ, ЖПКнинг 62¹-бобида вояга етмаганлар билан келишув тузишда қўшимча процессуал кафолатлар аниқ белгиланмаганлиги сабабли илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган қонуний вакил билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин берилиши, прокурор томонидан келишув тузиш тўғрисидаги илтимосноманинг кўриб чиқилишида қонуний вакилнинг иштироки шартлиги белгиланиши мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, ЖКнинг 87-моддасида вояга етмаган шахс билан тузилган айбга иқдорлик ҳақида келишув шартларининг бажарилиши уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлишини белгилаш лозим бўлади.

Келишув предмети билан боғлиқ муаммолардан яна бири эҳтиёт чораси масаласидир. Амалиётда қамоқ ёки уй қамоғи норасмий келишув предмети эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Яъни, аксарият ҳолларда суриштирувчи, терговчи, прокурор айбига иқдор бўлиш ва тергов билан ҳамкорлик қилиш эҳтиёт чораси танлашда инobatга олинишини гумон қилинувчи, айбланувчига тушунтиради. Жиноят ишлари юритувига процессуал келишувнинг жорий қилиниши ва айбланувчига нисбатан эҳтиёт чораси масаласини киритиш норасмий ва қонун билан тартибга солинмаган, айрим ҳолларда коррупцияга оид ҳолатларни қонунийлаштириш имкониятини юзага келтиради.

Г.З.Тўлаганованинг эътироф этишича айбга иқдорлик битими институтини жиноят процессига жорий этишнинг муҳим шартларидан бири бундай шахсларга нисбатан

ушлаб туриш, қамокқа олиш тарзидаги жиддий процессуал мажбурлов чораларини қўлламасликдан иборат.

Эҳтиёт чорасининг процессуал келишув предметиға айланиши натижасида:

гумон қилинувчи, айбланувчи ишни судга қадар юритиш босқичининг ўзида процессуал келишув натижасида берилган имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади;

эҳтиёт чораси танлашида коррупция омиллари камаяди.

Европа кенгаши Парламенти ассамблеясининг 2018 йилдаги 2245-сонли резолюциясида процессуал келишувларда:

- адвокатнинг мажбурий иштироки;
- айбга иқдорлик ҳақида келишувга асос бўлган жиноятни тергов қилишнинг минимал даражасини белгилаш;
- тергов натижаларини ошкор қилиш, шу жумладан айбга иқдорликнинг асосий элементлари (иқдорликнинг ишончли ва ихтиёрийлиги) устидан суд назорати;
- айбга иқдорлик ҳақида келишувдан келиб чиқадиган санкцияларнинг мутаносиблиги;
- апелляция бериш ҳуқуқини рад қилишни тақиқлаш;
- ноҳолислик ва дискриминация устидан назорат каби минимал кафолатларнинг мавжуд бўлиши тавсия этилган.

Шу ўринда С.А.Пашиннинг процессуал шаклни соддалаштириш чегараси адолатли судлов стандартлари билан белгиланиши ҳақидаги фикрларини асосли деб ҳисоблаймиз, сабаби ташкилий ёки иқтисодий муаммоларнинг ечими процессуал кафолатларни қисқартириш ҳисобига амалга оширилиши мумкин эмас.

Процессуал келишув тузилган ишлар юзасидан суд хатоларининг олдини олишга қаратилган кучайтирилган кафолатлар тизимиға қуйидагилар киради:

процессуал келишув тузилиши ишни судга қадар юритиш босқичида исботлаш предметининг қисқартирилишига асос бўлмайди ва тўлақонли суриштирув-тергов ўтказилиши шарт;

айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашнинг шартлиги (шу жумладан давлат ҳисобидан);

прокурор ва судга қонунда белгиланган ҳолларда жиноят иши юритувининг умумий тартибига ўтиш ваколати берилганлиги;

ишни судга қадар юритиш босқичида тўпланган далилларнинг айбловни тасдиқлашга етарли эмаслиги ҳукми бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос бўлиши мумкинлиги;

процессуал келишув асосида чиқарилган ҳукмнинг преюдиция кучига эга эмаслиги.

Келишув бажарилганлигини тасдиқлаш ЖПКнинг 586⁷-моддасига мувофиқ айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувга оид ишлар бўйича суд муҳокамасида прокурор келишувнинг мазмунини ўқиб эшиттиради, судланувчининг суриштирув ҳамда дастлабки терговга қўмаклашганлигини тасдиқлайди ва бу айнан нимада ифодаланганлигини тушунтиради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, судланувчининг суриштирув ҳамда дастлабки терговга қай тарзда қўмаклашганлиги ҳақида маълумотлар терговчида бўлади ва ушбу маълумотлар процессуал тартибда қандай қилиб прокурорга берилиши номаълум. Яъни,

ишни судга қадар юритиш босқичида келишув шартлари бажарилганлиги айнан қандай тартибда ва қайси процессуал ҳужжат билан расмийлаштирилиши қонун билан тартибга солинмаган.

Фикримизча, мазкур масала ЖПКнинг 380-моддасида тартибга солиниши, яъни айблов ҳулосаси иловасида судланувчининг суриштирув ҳамда дастлабки терговга қўмаклашганлиги тасдиқланиши ва бу айнан нимада ифодаланганлиги акс эттирилиши зарур.

ЖКнинг 57²-моддасида айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича тайинланадиган жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида (қисмида) назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Бирок, ЖКнинг 50-моддаси 6-қисмида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олти миш ёшдан ошган эркекларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилган.

Яъни, ЖКнинг 57²-моддасига кўра судланувчига максимал жазонинг 2/3 қисми (66%) жазо тайинланиши мумкин.

ЖКнинг 50-моддаси 6-қисмига кўра судланувчига максимал жазонинг 1/2 қисми (50%) жазо тайинланиши мумкин.

Агар, ЖКнинг 50-моддаси 6-қисми таъсирига тушмайдиган шахс келишув тузса, жазо бўйича 50 фоиз имтиёз олиши мумкин, мазкур модда таъсирига тушадиган шахс эса фақатгина 16 фоиз имтиёз олади. Мазкур ҳолат тенглик ва адолат тамойилларига мувофиқ келмайди ва шахснинг жиноят содир этгандан кейинги ҳуқ-атворини таъминлашга хизмат қилмайди.

Ташқаридан қараганда бу ҳолат меъёрлар рақобати (умумий ва махсус) сифатида кўринади, бироқ айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузилган жиноятлар бўйича ҳам ЖКнинг 57²-моддаси бўйича ҳам ЖКнинг 50-моддаси 6-қисмида кўрсатилган имтиёз қўлланилиши зарур.

Дониёр АЗИМОВ,

жиноят ишлари бўйича Қуйи Чирчиқ туман суди судьяси, Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Минимальные стандартные правила Организации Объединенных Наций, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних (Пекинские правила) Приняты резолюцией 40/33 Генеральной Ассамблеи от 29 ноября 1985 года//https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/beijing_rules.shtml.
2. Пашин С.А. Упрощенные уголовно-процессуальные формы и обеспечение прав человека в уголовном процессе // Юрист. 2008. № 1. URL:<http://journal.zakon.kz/203446-uproszhennye-ugolovno-processualnye.html>.
3. Тўлаганова.Г.З. Жиноят процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш имкониятлари. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2014.
4. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/.
5. Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция. <https://lex.uz/docs/2595913>.
6. Парламентская Ассамблея Совета Европы//Документы, принятые ассамблеей// <https://rm.coe.int/adoptedtexts-oct-18/16808ee4b9>.



**Хуршид
САФАРОВ,**
Ички ишлар
вазирлиги
Академияси
мустақил изла-
нувчиси

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА ТЕРГОВ ВА ЖИНОЯТ ИШНИ ҚЎЗГАТИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширувни амалга ошириш ва жиноят ишени қўзғатишнинг хусусиятлари баён этилган. Шунингдек, давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширувни ўтказишда учрайдиган муаммолар ва уларни бартараф этиш учун қонунчиликда меъёрлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат хариди, терговга қадар текширув, жиноят иши, жиноят ишени қўзғатиш, тергов ҳаракатлари.

АННОТАЦИЯ:

в статье описаны особенности расследования и уголовного преследования преступлений в сфере государственных закупок. Также разработаны законодательные нормы по устранению проблем, возникающих при расследовании преступлений в сфере государственных закупок и их ликвидации.

Ключевые слова: государственные закупки, доследственное проверка, уголовное дело, возбуждения уголовного дела, следственные действия.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ҳолатлари бўйича ишени судга қадар юритишнинг бирламчи босқичи терговга қадар текширув бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 320²-моддасига кўра, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига оладиган ишени судга қадар юритишнинг шакли ҳисобланади.

Давлат терговга қадар текширув ўтказиш ва жиноят иши қўзғатиш ваколатини ЖПКда келтириб ўтган тегишли ваколатга эга бўлган, маълум расмий органлар ва мансбдор шахсларнинг тор доирасига топширади. Давлат харидлари соҳасидаги қонун бузилишлари бўйича терговга қадар текширув ўтказиш тартиби қуйидаги ҳаракатлардан иборат: аризалар, хабарлар, жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши, жиноят ишени қўзғатиш сабаблари қонунийлиги ва асослари мавжудлигини аниқлаш мақсадида ЖПКда белгиланган айрим тергов ва процессуал ҳаракатлар ўтказилади ҳамда тўпланган ҳужжатлардан келиб чиқиб, жиноят ишени қўзғатиш, ишени қўзғатишни рад этиш, ариза ва хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорлардан бири қабул қилинади. Чунки, терговга қадар текширувда иш учун аҳамиятли, чекланган тергов ва процессуал ҳаракатларнинг ўтказилиши ишнинг кейинги босқичларида тергов тусмолларини тўғри тузиш ва режалаштиришда

алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар юзасидан исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш ва текшириш ҳам айнан терговга қадар текширув давомида бошланиши лозим. Бинобарин, давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш юзасидан терговга қадар текширувни ўтказиш чоғида аксарият ҳолатларда тафтиш ўтказилиши сабабли тафтишни ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи сифатида жалб қилиниши мумкин бўлган шахсларга оид маълумотлар, характери, шунингдек давлат харидлари соҳасидаги жиноятни содир этган шахслар доирасини аниқлаб, жиноят ишени қўзғатгандан сўнг дастлабки тергов давомида тактик усулларни белгилаб олиш мумкин.

Терговга қадар текширув юзасидан ҳуқуқшунослар томонидан турлича ёндашувлар мавжуд. Д.М.Миразовнинг фикрига кўра терговга қадар текширув жиноят процессининг бирламчи босқичи бўлиб, унда жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотлар текширилиши ва жиноят ишени қўзғатиш ёки қўзғатмаслик масаласи ҳал этилади. Ш.Ш.Файзиевнинг фикрига кўра, терговга қадар текширув жиноят иши қўзғатилишидан олдин амалга ошириладиган маълум бир ҳодисанинг жиноят ёки жиноят эмаслигини текширишга қаратилган айрим тергов ва процессуал ҳаракатлардир.

Д.Кенжабоевнинг фикрича, терговга қадар текширув жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни текшириш, уларни кўриб чиқиш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлган жиноят излари, нарсалар ва ҳаракатларни мустаҳкамлаш ва сақлашга доир чораларни ўз ичига олади. М.Г.Ковалева эса жиноят тўғрисидаги хабарда жиноят аломатларининг мавжудлигини аниқлаш учун ҳар қандай ҳаракатлар натижасида олинган маълумотлар асос бўлмасли-

гини қайд этиб, содир этилган воқеанинг ҳуқуқий характеридаги ноаниқликлар қонунда белгиланган терговга қадар текширув ҳаракатлари натижасида ўтказилиши шарт деб таъкидлаган.

Тадқиқотчи Б.Е.Есембетова жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш, жиноят процессининг мустақил дастлабки қисми бўлиб, унда алоҳида мустақил босқични тавсифловчи барча аломатлар мавжудлиги, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирувчи, терговчи иш материаллари бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан жиноят ишини қўзғатиш сабаблари қонунийлиги ва асослари етарли эканлигини текширишга қаратилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар тизими сифатида тан олиш лозимлигини таъкидлаган.

Юқоридаги фикрларни эътироф этган ҳолда давлат харидлари соҳасидаги қонун бузилишлари бўйича терговга қадар текширув босқичида нафақат давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги, бунинг натижасида давлат манфаатларига етказилган зарар миқдори аниқланганлиги ҳамда ўтказилган процессуал ҳаракатлар ҳамда тезкор-қидирув тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилганлиги натижасида тўпланган бўлиши лозимлигини таъкидлаймиз.

Зеро, жиноят ишинининг қонуний ва аниқ фактлар асосида қўзғатилиши дастлабки терговнинг тўлиқлигини, жиноятларнинг фош этилишини, айбланувчиларнинг аниқланиши, тегишли жиноий жавобгарликка тортилиши ҳамда адолатли суд қилиниб жазоланишини таъминлайди.

С.А.Новиков содир этилган жиноятнинг муҳим ҳолатларини айнан терговга қадар текширув босқичида аниқлаш имкони юзага келишини баён қилган. Н.Ф.Тютин эса терговга қадар текширувнинг аҳамияти катталигини таъкидлаб, жиноят ишини тергов қилиш босқичи каби унда ҳам жиноий ҳодисанинг муҳим тафсилотлари аниқланишини, О.Д.Алланазаров ишни судга қадар юритиш босқичида терговга қадар текширув ўтказишнинг тўғри ташкил этилиши ва олиб борилиши ишнинг кейинги босқичлари учун зарур бўладиган маълумотларни аниқланишига замин яратишини таъкидлаган.

Биз ҳам ушбу муаллифларнинг фикрига қўшилган ҳолда давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар бўйича терговга қадар текширувнинг тўлиқ ва ҳар томонлама ўтказилиши ишнинг кейинги босқичида далилларни ўз вақтида аниқлаш, олиш ва йўқ қилишининг олдини олиш, гумондорлар доирасини тўлиқ аниқлаш ҳамда етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилишига кўмаклашишини таъкидлаймиз.

Давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари юзасидан бирламчи материаллар баъзи ҳолларда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган режали ва режадан ташқари текширувлар, корхона ва ташкилотлар томонидан ички аудит текширувларида ўтказилган ҳужжатлар

асосида тўпланиб, ҳуқуқий баҳо бериш учун терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов органларига тақдим этилади. Тафтиш жараёнида тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан ҳужжатларнинг асли, ахборот ташувчи қурилмаларни ҳам олиб кўйиб иш ҳужжатларига қўшиш ҳолатлари учраб туради. Бу эса ишнинг кейинги босқичларида далилларнинг номақбул деб топилишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли назорат қилувчи органлар давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш бўйича маълумотлар келиб тушганидан сўнг, жиноят ишини қўзғатиш сабаблари қонунийлигини текшириб, асослар мавжудлиги аниқланганда жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этиши лозим бўлади.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни жиноий тажовузнинг предметида кўра қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

- *давлат пул маблағлари ва мол-мулкни талон-торож қилиш;*

- *давлат пул маблағлари ва мол мулкни мақсадсиз ва самарасиз сарфлаш;*

- *давлат харидлари юзасидан шартномаларни тузиш чоғида пора олиш (откат).*

Терговга қадар текширувда ушбу жиноий тажовуз предметларининг аниқланиши иш йўналишини тўғри белгилашга туртки бўлади. Чунки, ушбу уч ҳолатда ҳам терговга қадар текширувда олиб бориладиган тергов ва процессуал ҳаракатлар бир хил бўлмайди.

Терговга қадар текширув ҳамда жиноят ишини қўзғатиш босқичининг аҳамияти ҳодисанинг жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаб беришидадир. Шу билан бирга терговга қадар текширув давомида давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар юзасидан жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор қабул қилгунига қадар, бир қатор процессуал ҳужжатлар тузиш керак. Жумладан;

- *корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар ҳамда оммавий ахборот воситалари берган хабарларни белгиланган тартибда қабул қилиш;*

- *давлат харидлари юзасидан тузилган ҳужжатлардан нусхалар олиш;*

- *товарлар, ишлар ва хизматларнинг нархи, бажарилганлиги ва сифатини аниқлаш учун экспертиза тайинлаш ҳақида қарор чиқариш ва экспертиза ҳулосасини олиш;*

- *давлат харидлари жараёнида сотиб олинган товарлар, бажарилган ишлар ва хизматларнинг ҳақиқатда бажарилганлиги ва мавжудлигини аниқлаш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш ва далолатномасини олиш;*

- *давлат харидлари жараёнида сотиб олинган товарлар ва ишлар, хизматлар бажарилган ва жойлашган биноларни кўздан кечириб баённома тузиш;*

- *зарур ҳолларда тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарор чиқариш, тафтиш далолатномасини олиш;*

- *давлат харидларини амалга оширишда иштирок этган шахслардан тушунтириш хатларини олиш.*

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи аҳамиятли ҳисобланиб, қонуний асос ва сабабларга кўра қўзғатилган жиноят иши келгусида дастлабки терговни самарали олиб бориш, жиноят процесси иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

О.Д.Алланазаровнинг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айрим бандларидаги бўшлиқлар сабабли терговга қадар текширув даврида ўтказилиши лозим бўлган баъзи ҳаракатларни амалга ошириш имконияти чегараланган ёки тўлиқ тартибга солинмаган. Шунга ўхшаш фикрни Д.М.Миразов ҳам билдириб, терговга қадар текширув жараёнида амалга ошириладиган идоравий-процессуал назорат Жиноят-процессуал кодексига етарлича тартибга солинмаганлигини таъкидлаган.

Биз ҳам юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда давлат харидлари соҳасидаги қонун бузилиш ҳолатлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш босқичида юзага келадиган бир қатор муаммоларни ҳамда қонундаги бўшлиқларни келтириб ўтмоқчимиз;

— давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши юзасидан деярли барча ҳолатларда тафтиш ўтказилади. Аммо, тафтишни ўтказиш чоғида мутахассислар томонидан давлат харидларини амалга ошириш жараёнида тузилган ҳужжатларни ўрганиш зарурати юзага келганлиги сабабли ҳужжатлар олиб қўйилади. Аммо, Жиноят-процессуал кодексига терговга қадар текширувда ҳужжатларни олиб қўйиш ман этилганлиги тафтишнинг мукамал ўтказилишини йўққа чиқаради;

— давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолати юзасидан терговга қадар текширув жараёнида судга оид экспертизалар ўтказилиши мумкин. Хусусан, судга оид товаршунослик, қурилиш, иқтисодий экспертизаларни ўтказмасдан туриб, терговга қадар текширув жараёнида давлат харидлари соҳасида қонун бузилиши натижасида етказилган зарар, сифатсиз бажарилган иш ҳажмларини аниқлаш имконсиз. Шунингдек, давлат харидлари юзасидан

тузилган шартномаларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш учун хатшунослик, ҳужжатлар техник-криминалистик экспертизаларининг ўтказилишида ҳам қалбакилиги гумон қилинаётган ҳужжатларни олиш ва экспертиза тадқиқотида фойдаланиш учун намуналар тақдим этишга зарурат мавжуд. Аммо, Жиноят-процессуал кодексига кўра экспертиза текшируви учун терговга қадар текширувда намуналар олиш ман этилган. Бу эса экспертлар ва экспертизани ўтказиш учун масъул ваколатли органларнинг намуналарни олиш имконини чеклайди;

— давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолатлари юзасидан терговга қадар текширув ўтказилганда давлат харидларини амалга ошириш чоғида сотиб олинган товар-моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва хизматлар нархининг асослилигини, тўғри бажарилганлигини, сифати ва бошқа хусусиятларини аниқлаш учун корхона, муассаса ва ташкилотларнинг бино - иншоотлари, нарс ва ҳужжатларини кўздан кечириш, мутахассис ва экспертларнинг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларни ўрганиши учун бор имкониятларни яратиб беришни тақозо этади. Ушбу ҳолат бир қарашда барча томондан қонун ҳужжатлари билан тартибга солингандек кўринади. Аммо, терговга қадар текширув жараёнида қонун ҳужжатларида қарама-қаршилиқлар мавжудлигини учратишимиз мумкин. Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 139-моддасига асосан терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириши мумкин. Мабодо фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Турар жойи кўздан кечириладиган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади. Шунингдек, ЖПКнинг кўздан кечиришни тартибга солувчи Жиноят-процессуал кодексининг 135-141-моддаларида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси барча турдаги кўздан кечиришларни амалга ошириши мумкинлиги айtilган. Терговга қадар текширувни амалга ошириш чоғида ўтказиладиган тергов ҳаракатларини тартибга солувчи Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасида эса терговга қадар текширув давомида фақатгина ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш мумкинлиги қайд этилган. Ушбу ҳолат эса ишни судга қадар юритиш органлари томонидан турлича шарҳланишига олиб келади.

Юқоридаги муаммо ва қонундаги бўшлиқлардан келиб чиқиб, Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси 2-қисмига терговга қадар текширув давомида олиб қўйиш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, барча турдаги кўздан кечиришларни ўтказиш мумкинлигини киритишни таклиф этамиз.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноят ишини суриштирувчи, терговчи ва прокурор қўзғатиши мумкин.

*Оғдий фикрла, оғдий қабул қил ва оғдий яша!
Чунки ҳақиқат ҳам жуда оғдийдир.*

Жалолиддин РУМИЙ

Аксар ҳолларда давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни содир этган шахс жиноят иши қўзғатилганидан сўнг аниқланади. Аммо, жиноят ишини қўзғатиш чоғида давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини тадбиркорлик субъектлари мансабдор шахслари тил бириктириб содир этилганлиги ҳолати аниқланганда тадбиркорлик субъектига нисбатан ЖПКнинг 331-моддаси тартибида Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорларининг розилиги билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарининг розилиги билан қўзғатиш шарт ҳисобланади.

Тергов ҳаракатлари фақатгина далилларни тўплаш ва текширишга эмас балки, далилларни аниқлашга ҳам қаратилган элементларни ўз ичига қамраб олган бўлиши, шунингдек тергов ҳаракатларининг субъекти сифатида амалиётда тергов ҳаракатларини ўтказиб келаётган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ҳам назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар бўйича жиноят ишини қўзғатишда тезкор-қидирув тадбирларининг ҳам ўрни катта. Чунки, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш пайтида харидларни амалга ошириш чоғида ўзаро тил бириктирган шахслар, жиноий йўл билан топилган пул маблағлари ҳисобига орттирилган мол-мулклар, сохта ҳужжатлар сақланаётган жой ҳақидаги тезкор маълумотлар олинса, келгусида жиноят ишини қўзғатгандан сўнг тергов тусмолларини тўғри тузиш ҳамда ашёвий далилларни ўз вақтида аниқлаб олишга замин яратлади.

Аксинча, жиноят ишини қўзғатишнинг кечиктирилиши жиноят изининг йўқолишига, иш ҳолати юзасидан тегишли сўроқ қилинувчи гувоҳларнинг кўп нарсаларни унутишига, терговнинг мураккаблашишига сабаб бўлади. Бу эса аксар ҳолларда самарасиз натижаларга олиб келади. Терговга қадар текширувнинг тезкорлик билан амалга оширилмаслиги терговга қадар текширув муддати яқунлангунга қадар бирор-бир самарага эришилмасдан жиноят ишини асоссиз қўзғатишнинг рад этилишига олиб келади.

Давлат харидлари соҳасидаги жиноятлар ҳақида берилган ариза, хабарлар ёки мансабдор шахслар томонидан бевосита аниқланган ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатмаслик:

- *жиноят иши (ҳолати)ни яшириш;*
- *далилий манбалар ва ашёларнинг йўқолиши;*
- *фуқароларда давлат идоралари органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан ишончсизликнинг юзага келиши;*
- *давлат маблағларининг талон-торож қилиниши ва мақсадсиз ишлатилиши ҳолатлари ҳамда коррупциянинг ортиши;*
- *жиноят иши бўйича ҳақиқатнинг аниқланмай қолиши каби салбий оқибатларга олиб келади.*

Бунинг натижасида давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни содир этувчи шахслар ўзларининг қилмишларини давом эттириб, янги жиноятларини амалга оширадилар ва ушбу турдаги жиноятлар сонининг ортиши, мамлакатга келаётган инвестицион оқимнинг чекланиши ҳамда давлатнинг иқтисодий обрўйига ҳам путур етказадилар.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидлари соҳасидаги жиноятларни тергов қилишнинг самарадорлиги терговга қадар текширувнинг сифатли ва қонуний асосларга кўра амалга оширилишига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида ушбу соҳадаги жиноятларнинг асоссиз очилмасдан қолишининг олдини олиб, давлат харидларини амалга ошириш чоғида содир этилган талон-торожликлар, суиистеъмолликлар, олдиндан тил бириктириш ва порахўрлик каби қилмишларни фош қилишга, келгусида айбдор шахслардан давлат манфаатларига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишига ҳамда қонун устуворлигини таъминлаган ҳолда давлат маблағларининг самарали ишлатилишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ю.Пўлатов, Современные признаки организованной преступности// Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш муаммолари. – Т.1999. - С. 10.
2. Ўзбекистон Республикаси ЖПКга шарҳлар. -Т.: Адолат, 2000. –Б. 464.
3. Жиноят-процесси махсус қисм/ З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Т. 2003. – Б. 6.
4. М.Г.Ковалева. Возбуждение уголовные дела и обеспечение его законности и обоснованности: Дис. канд. юрид. наук. СПб., - 2005. - С. 13.
5. М.Ражабова. Жиноий жазоларни лебераллаштириш илмий ва амалий таҳлил- Т.,- 2005. –Б. 95-96.
6. С.А.Новиков, Материалы доследственной проверки и доказывании по уголовным делам: актуальные проблемы и новые подходы// Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. – 2013. –№3. (59).
7. Н.В.Тютинина Проблемы рассмотрения сообщений о преступлениях органами дознания ФССП России// Вестник ОГУ. – 2013. –№3. (152).
8. Д.М.Миразов. Терговга қадар текширув ўтказиш асослари, тартиби ва хусусиятлари./Ўқув қўлланма. –Тошкент-2016. 57-б.
9. Д.М.Миразов, Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, таъкилий ва процессуал жиҳатлари. Юрид. фан. д-ри... дис. автореф.–Т., 2016.
10. Д.Кенжабоев, А.Матмуродов./ Жиноят-процессуал қонунчилигида терговга қадар текширув институти: таҳлил ва такомиллаштириш масалалари. Юридик фанлар ахборотномаси 2-сон 2018. – Б. 121.
11. Ш.Ш.Файзиев. Суриштирув органлари фаолиятини модернизациялаш. Юрид.фан.д-ри.дис.автореф.–Т., 2019.
12. Қаранг: Ражабов Б.А. Жиноят процессида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019. – Б. 7-9, 81-83.
13. Я.А.Абдулхаков, Одам савдоси жиноятларини тергов қилишнинг хусусиятлари. Юрид. фан. фалсафа. д-ри... дис...я –Т., 2019. – Б. 66.
14. О.Д.Алланазаров, Вояга етмаганлар жиноятлари бўйича терговга қадар текширувни ўтказишни такомиллаштириш масалалари. ИИБ Академияси Ахборотномаси Т-2020. №2(45) – Б. 78.
15. Б.Е.Есембетова. Қасддан баданга шикаст етказиш жиноятлари бўйича терговга қадар текширув ўтказишни такомиллаштириш масалалари. «Хавфсизлик масалалари» илмий жўрнали. 2021 й. 3-сон, - Б. 51.



Оттабек ТОШЕВ,
ТДЮУ мустақил
изланувчиси

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВНИНГ ЯРАШУВ ВА МЕДИАЦИЯ БИЛАН ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

АННОТАЦИЯ:

мақолада айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув тушунчаси, ушбу келишувнинг ярашув ва медиация институтлари билан қиёсий таҳлили, ушбу процессуал шаклларнинг ўзига хос ижобий ва салбий жиҳатлари ўрганилган. Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув, ярашув ва медиация битимларини тузишда суднинг, тарафлар ва ҳолис (медиатор)нинг роли ҳамда ушбу келишувлар моҳияти, медиация келишувини жорий этиш борасида олимларнинг фикрлари ўрганилиб, муаллифнинг илмий ва амалий хулоса ва таклифлари берилган.

Калит сўзлар: айб, айбга иқдорлик, ярашув, медиация, процессуал келишув, прокурор, айбланувчи, судланувчи, медиатор.

Тарихан мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисмини ислом динига эътиқод қилувчи кишилар ташкил этиб қадимдан тарафлар ўртасидаги турли келишмовчилик ва низоларни ўзаро муроа йўли билан ҳал этишга эътибор бериб келинган. Зеро, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ислом тамойиллари одамлар ўртасидаги муносабатларни енгилаштиришга хизмат қилган ва тарафларни юзага келган низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга, кечиримли бўлишга чақирган.

Келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш асосан: муроага келтириш (сулҳ); ҳакамлик; воситачилик (медиация) орқали амалга оширилган. Ўз навбатида муроага келтириш, яъни сулҳ - тарафлар ўртасида ўзаро манфаатли шартлар асосида низоли бартараф этишга қаратилган аҳдлашув ҳисобланган.

Айбга иқдорлик тўғрисида келишув ҳозирги кунда жаҳон амалиётида соддалаштирилган суд иш юритуви институти деб номланиб, унга жуда кўплаб турфа хил институтлар киришини айтиш жоиз.

Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг бир тури сифатида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиб жиноят ишини тугатиш учун асос бўлади. Жиноят кодексида назарда тутилган айрим моддалар бўйича жабрланувчи ва ҳуқуқбузар шахс ўртасида келишувга эришиш жиноят ишини тугатишга олиб келади.

Мамлакатимиз суд амалиётига ярашув институтининг жорий этилиши Асосий қонунимиздаги инсонпарварлик тамойилларига мос суд-ҳуқуқ тизими ислохотларидан бири бўлди. Чунки, ушбу институт замирида айбдорни муқаррар жазога тортиш эмас, балки унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўлни топиб олиши учун имкон бериш каби инсонпарварлик тамойили мужассам.

Ярашув институти шахснинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарлик натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишда ҳам алоҳида ўрин тутди. Шу боис ярашув институтининг жиноят қонунчилигига жорий этилгани фуқаролар, айниқса, қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилар ўртасида келиб чиқа-

диган салбий муносабатларни муроаю мадора йўли билан ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Ярашув жамиятда судланганлик ҳолатини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар тақдирига ҳам таъсир ўтказадиган оқибатларини бартараф қилиш имконини беради. Статистик маълумотларга кўра 2022 йилнинг 6 ойи давомида республика судлари томонидан ярашув институти 3 535 шахсга нисбатан қўлланилган ва қўзғатилган жиноят ишлари тугатилган.

Эътиборли томони шундаки, бугунга келиб амалдаги қонунчилигимизда огир ёки ўта огир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган шахслар ҳам, агар жабрланувчи билан ярашса, жиноий жавобгарликдан озод қилиниш имконига эга бўлди.

Амалдаги жиноят қонуни меъёрларига мувофиқ, ярашув институтини қўллаш учун:

- 1) содир этилган жиноий қилмиш Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган бўлиши;
- 2) жиноят содир этган шахс, яъни гумон қилинувчи ёки айбланувчи айбига иқдор бўлиши;
- 3) жабрланувчига етказилган зарар бартараф қилинган бўлиши;
- 4) жабрланувчи билан гумон қилинувчи (айбланувчи) ярашган, яъни жабрланувчи айбдорни кечиргани бўлиши каби шартлар бажарилган бўлиши лозим.

Ушбу шартлардан бирортасининг бажарилмаслиги жиноят иши бўйича ярашув институти қўлланишини истисно этади. Жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи билан ярашган тақдирдагина жиноят иши Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблили ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкин. Бинобарин, ярашув институти деганда жабрланувчининг айбдорни кечиршигина эмас, балки жиноят содир этган шахсга нисбатан дастлабки билдирилган талаб ва даъволаридан воз кечишини ҳам тушуниш лозим.

2021 йил 18 февралдан бошлаб Ўзбекистон миллий процессуал қонунчилигида айбга иқдорлик тўғрисида келишув институти амалиётга жорий этилди. Жиноят-процессуал

қонунчиликка жорий этилган айбга иқдорлик тўғрисидаги келишувнинг бош мақсади — давлат айбловчиси айбланувчининг содир этган жиноятига иқдорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шу билан бирга кўплаб сансалорликларга сабаб бўладиган узоқ давом этувчи суд жараёнларини қисқартиришдир.

Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув гумонланувчи (айбланувчи) ва прокурор билан тузилади. Бунда гумонланувчи (айбланувчи) жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим. Бундай келишувлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади.

Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти, айрим олимларнинг фикрича, муайян салбий жиҳатларга ҳам эга. Бу омиллар жиноят процессини юритувчи мансабдор шахслар, жумладан, тергов органларининг айбни “ҳар қандай ҳолатда тан олдиришга интилиши” натижасида айбланувчи ўзини ўзи ёлғон айблаш ҳолати, айбсиз инсоннинг айбланувчига айланиб, жиноят содир этган шахснинг жазосиз қолиб кетиши, шунингдек, содир этилмаган жиноят учун айблов эълон қилиш ҳолатларида намоён бўлади.

Айнан айбланувчи томонидан айбнинг тан олиниши суд муҳокамасидан воз кечганини билдиради. Мазкур келишув айбланувчига бир қатор юридик имтиёзлар беради. Яъни:

- айблов доирасининг қисқартирилиши, ундан айрим эпизодларнинг чиқарилиши ва малакалашнинг енгилроқ томонга ўйналтирилиши;
- жазонинг ҳажми, миқдори ва ўташ тартибининг қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроғи билан алмаштирилиши.

Бундай тажрибани айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, Озарбайжон (ЖК 59-м. 1-қ. 10-б.), Грузия (ЖК 53-м. 3-қ.), шунингдек Польша давлатларининг жиноят қонунларида жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида белгилаб қўйилган.

Бу янгилеклардан бири - жиноят процессида келишув билан мазмун жиҳатдан маънодош ҳисобланадиган медиация институтидир. “Mediation” атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси – “келишиш, тинчликка эришув” деган маъноларни англатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 июлдаги “Медиация тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг 4-моддасида медиация тушунчасига қуйдагича таъриф берилган: “келиб чиққан низони тарафларнинг ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули”. Шундан англаш мумкинки, медиация деганда оила, жиноят, иқтисодий, корпоратив ва бошқа қонунчиликлардаги низоларни ҳал этиш усулини тушунишимиз мумкин.

Жиноят процессида эса ярашув институти аввалроқ қонунчиликда ўз аксини топган. Шу ўринда айтиш жоизки, хорижий давлатларда ярашув институти медиация деб аталади. Медиация жиноий низоларни ҳал қилишнинг алтернатив (судга қадар бўлган) усулларида бири бўлиб, у ривожланган давлатларда ADR (alternative dispute resolution) номи билан машҳур. Бу борада хорижий дав-

латлар тажрибасини кўздан кечирадиган бўлсак, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексида медиация институти 2011 йилда жорий қилинган бўлиб, унга “медиатор – бу қонун талабларига мувофиқ медиация ўтказиш учун тарафлар жалб қиладиган мустақил шахс”, – деган тушунча киритилган. Ушбу давлатда медиатор фаолиятини олиб бориш учун шахс олий маълумотли, йигирма беш ёшга тўлган, Қозоғистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган ва медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича ўқув курсини тугатганлигини тасдиқловчи ҳужжати (сертификати)га эга бўлган бўлиши керак.

Грузияда медиация жараёнини амалга оширишга Адлия вазирлиги махсус курсларида ўқитилган педагоглар ва психологлар орасидан ходимлар танлаб олинади. Германияда медиаторлар тўғридан-тўғри судларда ишлайди, бу ҳолат суд жараёнлари сонини сезиларли даражада камайтиради. Бу ерда мавжуд бўлган кўпгина юридик мактабларида доимий медиаторлик курслари мавжуд ҳамда “Интеграциялашган медиация бўйича Халқаро Ассоциация” ташкил қилиниб ўз фаолиятини муваффақиятли амалга оширмоқда.

Ушбу концепция “тиқловчи одил судлов” ҳам деб аталади. У АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа бир қатор ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган.

Медиация институти кўплаб хорижий мамлакатларда ўтган асрнинг 70-80-йилларида янги атама сифатида пайдо бўлди. Европа мамлакатларидан Францияда биринчи медиатор – 1973 йилда тайинланган бўлиб, бу Швециядаги Омбудсманга ўхшаш институт бўлган. Дастлаб Францияда медиацияга ишончсизлик билан қаралган. Бироқ, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб низоларни ҳал этишнинг мазкур усули афзалликларни тушунилиб, уни қўллаш кенг жорий қилина бошланди.

1994 йилда Америка Қўшма Штатлари Федерал ҳукумат томонидан қабул қилинган “Медиация фаолияти ва медиаторлар учун одоб-ахлоқ қоидалари” деб номланган қонунга назар ташласак, медиациянинг асосий хусусиятлари қуйдагилардир:

- медиация тарафлар томонидан тартибга солинадиган, мажбурлов жараёни ҳисобланмайди;
- медиация тарафлари қарор қабул қилишга мажбур этилмайди. У воситачилик, тўғриворчи, низони ҳал қилишда тарафларга хизмат кўрсатувчи шахс ролини бажаради;
- медиация – яширин, ошкор қилинмайдиган жараён;
- махфийлик тарафларга музокараларнинг ошкор қилинишини истисно қилган ҳолда, эркин ва натижалли тарзда ҳал қилинишини таъминлайди;
- медиация – тарафларнинг ўзаро манфаатларига асосланган жараён;
- медиацияда тарафлар ўзларининг шахсий иш манфаатларига ҳам амал қилишади. Шу тарзда, тарафлар келажақдаги иш фаолиятларига қаратилган, шу жумладан ўтмишдаги муносабатларни ҳам ҳисобга олган натижани эркин тарзда танлаш имкониятига эга бўладилар.

Медиация институтининг мақсади – низолашувчи тарафларнинг низоларини мустақил, ўзаро фойдали ҳал этиш

имкониятини топишга кўмаклашишдан иборат бўлиб, унинг асосий тамойилларига ихтиёрийлик, тарафларнинг тенглиги, бетарафлик, медиаторнинг холислиги, махфийлик кабилар киради. Медиация жараёни музокаралардан иборат бўлиб, унинг муваффақияти нафақат тарафларнинг келишмовчиликларини ҳал этишга бўлган иродаси ва интилиши, балки медиаторнинг тажрибаси ва маҳоратига ҳам боғлиқ.

Холис учинчи шахс - медиатор аслида судья эмас, балки у тарафларни муроасага келтирувчи, бетараф шахсдир. Медиатор вужудга келган низо юзасидан ҳеч қандай мустақил қарор ёки мажбурий ҳужжат қабул қилмайди, балки у тарафларга низонинг ўзаро фойдали ечимини топишга ёрдам беради, холос.

Айбга иқдорлик бўйича келишув ва ярашув институтларининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Яъни, иккала ҳолатда ҳам миллий қонунчилигимизга асосан жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар бу жараёнда иштирок этади ва гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан етказилган зарарнинг бартараф этилгани ҳолатига ойдинлик киритилади.

Бироқ, ярашув институтида келишув судланувчи ва жабрланувчи ўртасида амалга оширилса, айбга иқдорлик бўйича келишувда айбланувчи ва давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишув тушунилиши лозим.

Шунингдек, медиация институтидан фарқли ўлароқ, ярашув ва айбга иқдорлик жараёни давлат органлари томонидан амалга оширилади. Суриштирув, дастлабки тергов вақтида ва кейинчалик суд томонидан тасдиқланади, яъни ярашув, айбга иқдорлик институтлари иштирокчилари давлат ва ҳуқуқбузарлардир. Медиация жараёнида эса содир этилган жиноят бўйича муроасага келиш учун асосий ролни тарафлар - жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўйнайди.

Ярашув суд қарори билан расмийлаштирилса, медиация институтида жабрланувчи ва ҳуқуқбузарнинг ярашиш истаги етказилган зарарни ундириш ҳақида ёзма шартнома тузишда намоён бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб мавзу юзасидан бир қанча таклифлар бериш мумкин:

– **биринчидан**, айбга иқдорлик ва ярашув – бу процессуал келишув бўлиб, терговчи, прокурор, судья ва айбланувчи (судланувчи) ёки айбланувчи (судланувчи) ва жабрланувчи ўртасидаги келишув ҳисобланса, медиация келишуви жабрланувчи ва айбланувчи ёки гумон қилинувчи ўртасидаги процессдан ташқари келишуви, яъни қонунчилик тили билан айтганда ярашув дейишимиз мумкин.

– **иккинчидан**, процессуал келишув институти тергов ва суд органлари доирасида намоён бўлиб, асосан давлат идорасида ҳосил бўлса, медиация келишуви янгича, замонавий шаклда бўлиб, жиноятга қарши курашда ўзгача қарашни, жабрланувчи ва жамият аъзоларининг ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклашда иштирок этишлари, юзма-юз суҳбат куриш учун имкониятга, музокарага, муаммони ечишга қаратади.

– **учинчидан**, жиноят ва жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига медиация институти жорий этилиши нафақат судлар ва пробация хизматига юкни сезиларли даражада камайтиради, балки ижтимоий

хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлари учун судланганлар сонини камайтиради.

– **тўртинчидан**, ярашув ва айбга иқдорлик институтлари қўлланилиши мумкин бўлган амалдаги жиноят таркибларида зарар жабрланувчи (жисмоний шахс)га, айримларида эса (масалан, ЖКнинг 179, 185² ва бошқа моддаларида) давлат ва жамият манфаатларига етказилиши мумкин.

Бироқ, ярашув ва айбга иқдорлик институтларини қўллаш шарти сифатида «жабрланувчи билан ярашиш» белгиланган бўлиб, жабрланувчи юридик шахс бўлганида мазкур институтни қўллаш шартлари назарда тутилмаган.

Шу сабабли ЖКнинг 66¹-моддасини **“Жиноят содир этилиши натижасида юридик шахс манфаатларига зарар етказилган ҳолларда, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқдор бўлса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади”** мазмунидаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Reform in criminal Procedure by Everett P.Wheeler, Source: Columbia Law Review, Vol.4, No.5 (May, 1984), pp. 356-363, published by Columbia Law Review Association, Inc., Stable Url: <http://www.jstor.org/stable/1109459>.
2. Tony F. Marshall, Results of Research from British Experiments in Restorative Justice, in Criminal justice, restitution, and reconciliation 96-100 (Burt Galaway & Joe Hudson eds., 1990).
3. Tony F. Marshall, Results of Research from British Experiments in Restorative Justice in criminal justice, restitution, and reconciliation // 83, 83-86 (Burt Galaway & Joe Hudson eds., 1990).
4. The Model Standards of Conduct for Mediators, 1994-American Bar Association's Section of Dispute Resolution, Act 24/56, 1994.
5. Criminal Justice social network development center for Scotland, Briefing paper 4, April 2002, Crime and Restorative Justice, Bill Whyte, pp.4-8.
6. Alternative dispute resolution or Restorative justice, The Thai Experience pp. 1-4., by Dr. Kittipong Kittayarak, New York City, 2003.
7. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. — Т., 2005. — Б. 186.
8. Ўзбекистон юридик энциклопедияси - Т.: Адолат, 2010. - 704 б.
9. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. — Т., 2011. — Б. 360.
10. Бердиев Ш.Б. Ярашув институти - унга оид қонун нормаларини қўллаш муаммолари—// Huquq va burch, 2012, №5. Веб манзил: www.huquqburch.uz.
11. Бюллетень Федерального Института медиации.Издательство “Межрегиональный центр управленческого и психического консультирования” Москва.2014.С.146.
12. Д. Ю. Пайзиев. Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институти кенгайтириш масалалари // ИИБ Академиясининг ахборотномаси. 2017- й. № 3. Б.21.
13. Д.Ж.Суюнова. Жиноят-процессда медиация институти ва унинг Ўзбекистондаги истиқболлари // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили / Uzbek law review / Обзор законодательства Узбекистана - 2020 №1 – Б.25.
14. <https://hordiq.uz/2021/04/07/qonunchilikdagi-yangi-institut-aybga-iqrorklik-buyicha-kelishuv/>.
15. <https://t.me/uznews>.
16. Казахстанский Центр Медиации // <http://kazmediation.kz>, <http://www.медиаторы.kz>.
17. The British Ambassador, Mr. Phil Batson supports alternative dispute resolution methods // <https://www.gov.uk/government/world-locationnews/supporting-jus>
18. <http://www.jstor.org/discover/10.2307/41633831/American> Academy of Political and Social Science//Reform in Criminal Procedure by Hon Everett and P. Wheeler, pp. 185-189, New York City.

СУД ХУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТМАГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК: ТАРИХ ВА БУГУН

АННОТАЦИЯ:

мазкур мақолада муаллиф суд ҳужжатларини ижро этмаганлик учун жавобгарлик белгиланишининг ижтимоий зарурати ва жиноят қонунчилиги меъёрларининг ривожланиш тарихига хос хусусиятларни ёритган.

Муаллифнинг қайд этилишича суд давлатнинг одил судловни амалга оширувчи ягона ҳокимиятидир. Одил судловни амалга ошириш жараёнида эса суд томонидан чиқарилган ҳужжатларнинг ижро этилиши муҳим аҳамият касб этади. Ана шу вазифани амалга ошириш жараёнида суд томонидан қабул қилинган ҳужжатларни ижро этмаслик, жамиятда суд тизимининг нуфузига путур етказилиши билан биргаликда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга мурожаат қилувчи шахсларнинг шахсий ишончи йўқолишига ҳам олиб келади.

Калит сўзлар: суд ҳужжати, ижро этмаслик, жавобгарлик, хорижий тажриба, ижтимоий ҳавфлилик даражаси, ўзбошимчалик, юридик куч, одил судлов.

Суд давлатнинг одил судловни амалга оширувчи ягона ҳокимиятидир. Одил судловни амалга ошириш жараёнида эса суд томонидан чиқарилган ҳужжатларнинг ижро этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролар ўзларининг бузилган ҳуқуқлари юзасидан судга мурожаат қилганда суд томонидан чиқарилган ҳар бир ҳужжат ижро этилмас экан бу нарса суднинг нуфузига путур етказиш билан бирга фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг бузилишига ҳам олиб келади. Чунки, суд қарорларини ижро қилиш фуқароларнинг бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳал қилувчи босқичи ҳисобланади.

Суд ҳужжатларини ижро этмаслик ижтимоий ҳавfli қилмиш бўлиб, Жиноят кодексининг 232-моддасида унга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган. Юридик адабиётларда суд ҳужжати деганда тегишлича умумий юрисдикция суди ёки хўжалик суди томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган (суд буйруғи, ажрим, қарор, ҳал қилув қарори, ҳукм), шунингдек ҳакамлик судлари ва чет давлат судларининг ҳал қилув қарорлари асосида белгиланган тартибда ижро варақалари тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 7-сонли қарорида қайд этилганидек, суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш, унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш давлат ва жамоат манфаатларига зарар етказиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари тикланишига қаратилган фаолиятга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун Жиноят кодексининг бир

қанча моддаларида суд ҳужжатини бажаришдан бўйин товлаш ва унинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ қатор жиноятлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Одил судловни тўлиқ ва мустақил тарзда амалга ошириш учун тегишли суд ҳужжатларининг ўз вақтида самарали ижро этилиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, суд ҳужжатларини ижро этмаслик одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилади, шунингдек ижтимоий ҳавfli қилмиш ҳам саналади. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексида одил судловга қарши жиноятлар алоҳида бобга ажратилишининг сабаби ҳам, одил судлов органлари фаолиятини давлат ҳамда жамият учун ўта зарурлиги ҳамда уни жиноий тажовузлардан алоҳида муҳофаза этиш зарурияти билан изоҳланади.

Ишнинг мазмунан ҳал этилишини белгилайдиган суд ҳужжатлари, яъни ҳал қилув қарори, ҳукм ва қарорлар чиқариш орқали судлар ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришади ва давлат-ҳуқуқий ваколатларини амалга оширадilar. Агарда суд томонидан чиқарилган ҳужжатлар амалда ижро этилмаса суд одил судловни амалга оширувчи орган сифатида ўзининг ҳақиқий вазифасини тўлиқ бажармаган бўлади.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудида VIII асрдан XX асрнинг 20-йилларигача суд ишлари шариат ҳукмларига асосланган ҳолда юритилган. XI-XIV асрларда мамлакатимиз ҳудудида фаолият юритган қозихоналарда бир неча турдаги юридик ҳужжатлар амалда бўлган. Мисол учун **мазҳаб** – қозилик маҳкамаси иш жараёнида юритилиб бориладиган ҳужжат бўлиб, унда фақат маҳкамада иштирок этувчи томонлар даъволари ва жавобгарнинг даъвога муносабати ҳамда гувоҳларнинг мазкур даъво юзасидан берган кўрсатмалари қайд этилиб қўйилган. **Сижил** – қозининг ҳукми

ёзилган расмий ҳужжат бўлиб, унда кўтарилган даъволар, қозининг ҳукми қайси ҳудудда ижро қилиниши қайд этилган.

Шариат ҳукмлари асосида қози томонидан тайинланган жазо, чиқарилган қарорлар дарҳол ва сўзсиз ижро этилганлиги боис, уларни ижро этмаганлик ёки ижро этилишига тўсқинлик қилганлик учун шариатда жавобгарлик назарда тутилмаган.

Ўтган аср 20-йилларининг иккинчи ярмидан бошлаб мамлакатда бир қанча соҳалар бўйича кодекслар қабул қилинди. Жумладан, 1923 йилда қабул қилинган РСФСР Гражданлик-процессуал кодексида фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларини ижро этиш қоидалари белгилаб берилди.

РСФСРнинг 1922 йилги биринчи Жиноят кодексида одил судловга қарши жиноятларга бағишланган мустақил боб бўлмаган. 1926 йил 16 июнда қабул қилинган ЎзССР Жиноят кодекси 292 моддадан иборат бўлиб, Умумий ва Махсус қисмларга бўлинган. Мазкур кодекснинг Махсус қисми 10 та бобдан ташкил топиб, бунда ҳам “одил судловга қарши жиноятлар” тўғрисида махсус боб бўлмаган. Лекин, одил судловга қарши жиноятлар ЎзССР Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли бобларида назарда тутилган. 1939 йил 1 октябрдаги ЎзССР Жиноят кодексининг янги таҳририда ҳам одил судловга қарши жиноятлар юқоридаги сингари алоҳида боб сифатида киритилмаган эди. Суд ҳужжатини ижро этмаслик давлат бошқарув органларининг меъёрий фаолият юритишига, давлат манфаатларига қарши жиноятлар ҳамда мансаб билан боғлиқ жиноятлар таркибига кирган. Кейинчалик 1959 йил қабул қилинган ЎзССР Жиноят кодексининг 7-боби “Одил судловга қарши жиноятлар” деб номланган бўлсада, мазкур бобда ҳам “суд ҳужжатини ижро этмаслик” учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи махсус модда мавжуд эмас эди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (1995 йил 1 апрелдан кучга кирган) XVI бобида одил судловга қарши жиноятларнинг турлари кўрсатилган. Дастлаб ушбу бобнинг 232-моддаси “Суд қарорини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик” деб номланиб, унинг таркиби “Мансабдор шахснинг суд ёки судьянинг ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарорини қасддан бажармаслиги ёхуд уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилиши” деб белгиланиб, бундай қилмиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган. Кейинчалик мазкур модданинг номи “Суд ҳужжатини ижро этмаслик” деб ўзгартирилди. Бизнинг фикримизча, ушбу модда номининг ўзгартирилиши тўғри бўлган, чунки суд ҳужжати суд қарорига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, ўз ичига судлар томонидан чиқариладиган барча ҳужжатларни қамраб олади. Суд қарори деганда эса кўпинча судлар томонидан чиқариладиган қарор тушунилади, холос.

Суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида 2001 йил 22 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси судлар фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди ва Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Шунингдек, 2009 йил 14 январда Парламентимиз томонидан “Ижро иши юритиш такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун соҳага оид муҳим ҳужжатлардан бири бўлди. Чунки, мазкур қонун қабул қилиниши натижасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, ҳамда соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, ушбу соҳадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бундан ташқари, 2009 йил 14 январдаги қонунга асосан, Жиноят кодексини 232-моддасининг номи янги таҳрирда, яъни “суд ҳужжатини ижро этмаслик” тарзида қабул қилинди ва унинг мазмуни ҳам тубдан ўзгартирилди. Шунга кўра ЖК 232-моддасининг илгарги таҳрири билан ҳозирги янги таҳрири орасида қуйидаги фарқлар юзага келди:

биринчидан, мазкур модданинг илгарги таҳрири бир қисмдан ташкил топган эди, киритилган ўзгартиришларга мувофиқ эса ушбу модда таркиби икки қисм қилиб белгиланди;

иккинчидан, Жиноят кодекси қабул қилингандан кейин дастлаб ушбу модда бўйича фақат мансабдор шахслар жавобгарликка тортилган бўлса, эндиликда жисмоний шахсларнинг ҳам жиноий жавобгарлиги белгиланди.

учинчидан, мазкур модданинг аввалги таҳрирдан яна бир муҳим фарқи шундаки, дастлаб суд ҳужжатини ижро этмаганлик учун субъект тўғридан-тўғри жиноий жавобгарликка тортилган, мазкур моддага киритилган ўзгартиришга мувофиқ эса ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса жиноий жавобгарлик юзага келади. Яъни жисмоний ёки мансабдор шахс дастлаб суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддалари бўйича маъмурий жавобгарликка тортилади, сўнгра ушбу ҳаракатларни яна қайтадан содир этса жиноий жавобгарликка тортилади.

Бугунги кунга келиб мазкур модда такомиллаштирилиб, 232-модда биринчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-762-сонли қонуни билан ўзгартирилди. Яъни, ушбу моддадан “шунингдек суд ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилиш” жумлалари чиқарилиб, бу турдаги қилмиш алоҳида мустақил жиноят таркиби сифатида белгиланди.

Шунингдек, ЎРҚ-762-сонли қонунга асосан 232¹-модда (суд ҳужжатларини ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралаштириш) суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш жараёнига аралаштириш, яъни ижро ҳужжатининг ижро этилишига тўсқинлик қилишни ёки давлат ижрочисига турли шаклда қонунга ҳилоф равишда таъсир ўтказишни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин давом эттирганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Мазкур моддада назарда тутилган қилмишларнинг мансабдор шахс томонидан содир этилиши жазони оғирлаштирувчи белги сифатида назарда тутилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, суд ҳужжатларини ижро этмаслик учун жиноий жавобгарлик белгила-нишининг ижтимоий зарурати қуйидаги мезонларда намоён бўлади:

– суд ҳужжатининг ижро этилмаслиги судлар томонидан одил судловни амалга оширишга тўсқинлик қилади, шунингдек, фуқароларнинг конституция ва қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига олиб келади ҳамда жамият ва давлат манфаатларига зарар келтиради;

– суд ҳужжатининг ижро этилмаслиги уларнинг самарадорлигини пасайтиради ва суд ҳокимияти томонидан чиқарилган ҳужжатларнинг таъсирчанлигига путур етказиши;

– суд ҳужжатларининг ижро этилмаслиги фуқароларнинг суд ҳокимиятига нисбатан шахсий ишончи йўқолишига олиб келади ва одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятига тўсқинлик қилади;

– суд ҳужжатларини ижро этмаслик кўпчилик ҳолатларда нафақат суднинг обрўсига путур етказиш, балки иқтисодий зарар кўришга ҳам олиб келади.

Сайфилло РАМАЗАНОВ,

Судьялар олий мактаби
магистратура тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уголовный кодекс Узбекской ССР. Государственное издательство Узбекской ССР Ташкент-1959 С. 52-55.
2. Ваулина Т.И. и др.(коллектив авторов) Уголовное право. Особенная часть Учебник для вузов Издательская группа норма – ИН-ФРА.М.: 1998. – С.655.
3. Гладышев С.И. Исполнительное производство Англии. -М.: Лекс Книга, 2002. – С.6.
4. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Дарслик. Т.: Зарқалам, 2005. – Б.239.
5. Рустамбоев. М.Х.Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига Шарҳлар Махсус қисм Т.: “Ilm-Ziyo”, 2006.-Б.638-639.
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 2006 йил, 36-Сон 360-модда.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг Қарори “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” Тошкент ш., 2009 йил 10 апрель, 7-сон.
8. Бекмирзаев.И.И.Бурҳонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “ал-Мухит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни. юрид.фан. номз. илм дар. олиш учун ёзил. дисс. – Т.: 2009.-Б.123.
9. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2009. 3-сон, 9-модда.
10. Таджибаева А.Ю. Жиноят процессида суд ҳужжатларининг қонунийлиги ва асослигини таъминлаш. юрид.фан. номз. илм дар. олиш учун ёзил. дисс. – Тошкент, 2010. -Б.18.
11. Матякупов.И.Р. Суд ижрочилари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари. маг. акад. дар. олиш учун ёзил. дисс. Т.: - 2010.-Б.11.
12. Юсупов. Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари.-Т.: 2011.-Б.15.
13. Пулатова Н.С. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида суд ҳужжатларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалар). юрид.фан. номз. илм дар. олиш учун ёзил. дисс. автореферати.-Т.: - 2011.- Б.12.
14. Суворова И.М., Мирзаев Л.С., Алимова Ю.В. Анализ основных, проблем, приводящих к неисполнению судебных решений, вынесенных против публично-правых образований- «Исполнительное право» федеральный научно-практический журнал -М.: 2011. -С.6.
15. Ахмадзонова.З. Суд ижрочилари ваколатларидаги такомиллашув. Самарқанд: Адолат сари, №20 (380), 2012.-Б.2.
16. Исмоилов.К. Суд ҳокимияти фаолиятини янада такомиллаштириш. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Ахборот-номаси / Бюллетень Верховного Суда Республики Узбекистан. 2013. №3 - Б.26.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4570-сонли Фармони. Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.Тошкент.ш., 2013.й 4-октябрь.
18. Ҳолмухамедов З. Суд қарорларини ижро этишнинг самарали тизимини яратиш – давр талаби // Huquq va burch, №02(86), 2013. -Б.8.
19. Кабулов.Р., Отажонов. А. Одил судловга қарши жиноятлар. Ўқув қўлланма Т.:;2013.-Б.50.
20. Пулатова.Н. Суд ҳужжатларнинг турлари ва функционал тавсифи Жамият ва ҳуқуқ.ТДЮУ 2014/2-сон - Б.69-70.
21. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”- ги 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ-703-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5534923#5538048>
22. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-762-сонли Қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.04.2022 й., 03/22/762/0290-сон
23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори. <https://lex.uz/acts/1602168>

ХУСУСИЙ МУЛК ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИНING ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

“Биз жисмоний ва юридик шахсларнинг мулк ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш мақсадида халқаро андозаларга жавоб берадиган ислоҳотларимизни бундан буён ҳам қатъий давом эттирамиз.”

Ш. Мирзиёев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Янги Ўзбекистон шароитида хусусий мулк дахлсизлигига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Хусусий мулкни ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар замирида аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, давлатимиз иқтисодиётини юксалтириш, барқарор ижтимоий ривожланишни таъминлаш каби масалалар ўрин олган.

Фикримизнинг исботи сифатида айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да ҳам бунга алоҳида урғу берилган. Хусусан, мулк ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулк муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш масаласи мазкур ҳужжатда ўз аксини топган. Хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш, хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, шу жумладан давлат идорасининг расмий маълумотида ишониб мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларига сўзсиз риоя қилиш асосий вазифалар этиб белгилаб қўйилган. Эндиликда, мазкур давлат дастури асосида, юридик шахс тугатилганда унинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинмайди ва ер давлат захирасига қайтариб олинмайди. Шунингдек, “Хabeas Corpus” институти доирасида суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда кўриб чиқиш тартиби жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганлигини хусусий мулк ҳимояси кафолатининг яна бир омили сифатида баҳолаш мумкин. Алоҳида таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистон модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш зарур.

Хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг энг муҳим ҳуқуқий кафолатларидан бири бу шубҳасиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Консти-

туциянинг 53-моддасида, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуворлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларидаги тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаши назарда тутилган. Шунингдек, Конституциямизнинг 54-моддасида мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мустақамлаб қўйилган.

Бош қомусимизда назарда тутилган ушбу меъёрлар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларида, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, Бола ҳуқуқлари конвенциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 12-моддасида “Ҳеч кимнинг шахсий ва оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиб, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзишмаларидаги сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга” эканлиги белгиланган.

Бундан ташқари, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 11-моддасида “Иштирок этувчи давлатлар ҳар бир киши ўзи ва оиласи учун етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тўхтовсиз яхшиланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини эътироф этади” дейилган.

Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, хусусий мулкчиликни кенг тарғиб қилишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси алоҳида аҳамият касб этади. Кодексда мулк ҳуқуқи дахлсизлиги, субъектлари, унинг вужудга келиши ва бекор бўлишининг асослари мустақамлаб қўйилган.

Фуқаролик қонунчилигида мулк, унинг субъекти ким бўлишидан қатъий назар бир хил ҳуқуқий мақом ва ҳимоя механизмларига эга.

Хусусий мулкчилик масалалари халқаро миқёсда ҳуқуқий ҳимоя қилинар экан, сўнги йилларда мамлакатимизда хусусий мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар жиддий такомиллашди деб айтиш мумкин. Яъни, хусусий мулкни ҳимоя қилишнинг миллий ҳуқуқий механизми яратилди. Хусусан:

- “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни;

- “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони;

- “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони;

- “Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг мулк ҳуқуқи кафолатланишини сўзсиз таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши;

- “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори сингари қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд.

Мазкур меъёрий ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкний муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони хусусий мулкчиликнинг глобал миқёсда ҳимоя қилинадиган энг долзарб масалалардан бири эканлигини яққол намоён қилди.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусий мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ва билвосита чеклашни назарда тутувчи бир қатор тартиб ва талабларни бекор қилди. Жумладан, ер участкаларига бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш, уй-жойга бўлган мулкний ҳуқуқларни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган ер участкалари, бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланишга, шунингдек, корпоратив муносабатларга доир чекловлар бекор қилинди.

Мазкур фармон билан ерга бўлган ҳуқуқлардан фойдаланишда ерга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келишига асос бўлган ҳужжатларни бекор қилиш орқали ерга бўлган ҳуқуқни тугатиш, ердан ихтиёрий воз кечишни Ҳукумат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш (ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотаerial тасдиқланган ариза ҳуқуқни бекор қилиш учун асос бўлади), юридик шахс тугатилиши билан унинг ерига бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш, ерни жамоат

эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация сифатида давлатнинг бошқа кўчмас мулкни бериш назарда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, амалиётда мулкка бўлган ҳуқуқни қайсидир орган томонидан олдин қабул қилинган ҳужжатни бекор қилиш орқали тугатиш ҳолатлари кўп учраб турар эди, эндиликда мазкур масала фақат суд тартибида кўриб чиқиши жорий қилинди.

Шунингдек, фармонда кўчмас мулк бўйича давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида унга ишониб ҳаракат қилган шахсларга етказилган зарар ҳамда турар жой инсофли эгалловчидан талаб қилиб олинмаслиги натижасида унинг ҳақиқий эгасига етказилган зарар қопланиши, бу мақсадда махсус жамғарма фаолият юритиши, судларда фуқароларга нисбатан мулкний даъволар киритишда давлат божига бўлган озод қилинганлиги билан боғлиқ давлат органларининг сони қисқартирилиши, шахсга нафақат ўзининг ҳаётини, балки ўз мулкни ҳам ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилиши, терговдаги шахснинг мулкни хатлаб қўйиш ҳам судлар ваколатига берилиши назарда тутилганлиги мулк ҳуқуқини олий қадрият сифатида давлат органлари тизимида тўлиқ амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиб, мулкний ҳуқуқларнинг давлат томонидан кафолатланишига бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб улгурган. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратилиши кафолатланади.

Хусусий мулкнинг давлат ва халқаро даражада ҳуқуқий ҳимоя қилиниши мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки беради. Тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлайди, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 29.08.1996 йил.
2. Ш.Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси”. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти. 2021. Б.138.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”.
4. “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкний муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 24.08.2022 йил.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 8.12.2022 йил.

Саида МАХМУДОВА,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси.

ОҚ ХАЛАТГА ДОФ ТУШМАСИН

Азалдан Шарқда адолат – ҳалоллик, эзгулик тушунчалари билан уйғун бўлиб, аждодларимиз бу хусусиятларни эъзозлаб, қадрият даражасига кўтарганлар. Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг “Куч – адолатда!” шиори асрлар оша яшаб келаётгани халқимизнинг адолатга бўлган меҳри, ишончи ифодасидир.

Президентимиз ҳам адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келганини таъкидлайди.

Зеро, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан биридир.

Ҳаётимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, одил судловни рўёбга чиқаришда тўсиқ бўлаётган муаммоларни, соҳада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида жойларда ихтиёрий ва мажбурий тергов натижаларига кўра судланган одамлар тақдири қайта кўрилиб, оқлов ҳукмлари чиқарилмоқда.

1959 йили Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида туғилган Э.Х. Қашқадарё вилоят кўп тармоқли тиббиёт бирлашмасининг проктология бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаётганди. 2013 йилнинг 14 август куни жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексини 116-моддасининг 3-қисми билан айбланиб ЖКнинг 45-моддасига асосан шифокорлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум қилинган ва Жиноят кодексининг 57-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 10 январдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2013 йил 14 августдаги Э. Х.га нисбатан ҳукми ўзгаришсиз қолдирилиб, у 2013 йил 2 декабрдаги амнистия актига асосан асосий жазодан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2021 йил 20 августдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2014 йил 10 январдаги ажримининг Э. Х.га оид қисми бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

Суд ҳукмига кўра Э.Х. вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг проктология бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, 2012 йил 24 декабрь куни соат 11 ларда ўзи ишлайдиган бўлимга “Ўткир парапроктит” касаллиги билан келган беморни Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган даволаш стандартлари асосида тўлиқ тиббий текширувлардан ўтказмасдан, беморда “Ўткир йирингли очиш” операциясини ўтказиб, ундаги анемия, яъни камқонликка аҳамият бермасдан, тегишли гематолог мутахассис маслаҳатидан фойдаланмасдан, ўз касбига нисбатан бепарволик билан муносабатда бўлиши туфайли беморнинг аҳволини қониқарли баҳолаб шифохонадан чиқишига рухсат бе-

риб юборган. Натижада бемор 2013 йил 3 январь куни куни Республика Шошилиш тиббий ёрдам марказининг Қашқадарё филиали реанимацион бўлимига тушиши ва беморга нисбатан “Ўткир лейкоз” ташхиси кечикиб қўйилиши оқибатида беморнинг 2013 йил 4 январь куни шифохонада вафот этишига сабабчи бўлган.

Апелляция инстанцияси суди ишга доир ўнлаб гувоҳларнинг фикрларини эшитиб кўрди. Жиноят ишига алоқадор шифокорларни, суд – тиббий экспертизаси ходимларини бирма-бир сўраб-суриштириб, беморнинг ўлими билан шифокор Э.Х.нинг ҳаракати ўртасида сабабий боғланиш мавжуд эмас, деб топди. Иш бўйича мутахассислар ва гувоҳлар беморнинг ўлимига Э. Х.нинг ўз касбига бепарволиги ёки инсофсизлиги сабаб бўладиган тарзда кўрсатувлар бермади.

Судланган шифокор беморни кўриб текширганидан сўнг унга тиббий ёрдам кўрсатиб, керакли муолажаларни қилган ва ўз вазифасини лозим даражада бажарган. Шу билан бирга Э. Х. беморнинг “Ўткир лейкоз” касаллигини даволаш ёки ўлимнинг олдини олиш имконига эга бўлмаган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси суди Э. Х.га оид суд ҳукмини бекор қилишни, уни Жиноят кодекси 116-моддасининг 3-қисми билан айбсиз деб топиб, Жиноят-процессуал кодекси 83-моддасининг 2-бандига асосан реабилитация қилиш йўли билан оқлашни, Э. Х.га етказилган мулкӣ-маънавий ва бошқа зиён оқибатларини Жиноят-процессуал кодексининг 304-312-моддаларида назарда тутилган тартибда бартараф қилишни лозим топди.

– Ҳалоллик, поклик, одоб-ахлоқ, садоқат, диёнат... Бу сўзларни узоқ давом эттириш мумкин. Киши шуурида ана шу туйғулар бўлмаганда, жамият тубанлашиб кетган бўларди. Улуғ алломаларимизнинг ўғитларида, панд-насиҳатларида поклик, ҳалоллик, ахлоқ масалаларига катта эътибор қаратилган.

Нопоклик нима? Ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормаслик, мудом хиёнатга ошно бўлиб юришнинг оқибати нопокликни келтириб чиқаради. Ўртага нопоклик тушдими, маънавий туйғулар топталади. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ёзилишича, агар киши сидқидилдан сувга оёқ кўйса, сув ҳам унинг оёғи остида қаттиқ бўлади. Демак, ҳар бир инсон қалбидаги поклик ва ҳалоллик мустаҳкам бўлса, ўша инсон чин одамийлик меҳвари ҳисобланади.

Ҳамид БОБОҚУЛОВ,

Қашқадарё вилояти жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг судьяси.

“ҚИНФИРЛИКНИНГ ҚИЙИҒИ ҚИРҚ ЙИЛДАН СЎНГ ҲАМ ЧИҚАДИ”

Фирибгарлар жуда айёр бўлиб бирор масалада кўмакка муҳтож инсонларга ўзининг “беғараз” ёрдамини таклиф этади. Чунки, бундай ҳолатда аксарият фуқароларимиз қандай бўлмасин ўз мушкулотларининг ечилишини ишталади. Ушбу қулай фурсатдан эса нафс қуллари бўлган кимсалар фойдаланиб, ўзганинг машаққат билан топган бойлигини қўлга киритишга уринади. Кўп ҳолларда улар ўз мақсадларига этади ҳам. Қуйида мана шундай нокас кимсаларнинг қурбонига айланган одамлар ҳақидаги ҳаётий воқеани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Олий ўқув юртларида тест натижалари эълон қилинган, Бухорода ўзаро жиноий тил бириктирган уч нафар фирибгар етарли балл тўплай олмаган фуқароларни алдаб, бойлик қўлга киритиш илжинига тушишди.

Сентябр ойида Ботирнинг (исм-шарифлар ўзгартирилди) қўл телефонига нотаниш рақамдан бир қиз кўнғироқ қилиб, ўзини Жиззах шаҳридаги масъулияти чекланган жамияти ходими деб таништиради ва «Телефон рақамингизни Давлат тест марказидан олдик, абитуриент экансиз, агар хоҳласангиз чет эл олий таълим муассасаларига ўқишга киришингизга ёрдам берамиз», дейди.

Бу таклифни эшитиб қувониб кетган Ботир Давлат тест марказида ўзининг рақами қанақасига бўлиши мумкинлигини ҳам ўйламай, қаерга, кимга учрашиш кераклигини сўрайди ва уйдагилари билан маслаҳатлашгач, мазкур масъулияти чекланган жамиятга бориб, у ерда ўзини иш бошқарувчи деб таништирган Камола ва иш юритувчи Ойбек билан учрашади.

“Иш бошқарувчи” Камола Ботирга хорижий олий ўқув юртлари йўналишлари ҳақида бир дунё тушунтиришлар бериб, ўқишга киритиш эвазига масъулияти чекланган жамият ҳисоб рақамига 4 минг АҚШ доллари тўлаш кераклигини, шундан сўнг шартнома тўловини ҳам жамият орқали университетга тўлаши лозимлигини айтади.

Бу гапларга лаққа тушган Ботир орадан икки кун ўтиб яна жамият эшиги олдида пайдо бўлади. Бу гал у ҳужжатлари ва 4 минг доллар билан келган эди. У ҳужжатлари ва пулни ўзини ташкилот раҳбари деб таништирган Ҳасан исмли шахс гувоҳлигида Камолага топширади. Учала фирибгар биргаликда Ботирга хориждан университет танлашади. Олий таълим муассасалари рўйхатидан Қозоғистондаги университетлардан бири танлаб олинган, Ботир хотиржам бўлиб уйига йўл олади.

Орадан уч кун ўтиб, Ботирнинг электрон почтасига танланган университетдан хат келади. Хатга Қозоғистондаги ўша университетга ўқишга қабул қилингани ҳақидаги маълумотнома илова қилинган, дарслар онлайн тартибда бўлиши маълум қилиниб, шартнома учун тўлов қоғози юборилган эди.

Шундан сўнг Ботир сохта МЧЖга бориб, бир йил учун 30 миллион сўм шартнома тўловини “иш бошқарувчи”нинг қўлига тутқазади. Камола эса, ўз навбатида Ботирга фирма тўлови учун 4 минг доллар, шартнома тўлови учун 30 миллион сўм тўлангани ҳақида маълумотнома ёзиб беради. Оғзи қулоғида йўлга чиққан Ботир бироз йўл юргач, қўлидаги маълумотномага қарайди. Маълумотномада “Scientific Advisor” масъулияти чекланган жамияти эмас, балки бошқа номдаги фирма муҳри босилганди. Ортига қайтиб, бунинг сабабини

сўраган Ботир, “компаниямизнинг номи ўзгарди, энди хусусий фирма эмас, давлат ташкилотимиз” дея жавоб олади.

Шундан сўнг Ботир Камоладан университет билан тузилган тўлов шартномасининг асл нусхасини сўрайди, Камола эса ҳозир интернет алоқасида муаммо туғилиб қолганини баҳона қилиб, кейинги сафар албатта беришини айтади. Ботир кейин ҳам бу “фирма”га кўп марта қатнайди, аммо ҳар сафар Ҳасан, Камола ва Ойбекнинг баҳоналарини эшитиб, қайтиб кетади. Охирги марта февраль ойида ташкилотга борган Ботир, у ерда фирмадан ном-нишон йўқлигини кўради. Шундан сўнг фирибгарлар қўлига тушганига амин бўлиб, ИИБга мурожаат қилади.

Бу фирибгарларнинг тузоғига тушган фақатгина Ботир эмас экан. Жиноятчилар айти шу йўл билан 15 кишига фириб бериб, улардан жами 42 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни фирибгарлик йўли билан ўзлаштиришганди.

